

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Т. Ҳ. ИКРОМОВ

**УМУМИЙ
ЗООТЕХНИЯ**

Ўқитиш усули

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
касб-хунар таълим Маркази, Ўрта маҳсус,
касб-хунар таълимими ривожлантириши институти
Илмий кенгаши томонидан
касб-хунар колледжларининг «Зоотехния»,
«Ветеринария», «Чорвадор фермер хўжаликларини
ташкил этиши ва юритиш» йўналиши бўйича
«Чорвачилик» фани ўқитувчилари учун услубий
қўлланма сифатида тавсия этилган*

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2002**

И—37

М у а л ли ф

Биология фанлари доктори, профессор
Талъат Ҳотамовиҷ Икромов

Тақризчилар:

Узбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,
 Республика үқув-услубият маркази директори,
 т.ф.н., доцент *Б. М. Тожибоев*.

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент *Н. Э. Саттаров*.
 Тошкент тумани қишлоқ хўжалик касб-хунар
 коллежи директори *Х. Манаев*.

Тошкент Аграр Университети «Хусусий зоотехния» кафедраси
 мудири, доцент *Ф. Джасимов*, кафедра профессори *У. Носиров*
 ва доцентлар *Р. Х. Ҳамроқулов*, *Ғ. Б. Амантурдиев*
 ва қ/х фанлари номзоди *Б. Қаҳрамонов*.

Т. Ҳ. ИКРОМОВ**УМУМИЙ ЗООТЕХНИЯ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа
 акциядорлик компанияси
 Бош таҳририяти
 Тошкент — 2002

Мұхаррир: *Б. Эшпўлатов*


Теришга берилди 17.07.02. Босишига рухсат этилди 10.10.02. Бичими
 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Оффсет босма. Шартли босма табоби
 5,88. Нашриёт ҳисоб табоби 6,0. Аади 3000 нусха. Буюртма № 3811.
 Баҳоси келишилган асосда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси
 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

Икромов Т. Ҳ. Умумий зоотехния. (Ўқитиш усули). — Т.:
 «Шарқ», 2002. — 112 б.

ўз 6711.5ў

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси
 Бош таҳририяти, 2002.



СҮЗБОШИ

Маълумки, Республикамиз вилоятларида турли йўналишга мансуб бўлган коллежлар барпо этилиши, бир неча минглаб ёшларнинг касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқлари кун сайин ўсиб, ортиб бораётганлиги кўплаб юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашни тақозо этади.

Сўнгги йилларда магистратурани тутатган ёшларнинг бир қисми коллежларда хизмат қилиш иштиёқидадирлар. Лекин уларнинг айримлари ўз фаолиятларини бошлаб юборганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунларда коллежларда меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг асосий қисми, жумладан, чорвачилик фанларидан услубият борасида бир қанча муаммоларгач дуч келмоқдалар. Уларда назария борасида билимлари етарли даражада бўлса-да, амалиёт бўйича, айнан дарс бериш услубияти тажрибаси етарли бўлмаслиги анча қийинчиликларга олиб келмоқда.

Бундай қийинчиликларни бартараф этиш учун кўплаб услубий қўлланмалар яратилиши ва улардан дарс беришда, ёшларни ўқитувчилик фаолиятларида фойдаланиш айни муддаодир.

Муаллиф ўзининг узоқ йиллик ўқитувчилик тажрибасига суняган ҳолда ва унинг нашр этилган бир қанча дарслик ва ўкув қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда, ёш ўқитувчилар учун ушбу рисолани тайёрлангига жазм этди.

Рисола «Умумий зоотехния» фани мисолида тайёрланган бўлса-да, у бошқа чорвачилик фанларини ўтишда ҳам фойдаланилиши (қўлланилиши) мумкин. Чунки чорвачилик фанлари кўпинча бир-бири билан боғланиб кетиши бунга асос бўлаолади.

«Умумий зоотехния» фанини ўтишда асосий услублар умумий билимларни мустаҳкамлаш ва шу курс бўйича бир вақтнинг ўзида тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган бўлиши лозим.

Услубий қўлланманинг **асосий мақсади** биринчи галда ўқувчиларни умумий зоотехниядан нимага ўргатиш ва қандай усувлар асосида ўргатиш бўлса, иккинчи галда ўкув жа раёнларини ташкил этиш услубларига қаратилади. Жумла-

дан, ўқитини ишларидан турли усулларни қўллаган ҳолда кўргазма воситаларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг мустақил ишланишлари учун кўмак бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш ва ҳоказо.

Ушбу қўлланма асосан тўрт бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида «Умумий зоотехния»ни ўқитиша асосий услубий масалалар устида сўз юритилса, иккинчи бўлимда «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва кўпайтириш» ва, ниҳоят, учинчисида, «Ҳайвонларни озиқлантириш ва тўртинчи бўлимда дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиши услублари устида сўз юритилади.

Услубий қўлланмани таёйрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими Маркази томонидан тасдиқланган янги ўқув дастурлари асос қилиб олинган. Ушбу услубий қўлланмадан фойдаланишида юқорида номлари қўрсатилган чорвачилик фанлари бўйича нашр этилган дарслик ва қўлланмаларга риоя қилиш ва ундаги фан асосларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Рисола биринчи бор ўзбек тилида тайёрланганлиги учун унда айрим унтутилган муаммолар, йўл кўйилган нуқсон ва камчиликлар бўлиши мумкин. Бинобарин, бу борада ўзининг танқидий фикр-мулоҳазаларини билдирган китобхонларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ушбу қўлланма фақатгина қасб-хунар коллеж ўқитувчиларига мўлжалланган бўлмасдан, ундан Республикамиизда чорвачилик фани бўйича юқори курс (магистрлар) талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф

**«УМУМИЙ ЗООТЕХНИЯ»
ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ
УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

«Умумий зоотехния» ўқув фани сифатида бир неча фанлар йигиндисидан вужудга келган ҳолда ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш, уларни маънавий, умум тарбиявий ва ғоявий чиниқтириш тадбирларини олиб бориш мақсадида колледж ўқув режасига кирилтган.

Умумий зоотехния ҳайвонларни урчитиш ва қўпайтириш, ҳамда уларни озиқлантириш фанларини ўз таркибига қамраб олган ҳолда ўқувчи ёшлиарни чорвачилик борасида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бўлажак чорвадор мутахассислар ўз билимларига суюнган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда ва уларни тўғри олиб боришда барча амалий усулларни мустақил кўллай билишлари лозим.

Барча фанларда бўлгани каби чорвачиликда ҳам турли хил ўзгаришлар, янги усуллар ва тадбирлар, фан тараққиёти узлуксиз давом этади. Жумладан, айрим усул ёки қўлланиб келинаётган тадбирий чоралар ўз кучини ва афзалликларини бошқа тур замонавий усуллар билан алмаштиради, ҳамда турли хил ислоҳотлар юз бериши табиийдир. Бундай ўзгаришлар чорвачиликда П. И. Викторов ва Л. Я. Монтаковалар фикрича, ҳар 6—8 йилда бир марта амалга ошиши мумкин экан. Шу вақт оралиғида илмий маълумот ва сўнгги амалий билимларни деярли ярми эскириб қолар экан. Буни ҳисобга олмаган ҳар бир зоотехник (чорвадор) замон талабига жавоб бераолмайди. Унда ўз касби бўйича қолоқлик юз беради.

Ўқувчиларнинг илмий маҳоратларини, касбий би-

лимларини оширишда умумий зоотехния кўплаб қулайликлар яратиб беради. Бу эса ушбу фанни илмий асосларини тўла ўзлаштириш натижасида амалга ошиши мумкин. Бу ўқувчилар билим доирасини кентгайтириб, бойитиб бориши умумий зоотехния фани зиммасида дегани эмас.

Ўқувчилар даставвал ҳар бир фанни, шу жумладан, умумий зоотехния фанини ўзлаштиришда унга ижодий ёндошишлари талаб этилади. Уларда ижодий фаоллик, билимга чанқоқлик, ижодий интилиш ва қизиқиш бўлиши керак. Шу билан бир вақтда ўқувчилар мустақил ҳолда фан янгиликларини эгаллашлари ва унга интилишлари лозим. Бу борада ўқитувчиларни фаоллик кўрсатишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Келажак чорвачилик мутахассисларининг шаклланишида ўқув ишларини тўғри ташкил этиш, ҳар бир шахснинг тарбиявий жиҳатдан баркамоллиги ҳам юксак даражада бўлиши талаб этилади. Бу борада энг муҳим шартлардан бири ҳар бир ўқувчидаги ўзининг келажак мутахассислигига бўлган қизиқиши, интилиши ва уни улуғлаши катта самарадорлик беради. Ўқувчилар ўзларини бўлажак мутахассисликлари билан фаҳрланишлари, чорва ҳайвонлари ва паррандаларига катта меҳр билан муносабатда бўлишлари, уларни авайлаб асрашлари ва турли хил қўпполликлардан узоқда бўлишлари яхши натижаларга олиб келади.

«Умумий зоотехния» фани асосларини ҳар томонлама пухта ва чукур эгаллаб олган ҳар бир ўқувчи чорвачилик тармоқлари бўйича ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан кўплаб муҳим масала ва муаммоларни мустақил ҳолда бартараф этиш қобилиятига эга бўлмоғи табиийдир. Айниқса, чорва ҳайвонлари ва паррандаларини урчитиш, кўпайтириш, парваришлаш ва озиқлантириш борасида ўз амалий билимларига суюнган ҳолда кўплаб тадбирларни бажараоладилар ва янгиликлар сари интиладилар. Бунинг учун ҳурматли ўқитувчилар раҳнамолигига қўшимча ҳолда фан янгиликларини ўзлаштириб боришлари, чорвачилик техникаси ва технологиясини янада чуқурроқ билишлари ва ишлаб чиқаришда уларни ҳаётга тўғри тадбиқ қилиш-

лари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Албатта, бу борада ўқитувчиларнинг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этади.

ФАН МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА УЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИПСИ

«Умумий зоотехния» фани хусусий чорвачиликнинг пойдевори ҳисобланади. У ўқувчиларга ҳайвон ва паррандаларнинг келиб чиқиши (эволюция) таълимотини, уларни ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини, урчиши, озиқлантириш, танлаш, саралаш, сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш усулларини ўргатади. «Умумий зоотехния» фанини чуқур эгаллаб олган ўқувчилар чорвачиликни барча тармоқлари бўйича ферма хизматида бўлгандаридан турли хил масала ва жумбоқларни бемалол қўйналмасдан ҳал қилаоладилар.

Жумладан, мисол учун, «Умумий зоотехния»дан «Қиншлопқ ҳўжалик ҳайвонларини урчиши усуллари» ва «Ҳайвонларни танлаш ва саралаш» мавзуини ўзлаштиришда ҳар бир усул тўғрисида етарли маълумотга эга бўладилар. Ўқувчилар ҳар бир усулни биологик хусусиятини ўзлаштириб оладилар ва қандай ҳолатларда чатиштиришининг қайси бир усулидан фойдаланиш лозимлигини кўрсатиб бераоладилар. Бундай ҳолат ҳайвонларни урчиши фанининг бошқа мавзуларига ҳам тааллуқлидир. Бу борада хусусий чорвачилик ўқитувчи-си ўқувчилар диққатини ҳар бир тармоқ хусусиятини ҳисобга олган ҳолда айрим бошқарув ишларини бажариши мумкин ва айрим мисоллар билан олинган билимларини бойитиб бориши мумкин.

«Умумий зоотехния» фани чорвачиликнинг ҳар бир тармоғи бўйича улар организзмига ва табиатига инсонни таъсир этиши усули ва тадбирларини ўзгартирибгина қолмасдан, ҳар бир тур ва ҳар бир зот хусусиятларини ва ирсий, ҳамда ўзгарувчан ва мосланувчан белги-ҳолатларини ўргатиш ва ечимларини ифодалаб бериш каби масалаларни амалга ошириш имконини беради. Бу фанини ўзлаштиришда ўқувчилардан ҳайвон организзими бир бутун ва ягона эканлигига ва у ҳамма вақт ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқдиги тўғрисида ишонч ҳосил қиласди. Шунингдек, бу борада барча жараёнлар-

ни инсон томонидан бошқара олиш имкони мавжудлары түгрисида етарлы даражада малакага эга бўладилар.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, «Умумий зоотехния» фани ўз таркибига иккита йирик ва мустақил соҳа — «Ҳайвонларни урчитиш ва кўпайтириш» ҳамда «Ҳайвонларни озиқлантириш»ни қамраб олади.

«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва кўпайтириш» соҳаси қўйидаги масалалардан ташкил топган:

- Ҳайвонларнинг пайдо бўлиши (эволюцияси);
- Ёш ҳайвон ва паррандаларни боқиш ва парваришилаш;
- Ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш;
- Ҳайвонларни комплекс белгилари асосида баҳолаш;
- Ҳайвонларни танлаш ва саралаш (жуфтлаш);
- Ҳайвон ва паррандаларни чатиштириш тадбирлари;
- Чорвачиликда наслчилик ишларини ташкил этиш ва олиб бориш шулар жумласидандир. Бу масалаларни ўрганиш асосан биологик фанлар қонуният ва тавсияларига сунгтан ҳолда олиб борилади.

Ҳайвон ва паррандаларни урчитиш ва кўпайтириш муаммоларини ҳал этиш борасида уларни озиқлантириш, тўлақимматли, сервитамин, таркиби минерал моддаларга бой бўлган ем-хашак турлари билан таъминлаш ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Буни ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди. Сифатсиз ёки паст сифатли, ориқ, нимжон, касалванд, етарли даражада ем-хашак билан таъмин этилмайдиган ҳайвон ва паррандалар орасида бирор тадқиқот ишларини, жумладан, ҳайвонларни урчитиш ишларини олиб бориб бўлмайди ва бирор ижобий натижага ҳам эришиб бўлмайди. Бинон барин, ҳайвонларни соғлом, бақувват, чидамли ва сермаҳсул бўлишида озиқлантириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Ҳайвон ва паррандаларни озиқлантириш» соҳаси қўйидаги масалалардан ташкил топган:

- Ем-хашак турлари ва улардан унумли фойдаланиш;
- Ҳайвон ва паррандаларнинг озиқ моддаларига бўлган эҳтиёжи;

- Ҳайвонларни меъёр асосида озиқлантириш;
- Ҳайвон ва паррандалардан кўп ва сифатли маҳсулот етишириш учун уларни тўла қимматли, юқори сифатли ем-хашак билан боқиши ва имкони борича тежамкорликка ва оз меҳнат сарфлашга эътибор қаратиш шулар жумласидандир.

Умуман, «Умумий зоотехния» фани ўқитилар экан, ўқувчиларда ватанпарварлик, маънавият, ўз ҳалқига содиқлик, илғорлар тажрибаларини ўрганиш ва келажакда уларга эргашиш ва кўплаб ижобий ҳолат ҳамда хусусиятлар ўз аксини топади.

ЎҚУВ МАЪЛУМОТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Ўзбекистон ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги барча коллежларда ўрта звено кадрлар етишириш борасида «Умумий зоотехния» фани ўтиладиган касб йўналишларида ушбу фанни ўтиш ва ўзлаштириш ишларини шундай режалаштириш лозимки, у ўз навбатига кўра умумбиологик фанлардан ва, қолаверса, «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш» ва «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш» фанидан сўнг ўтилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, «Ҳайвонлар анатомияси ва физиологияси», «Ем-хашак ишлаб чиқариш» каби фанлар ҳам олдинроқ ўтилиб, шу фан асосларини ўқувчилар ўзлаштириб олган бўлишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Умумий зоотехния» ўқув материаллари ва маълумотларини режалаштиришда қўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- Ўқув материаллари ўз ўрнига кўра тўғри жойлаштирилиши лозим. Бунда шу фанга тааллукли ва олдин ўтилган фанлар бўлса, «Умумий зоотехния» фанини ўз ўрнига қўйган ҳолда режалаштириш;

- Ўтиладиган мавзуни хусусияти ва усулига кўра уни қаерда, яъни ферма шароитидами ёки ўқув хоналарида (кабинетда) бажариш лозимлиги аниқлаб олиниди. Бу борада шуни айтиш лозимки, айрим мавзулар ферма шароитида, тирик ҳайвонлар атрофига яхши ўзлаштирилса, айрим мавзулар ўқув хоналарида ва лабораторияда яхши ўзлаштирилади. Масалан, ҳайвонлар экстеръерини ўрганиш, ёш ҳайвонларнинг ўсипи ва ри-

вожланиш жадаллиги, наслчиллик ишларини олиб боришига қаратылган хұжалик тадбирлари, ем-хашак турлари, уларни тайёрлаш ва бақолаш ишлари ферма шароитида олиб борилиши мақбул ҳисобланади;

— Ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилган назарий билимларни амалий машғулотларда, лаборатория ишларидан да үқув амалиёті жараёнларидан мустаҳкамлаб олиш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир лаборатория иши ёки амалий машғулот шу мавзу бүйіча ўтилган назарий дарсдан сүнг ёки бир вақтнинг ўзіда параллел ҳолда ўтилиши мақсадта мувофиқ ҳисобланади.

Лекин, айрим ҳолларда, камдан-кам бўлса-да баъзи бир мавзуларни ўтишда лаборатория ва амалий машғулотларни назария дарсидан олдинроқ ўтиш ҳам мумкин. Агар бунда ушбу мавзу ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштираолиш имкони ва кафолати бўлса. Бунга мисол тариқасида «Қишлоқ хұжалик ҳайвонларини зоти» мавзуини олиш мумкин. Маълумки, ўқувчилар аввал ўтилган «Ҳайвонларни урчитиш ва кўпайтириш» фанидан зотлар тўғрисида маълум даражада малака ва билимта эга эканларни аниқ. Бундан ташқари, амалий машғулотда улар турли альбом, диафильм, кинофильм ва макетлар билан танишиб, ўз билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаб олишлари мумкин. Бинобарин, шундан сүнг ўтилган назарий дарснинг сармадорлиги бирмунча юқори бўлиши мумкин.

Ўқувчилар үқув амалиётини ўтишда ҳам бирмунча масалаларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Жумладан, қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришидаги айрим мавсумий масалалар (масалан, ем-хашак тайёрлаш, молларни бонитировка қилиш, исирғалаш (номерлаш) ва ҳ.к.) ҳам ҳисобга олиниши лозим. Бу борада фан ўқитувчиси ишлаб чиқариш (ферма) шароити билан тўла танишиб чиқиши ва ундан кундалик ва мавсумий тадбирлар вақтини аниқлаш, ҳамда шунга кўра ўз үқув режаларини тузиши мақсадта мувофиқ ҳисобланади.

МАВЗУЛАР ВА ФАНЛАР ЎРТАСИДАГИ БОҒЛАНИШ

«Умумий зоотехния» фани барча ўқувчиларни назарий ва амалий билимларини бойитиш борасида мұхим воситачилик қиласы. Ўқувчиларда мантиқий фикрлаш ва билим доираларини көнгайтириш имконини беради. Ўқувчиларни дүнёқарааш доирасини янада көнгайтандыра бир қанча фанлар тизимини ўзаро боғланиши ўқуттарбия ишларини янада күчтіриш имконини беради. Шунингдек, ўқувчиларни мустақил ҳолда фан асосларини әзгелашда камарбастағы қиласы. Фанларнинг ўзаро боғланиши күп жиҳатдан ижобий натижалар беради.

Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган фан асослари, билим янгиликлари, турли қонунийтлар ўқиши даврининг дастлабки кунларидан бошлаб тўпланиб, жиспланиб боради.

Айрим мутахассислар фикрича, «Умумий зоотехния» фанида бир қанча йўналиш ва услублар асосида айрим долзарб муаммоларни ҳал этиш мумкин экан. Бу борада фанлар ўртасидаги айрим боғланиш турлари тўғрисида сўз юритиш мумкин.

1. Илгариги (олдинги) боғланиш. Бунда оралиқ фанлар маълумотларини тикланиши оқибатида бир фан масалаларини ва билимларини иккинчи фан ҳал этаолини тушунилади. Масалан, «Умумий зоотехния» ўз фаолиятида олдин ўтилган бир неча биологик фанларга суюнади. Масалан, «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини анатомияси ва физиологияси», «Ҳайвонларни урчиши асослари», «Анорганик кимё» каби фанлар шулар жумласидандир.

2. Ҳамкорлик боғланиш. Бунда фанлараро боғланиш бир вақтни ўзида айрим оралиқ фанлар кўмагига суюнади. Бу борада «Зоогигиена ва ветеринария асослари», «Чорвачиликни механизациялаш ва электрлаш» каби фанларни кўрсатиш мумкин.

3. Истиқболли боғланиш. Бунда айрим мавзу ёки масалалар ечими муаммоли бўлгани ҳолда бир қанча фанлардан, жумладан, хусусий чорвачилик тармоқларига суюниш ва кўмак олиш мажбурияти вужудга келади.

Фанлараро боғланишга суюнган ҳолда, ўқувчилар

билимини етарли даражада бўлганлити учун уларга бериладиган топшириқ ҳажм жиҳатидан кенг ва йирик бўлиши мумкин. Масалан, «Ҳайвонларни танлаш ва саралаш» мавзуи учун ўқувчиларни аввалти «Ҳайвонларни урчишиш ва кўпайтириш» фанидаги биологик қонуниятлар бирмунча қўл келади. Лекин, шунга қарамасдан, ўқитувчи ўз ўрнида кўшимча ҳолда ҳайвонларни сунъий танлаш тарихи ва унинг давом этиб келаётганлиги, аҳамияти ва ҳ.к.лар бўйича сұхбат ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ

Ўқитишининг айрим хусусиятлари

Ўқитишиш усулларини қўллаш улардан тўғри ва унумли фойдаланиш, биринчидан, ўқувчи ва ўқитувчи ўтрасидаги муносабат билан белгиланса, иккинчидан, ўқувчилар билимини ошириш, дунё қараш доирасини кенгайтириш, мустақил фикрлашга ўргатиш ва барча ижобий хусусиятларини шакллантириш имконини беради.

«Умумий зоотехния» фанини ўқитища, бошقا фанларда бўлгани каби бир қанча ўқитишиш усуллари қўлланилади. Улар асосан қўйидагилардан иборат: 1. **Сұхбат асосида** — тушунча бериш. Буни ўзи яна икки яъни оғзаки ва ёзма усулга бўлинади. 2. **Намойиш қилиш усули** (мустақил кузатиш, тажриба ўтказиш, ва ҳайвонлар устида назорат — кузатиш ишларини олиб бориш). 3. **Амалий машғулот ўтказиш усули.** Бу усул бирмунча самарали бўлиб унда ўқувчиларни амалий жиҳатдан фаолиятлари бирмунча юқори бўлиши аниқланган. Шунинг учун «Умумий зоотехния» фанини ўтишда асосан шу 3-нчи усул кўпроқ қўлланилади. Умуман, қайси бир усул қўлланишидан қатъи назар, асосий мақсад ўқувчиларни мустақил фикрлаши, уларни ижодий фаолигини ошириш, олинган билимларни онгли ҳолда ўзлаштиришлари лозим ҳисобланади.

Коллежларда ўкув ишларини асосий формаси (усули) **дарс** ҳисобланади. Шу билан бирга ўқитишиш жараёнини барча босқичларида, ўтиладиган мавзуларнинг хусусиятига кўра яна бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин.

Лекин, бунда энг асосий мақсад ва интилиш қандай ўқув-услубий шакл-формаларини қўллашдан қатъи назар қўйидаги талабларга жавоб беролиши лозим:

— Утиладиган материал (мавзу) мазмунини тўла ва кенг ёритиб бериш;

— Ўқитувчи томонидан тушунтириб берилган маълумотларни барча ўқувчилар мустақил ҳолда пухта ўзлаштириб олишлар;

— Турли хил ўкув-кўргазма ва ўқитув техника во-ситаларидан унумли фойдаланиш;

— Дарс жараёнида ўзлаштирилган маълумотларни чорвачилик тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш масалаларига боғлаш;

— Ўқувчиларни дарс жараёнида фаоллигини ташкил этиш шулар жумласидандир. Ҳар бир дарс ўтилган дарснинг мантиқий давоми бўлиши лозим.

Дарснинг турли шакл-формалари мавжуд бўлиб улар ўз ўрнида, талаб этилишига кўра фойдаланилади. Жумладан, «Кириш» дарси, янги материалларни ўзлаштириш дарси, умумлаштирилган дарс, ишлаб чиқариш (ферма) шароитидаги дарс, семинар типидаги дарс, ластурлаштирилган дарс, кино-дарси, фандан иш ўйинлари дарси, лаборатория ва амалий машгулот дарслари мавжуд. Булардан ташқари, яна қўшимча дарслар (экскурсия, ўқув-кабинет хоналарда ишлаш, тўгарак ишлари) ҳам ўтилиши тавсия этилади.

Назария дарсларини олиб боришда энг асосий талаб, ўқувчилар фаоллигини ошириш, кўргазма воситаларини етарли бўлиши, бериладиган материалларни мустақил онгли ҳолда ўзлаштиришдан иборат.

«Кириш» дарси ўқитиш ишларини ташкил қилиш бирнече масалаларни ўз ичига олади. Бундай ўқувчилар фан билан танишадилар ва биринчи бор умумий зоотехния тўгрисида маълум тасаввурга эга бўладилар.

Умумлаштирилган дарс — ўқувчилар билмини назорат қилишдан бошланади. Сўнг ўқитувчи томонидан янги маълумотлар (материаллар) берилади. Улар ўзлаштирилдилари ва ўқувчилар уйга топшириқ оладилар.

Янги материалларни ўзлаштириш дарси — қўйидаги режа асосида олиб борилади, яъни: 1. Ўқитувчи ўтган дарсни умумлаштиради; 2. Янги мавзу ва дарс режасини белгилайди; 3. Янги материални тушунтириб беради (суҳбат, маъруза, намойиш қилиш усуллари асосида);

4. Ўтилган дарс умумлаштирилади ва хулоса қилинади;
5. Уйга топшириқ беради. Бундан асосий мақсад — дарс жараёнида олинган билимни такрорлаш асосида мустаҳкамлашдан иборат.

Ишлаб чиқариш (ферма) шароитидаги дарс — ўтишда қыйидагилар назарда тутилади: 1. Ташкилий қисми; 2. Ўқувчилар билимини текпиреб кўриш; 3. Янги мавзуни ўқитувчи томонидан эълон қилиниши; 4. Янги материалларни ўтилиши; 5. Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш; 6. Уйга топшириқ бериш шулар жумласидандир.

Назорат дарси (ёки қайтариш дарси)ни ўтишда қыйидагиларга эътибор берилади: 1. Мавзунинг асосий мақсади; 2. Ўқув материаллари асосида сұхбат режасини тайёрлаш; 3. Ўқитувчи саволларига жавоб бериш; 4. Дарс сўнгига ўқитувчи томонидан хулоса чиқариш, ўқувчилар билимини баҳолаш шулар жумласидандир.

Кино-дарси. Бу дарс ўз йўналиши ва хусусиятига кўра назарий дарс ҳисобланса-да, у ўзининг айрим жиҳатларига эгадир. Улар қыйидагилар: 1. Ташкилий томони; 2. Ўқитувчининг «Кириш» сұхбати, фильмни қисқача мазмуни ва ўқувчилар томонидан нималарга алоҳида аҳамият ва эътибор беришлари лозимлиги; 3. Фильмни намойиш қилиш; 4. Ўқитувчи томонидан хулоса берилиши, ўқувчиларни тўғри тушинаолганларни; 5. Фильм мазмунини ўтилган дарсга мос эканлиги; 6. Уйга топшириқ берилиши.

Дастурлаштирилган дарс — махсус дастур талаби асосида, машина-аппарат ёрдамида, ўқув қўлланмаси асосида олиб борилади. Бунда шуну унутмаслик лозимки, ҳеч бир машина, аппарат ёки механизм ўқитувчи ўрнини, айниқса, тарбиявий ишларда алмаштира олмайди.

Муаммоли дарс — биринчи галда ўқувчиларни мустақил интилиш фаолиятини кучайтиришга қаратилган. Унда қыйидагиларга алоҳида эътибор берилади: 1. Муаммони вужудга келиши; 2. Айрим гипотеза ва мажмуаларни мавжудлиги ва уларнинг ечимини топиш; 3. Гипотезанинг асослаб берилиши; 4. Муаммо тўғри бартараф этилганлигини назорат қилиш ва текшириш.

Умуман, ўқувчиларга муаммоларни мустақил бартараф этиш шароитларини яратиб бериш талаб этилади. Муаммоли дарсни ўтищдан асосий мақсад ўқувчилар мустақиллигини кучайтириш, ўз шахсий фикр ва

тасаввурларини баён этишлари мұхим талаблардан ҳи-
собланади.

Иш үйинлари дарси — зоотехник мутахассисларини
тайёрлашда ўз ўрнини топганича йўқ. Лекин, шунга
қарамасдан, бу усул ўқувчилар фаоллигини ошириш
имконини беради. Уларда кузатиш, хотира ва зукколик
хусусиятларини кучайтиради. Умуман, ҳар бир дарс ус-
луби ўз ўрнида қўлланилиши лозим.

Семинар типидаги дарс — кўпинча ўқувчилар томо-
нидан олиб борилган бирор кузатиш натижасини мұ-
ҳокамасига бағишлиган бўлади. Ўқитувчи томонидан
режа тузилади, сўзга чикувчилар, маъруза ва доклад-
чилар тайинланилади.

Семинар дарсларининг методик жиҳатдан мұхим
қиймати шундан иборатки у ўқувчиларни мустақил
ҳолда турли адабиётлардан қўшимча ҳолда фойдала-
ниб, доклад матнини тайёрлайдилар ва ўз маҳоратла-
рини ошириб борадилар. Фанни чуқур эгаллашда улар-
да замин вужудга келади. Уларда кўп жиҳатдан фаол-
лик ортиб боради.

Семинар дарсларини юқори даражада олиб бориш
кўп жиҳатдан ўқитувчилар маҳоратига ҳам боғлиқ. У
қандай юқори методик даражада олиб борилса, ўқув-
чиларда шунча кўп қизиқиш ва хотирада қолдириш
имкони вужудга келади.

Муаммоли ўқитиш

Ўқувчиларнинг онгли фаоллиги йил сайин ўсиб,
ривожланиб бормоқда. Бинобарин, ўрта звено, маълу-
мотли чорвачилик мутахассислар ижодий қобилияти-
ни шакллантириш мұхим аҳамият касб этади.

Услубшунос М.И. Маҳмутов фикрича, муаммоли
ўқитиш деганда, ўқитувчи томонидан маълум даражада
йўл-йўриқ, кўрсатма берилгани ҳолда, асосан ўқув-
чиларни мустақил ҳолда, изланиши фаоллиги натижа-
сида ўқув муаммоларини ҳал қилиши тушунилади. Бундай
ўқувчиларда мустаҳкам ҳолда билим такомилла-
шибгина қолмасдан, уларда ижодий ёндошиш кучая-
ди, фан асосларини эгаллаш жиддийлашади.

Муаммоли ўқитишда ўқувчилар олдига маълум мұ-
аммо қўйилади ва уни мустақил ҳолда баъзан қисман
ўқитувчи ёрдамида бажариш талаб этилади. Бу муаммо

ўқувчиларни билиб олиш ёки изланиши асосида бўлиши мумкин.

Умуман, «Умумий зоотехния» фанини ўтиш жараёнида айрим ҳолларда муаммоли жумбоқлар ҳам вужудга келиши табиийдир. Мутахассисларнинг фикрича, ўқувчилар томонидан билиб олиш жараёнлари асосан тўрт босқични ўз ичига олади. **Биринчиси** — вужудга келган жумбоқларни анализ қилиш йўли билан барта-раф этиш. **Иккинчиси** — чамалаш (фарз қилиш) йўли билан ҳал этиш. **Учинчиси** — гипотеза ҳисобида чамалаб, тахмин қилиш. **Тўрттинчиси** — ўқувчилар томонидан гипотезанинг вужудга келганлиги ва муаммонинг тўғри ечимини белгилашни кўрсатадилар.

Мисол сифатида, айрим ҳолларда юз берадиган бир жумбоқ, яъни қандай ҳолларда авлодлар орасида яқин **инбрединг** қўлланади деган жумбоқ вужудга келган бўлсин. Бундай **инбрединг** биологик негизини ва у қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини билиб олган ўқувчилар тўғри фикр билдирадилар.

Ёки яна бир мисол. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини конституцияси тўғрисида. Маълумки, ҳайвонларда модда алмашинув жараёни кўп жиҳатдан уларнинг юраги, ўпкаси ва барча ички органларини яхши ривожланганигига боғлиқ. Бинобарин, серсут сигирларда модда алмашинув жараёни бирмунча жадал давом этиши табиий эканлиги маълум. Шунга кўра, гўшт ва сут йўналишига мансуб бўлган сигирларни тана тузилиши, шакл формаси тўғрисида айрим муаммо ва жумбоқларнинг ечими талаб этилади.

Чорвачиликда учраб турадиган яна бир муаммоли жумбоқ тўғрисида. Жумладан, «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг зоти» аввал эслатиб, унинг нималиги ва қандай талабларга жавоб бералиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, ўқувчилар ҳайвонларни «Ўсиши ва ривожланиши», «Экстерьери ва конституцияси», «Маҳсулдорлиги», «Танлаш ва саралаш» каби мавзулардан хабардорликлари мавжуддир. Бинобарин, шунга кўра ўқитувчи ўқувчилар олдига «Зот нима?» — деган муаммо билан мурожаат қилиши мумкин. Бу борада зотни вужудга келишида қандай омиллар ўз таъсирини кўрсатади? Зот эволюцияси қандай шаклланади? каби саволларга жавоб талаб қилинади.

Умуман, «Умумий зоотехния» фанини ўтиш жараенни турли хилдаги муаммоли жумбоқларни ҳал этип мақсадда мувофиқ ҳисобланади.

Дастурланган үқитиши

Дастурланган ўқитишининг вужудга келишига асосий сабаб ҳозирги замонда анъана бўлиб қолган ўқитиш усулини кўллашда ҳар бир ўкувчининг индивидуал хусусиятларини, мустақил ҳолда фан асосларини эгаллаши, билим даражаси ва, ниҳоят, ўкув вақтини чегараланганинг ҳисобланади.

Дастурланган ўқитиш усули даставвал кибернетика фани асосида бошқарилади. Ўз ўрнида кибернетика фани барча мураккаб тизимлар жараёнини бошқарувчи ва маълум натижалар берувчи фан ҳисобланади.

Кибернетика нүктай назаридан дастурланган ўқитиши, бошқариш жараёнларини турли ахборотларни жамлаган ҳолда бошқариц амалга оширилади.

Анаъана бўлиб қолган ўқитиш усули, бериладиган маълумот (материаллар) асосан ўрта меъёр ўқувчиларга мўлжаллангандир. Ўқувчиларни билим доираси ва маҳоратидан қатъи назар тавсия этилган дарслклардан бир хил ахборот олади. Ўқувчиларни индивидуал (шахсий) хусусиятлари ҳисобга олинмайди, ўқувчилар билан акс боғланиш ишлари олиб борилади.

Үқувчиларни ўқитиш жараёнида ахборотлар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга етиб борса (тўғри боғланиш), бир вақтнинг ўзида ўқувчилардан маълумотларни ўзлаштириш даражаси ўқитувчига ҳам етказилиди (яъни акс боғланиш юз беради). Бунда ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишлари деярли сезилмаган ҳолда амалга ошади, чунки ўқувчилар маълумот ва ахборотларни тайёр ҳолда турли манбалардан оладилар.

Ууман, дастурланган ўқитиши бошқа анъана бўлиб қолган усуллардан бир қанча афзалликларга эга. Улар асосан куйидагилардан иборат: 1. Барча ўкувчиларни индивидуал билимини ва тиришқоғлигини кун сайн ҳисобга олиш имконини беради. 2. Ўкувчилар фаоллигини оширади, мустақил ҳолда дастур маълумотлари-ни ўзлантириади. 3. Ўзлаштириш ишларини ҳазорат қила-

ди ва кам вақт сарфлаган ҳолда, акес боғланиш амалга оширилади.

Агар дастурланган ўқитиш түғри йўлга қўйилса, йўл қўйилган айрим услубий ҳолатларни кўрсатиб беради ва келгусида ўқиши жараёни самарадорлигини ошириш имконини беради. Қолаверса, буларнинг ҳаммаси ўқитувчилар касб маҳоратини оширишга қаратилган.

Дастурланган ўқитиш ўз ўрнида ўқувчиларда топшириқни бажариш борасида масъулиятини кучайтиради, шаклланиш даражасини орттиради.

Дарснинг моддий ва асбоб-анжомлар билан мукаммал таъминланганлиги

«Умумий зоотехния» фанини мукаммал ўтиш борасида уни моддий томондан ва асбоб-анжом билан етарли даражада таъминлаш юксак самара беради. Бунда қуидагилар назарда тутилади: — **аудиовизуал** техникаси ўлчов асблоблари; жадваллар; плакатлар; портретлар; муляжлар; чучелалар; натураль экспонатлар; макетлар; кинофильмлар; диафильмлар; диапозитивлар (слайдалар); ўргатувчи ва назорат машиналари шулар жумласидандир.

Аудиовизуал техникага қуидагилар киради:

1. **Кинопроектор.** У ўкув кинофильмларини намойиш қилишга мўлжалланган («Украина-5», «Радуга», «Радуга-М», «Эра-автомат-101» — маркаларидан фойдаланилади).

2. **Эпидиаскоп** (кичик габаритли ЭПД-455-30-50 киши учун).

3. **Диапроекторлар.** Улар диафильмлар ва диапозитивларни намойиш қилишга мўлжалланган («Свет», «Этюд», «Луч» каби маркаларидан фойдаланиш мумкин).

4. **Жадваллар.** Улар кўргазма воситалари сифатида фойдаланилади. Уларни доскага ва дафтарга кўчириш мумкин.

5. **Ўлчов асблоблари** — ўлчов таёфи, циркуль, рулетка (тасма).

6. **Тамғалаш (номерлаш) асблоблари.**

7. **Натурал (табиий) ҳолдаги экспонатлар.** Ем-хашак турлари, чорвачилик маҳсулотлари ва турли хил хомашёлар).

8. Диафильмлар, диапозитивлар, ҳайвон ва парранда муляжлари шулар жумласидандир.

Техника воситаларидан фойдаланиш

Техника воситаларидан унумли фойдаланиш ўқув дастурини мукаммал ўзлаштириш имконини берали. Техника воситалари вазифасига кўра икки хил бўлиши мумкин. **Биринчиси** — ахборот етказиб берса, **иккинчиси** — ахборотга киришувчи (унинг таъсирига жавоб берадувчи бўлиши мумкин).

Биринчисига асосан — магнитофон, барча тизимдаги проекцион аппаратлар, киноустановкалар, диапозитивлар (слайдалар), диафильмлар ва оддий фильмлар мисол бўлаолади. Магнитофонлар илгор чорвадорлар ва уларнинг ютуқларини эшлишида кўпроқ фойдаланилади.

Коллежлар шароитида кўпроқ ўқув фильмларидан фойдаланилади. Бунда кўпроқ илгорлар тажрибаси, маҳсулот етиштириш, ҳайвонларни озиқлантириш ва уларни парваришлаш жараёнларини намойиш қилиш ишлари олиб борилади. **Кинофильмлар** асосан кенг ҳажмили жараёнларни, ишлаб-чиқаришга доир бўлган тадбирларни намойиш қилишда фойдаланилади.

Айрим холларда **кино-дарслари** ҳам намойиш қилинади. Улар бирор муйян мавзуга бағишинган бўлади. Бундай фильмлар узоқ вақт ўқувчилар ёдида сақланади ва материалларни яхши ўзлаштириш имконини беради.

Баъзан **диапозитивлардан** ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Чунки ўқувчиларни экранда кўрган барча жараёнлар улар томонидан ўқув материалларини тўла ўзлаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, ўқув жараёнида ўқувчиларга «Умумий зоотехния» фанидан магнитофон, кинофильм ва диапозитивлардан тўла ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Кўргазма воситалари сифатида плакатлардан, схемалардан, жадвал, макет, модел, муляж, ҳайвонларнинг чучелаларидан ҳам фойдаланилади. Бунда асосан ўқитиладиган мавзунинг ҳусусиятлари, қулай ўзлаштирилиши ва барча кулагийлик томонлари ҳисобга олиниши талаб этилади.

Ўқувчиларнинг «Умумий зоотехния» фанидан билим даражасини аниқлаш усуллари

Ўқувчиларнинг билим доирасини аниқлашдан асосий мақсад ўтилган материалларни қай даражада ўзлаштириб олганликларини аниқлашдан иборатдир. Шу билан бирга бундай назорат улар томонидан эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш имконини беради.

Билимни аниқлаш ишлари доимий ҳолда, маълум режа асосида олиб борилади. Бунда ҳар бир ўқувчини ўтилган мавзулар бўйича билими аниқланилади ва баҳолаб борилади. Билимни аниқлаш асосан икки хил усуlda, яъни **огзаки** ва ёзма ҳолда олиб борилади. Ҳар бир кузатув икки хил, яккама-якка ёки гурӯҳ ҳолда бажарилади.

Оғзаки назорат

Оғзаки назоратда ўқитувчи томонидан саволлар берилади ва жавоб олиш учун ўқувчилар доскага чақирилади. Бу усул кенг тарқалган бўлиб, ўқувчилар билимини аниқлашда бирмунча қўл келади. Бундай ўқувчи томонидан ўз билимининг қай даржада кенглиги ва унга мантиқий муносабатда бўлиши аниқланилади. Жавоб берәётган ўқувчига барча шароит ва имконият яратиб берилади.

Ўқувчига бериладиган савол ҳажми жиҳатидан кенг ва умумий мавзунинг бир қисмини ташкил этиши мумкин. Масалан, «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчиши ва кўпайтириш» бўлимидан «Ҳайвонларнинг келиб чиқиши ва эволюцияси» мавзуидаги «Ҳайвонларни танлаш ва эволюциясида табиий ва сунъий танлашнинг роли ва аҳамияти» каби бўлиши мумкин. Бу саволга ўқувчи жавоб берар экан у бир вақтни ўзида, табиий ва сунъий танлаш нималиги ва улар ҳайвон эволюциясида қандай ўрин тутганлиги тўғрисида ҳам ўз тушунчасини кўрсатиш талаб этилади.

Ўқувчиларга бериладиган саволлар умумий бўлиши ҳам мумкин. Масалан, «Ем-хашак тўйимлилигини баҳолашда ҳозирги замон тизимини тушунтириб беринг», мавзууда бўлиши мумкин. Ёки «Қандай омиллар ем-хашак таркибига ўз таъсирини кўрсатади», каби савол ҳам бўлиши мумкин. Бу саволга жавоб беришда ўқув-

чилар «Ўсимликишунослик» фанидан олган билимлари-дан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Ўқувчиларга бериладиган савол аниқ бўлиши ло-
зим. Бинобарин, унга бўлган жавоб фақат битта ва
қисқа бўлади. Масалан, «Ҳайвонларни урчишиш техни-
каси» деганда нимани тушунасиз», деган савол бери-
лиши мумкин. Ўқитувчи савол бергач, у ўқувчи жаво-
бини кузатади. Ўқувчи жавобини бўлиш, тўхтатиш фа-
қатгина нотўғри жавоб берадиган бўлса ёки бошқа мав-
зуга ўтиб кетилса, у амалга оширилади. Қолган вақт-
ларда ўқувчининг жавоби охиригача эшлилиши ло-
зим.

Ёзма назорат ишлари

Ёзма усулда назорат ишларини олиб бориш бирин-
чидан ўқувчиларни билим доираси кенглигини аниқ-
лаш имконини берса, иккинчидан, уларнинг ёзма нутқ-
ларини такомиллаштиришда ва ўз фикрини қисқа ва
лўнда ҳолда ифодалашга ўргатади.

Айниқса, гуруҳ ҳолда ўтказилган ёзма назорат иш-
лари, бутун гуруҳ бўйича ўқувчилар билимини аниқ-
лаш билан чегараланиб қолмасдан, бутун фан ёки унинг
бирор бўлими бўйича ифодалаб беради. Шу билан бир
вақтнинг ўзида айрим ўқувчиларни бўш томонларини,
яъни баъзи бир жиҳатдан билимни саёзлигини ҳам
осонлик билан аниқлаш имкони вуждудга келади.

Ёзма назорат ишлари ўқувчиларни умумлаштирил-
ган ҳолда билим доираларини бирор бўлим ҳажмида
аниқлашда бирмунча қулаги усул сифатида қўлланиши
кўп жиҳатдан самара бериши аниқланган. Бундан таш-
қари, бу усул ўқувчиларда билим даражаларини тако-
миллаштиришда ва мустаҳкамлашда ҳам ижобий хусу-
сиятлари мавжуд. Ниҳоят, бу усулни қўлланиши нати-
жасида ўқув ишлар сифатини, ўқув режалари ва дас-
тур талабларини бажарилишини аниқлаш мумкин.

Ўқув режасига кўра умумий зоотехния фанидан асо-
сан бир марта ёзма назорат иши олинади. Уни ўқув
йилининг бошида ўтказиш маъқул ҳисобланади. Бу-
нинг учун ўқувчи томонидан варианtlар тайёрланади
ва «цикл комиссияси» мажлисида тасдиқланади.

Топшириқ ҳажми жиҳатидан 1—2 соатга мўлжал-
ланган бўлиши мумкин.

Ўқувчилар ёзма назорат иши олиниши тўғрисида огоҳлантирилади. Бу эса уларни тайёргарлик ишларини бирмунча жиддийлаштиради.

Ёзма назорат ишлари ўқитувчи томонидан текширилади ва унинг камчиликлари бўлса, келгуси дарсларда муҳокама қилинади. Ёзма ишлар ўқув бўлимига топширилади.

ЎҚУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маърузалар, семинар дарслари ва қўшимча дарслар

Ўқув ишларини олиб бориша ўқитувчи билан ўқувчиларнинг алоқадорлиги турли хил усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бу усуллар бир-биридан фарқ қилгани ҳолда, ҳаммаси ҳам ўқитувчининг фаолиятига боғлиқ ҳолда бўлиб ўқитиш жараёнида ўзининг билими, дунёқараши ва фан янгиликларини ўз маъruzасида баён этади. Шу билан бир қаторда, ушбу педагогик жараёнида бошқа формаларини қўллаш ҳам фақатгина чукур назарий билим бериш билан чегараланиб қолмасдан, ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга мажбур этади. Бу борада **ўқиладиган маърузалар**, айниқса, маъруза ва семинар дарсларининг қиймати бир қанча юксакадир. Бунда ўқитувчининг юксак маҳоратга эга бўлиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Маърузаларнинг юксаклиги яна шундан иборатки, унинг мазмунидан ташқари, у ўқувчиларни мустақил ҳолда ижодга ва семинар дарсларга тайёргарлик кўришда йўл-йўриқ кўрсатади. Шунингдек, маърузалар тарбиявий характерга эга бўлиб, улар ўқувчиларда дунё қараш, ушбу фанга бўлган муносабатни кучайтириш имконини беради. Бинобарин, ўқитувчилар ўз маърузаларини **муаммолик элементларини** ҳам қамраб олган ҳолда ўтишлари мақсадлга мувофиқдир.

Семинар дарслари. Семинар дарсларининг самардорлиги кўп жиҳатдан мавзуни тўғри танлашга боғлиқ бўлади. Имкони борича, мавзулар шундай танлаб олиниши лозимки, охир-оқибатда у амалий жиҳатдан ишлаб чиқаришга боғлаш имкони бўлсин. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчилар ўз билим ва тушунчалари-

ни ҳаётта, қолаверса ферма шароитига, мәңнат жараёнларига боғлай олсинлар. Улардан мисоллар келтира олсинлар.

Ўқувчилар етарли даражада адабиётлар билан таъмин этилишлари лозим. Бу борада ўқитувчининг тутган ўрни ниҳоятда катта деб айтиш мумкин. Лекин, афсуски, ҳозирча колледж ўқувчилари учун, айниқса, ўзбек тилида адабиётлар етарли эмас.

Ўқувчиларни уйда бажарадиган топшириқлари ҳам муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун адабиётларни етарли бўлини лозим. Улар бир вақтни ўзида амалий топшириқларни ҳам бажарадилар ва реферат ҳам ёзib топширадилар.

Маъruzalarni ўқиши ишларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Янги мавзуни бошлишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларни режа билан таништиради. Яъни, дастлаб маъруза ўтилиши, сўнг лаборатория иши ва амалий машгулот билан шуғулланиш, кейин семинар дарсларини ўтиш режаси кўрсатиб ўтилади. Талаб этилса, қўшимча адабиётлардан фойдаланиш тартиби ва уларнинг рўйхати ҳам тавсия қилинади. Ўқувчилар маъруза режасини ёзib оладилар.

Обзор маъruzalari. Обзор маъruzalarning самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан тўпланган бой ва қизиқарли маълумотларга боғлиқ. Бунда ўқитувчи кўпроқ ўқувчиларни билимига ва тажрибасига сунянади.

Ўқувчиларни мустақил ишлашларида ва реферат ёзишларида ўқитувчига мурожаат қилишлари мумкин.

Назорат ишлари ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ҳолда олиб борилади. Мавжуд қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш асосан ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади.

Реферат ёзиши ишларига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Бир мавзуда 2—3 та реферат ёзишга рухсат берилishi мумкин. Бунда уларнинг энг яхиси танлаб олиниади ва кўргазмага қўйиш учун сақланади. Қолганлари унга қўшимча ҳолда ўкув бўлимида сақланади. Барча рефератлар баҳоланади.

Семинар дарслари — икки соатдан кўп бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, ўқувчилар чарчаб қолишлари мумкин ва унинг самарадорлиги ҳам юкори бўлмайди.

Семинар дарсларини юксак даражада олиб бориш

учун ўқувчилар томонидан ўқув хоналарини турли хил күргазма воситалари билан жиҳозлаш ижобий натижа беради. Ўқувчилар қизиқитини ва билимини янада бойтади.

Семинар дарсларини ўтишдан олдин ўқитувчи уни режаси билан таниширади. Ўқувчиларга реферати асосида доклад қилишга рухсат берилади. Кейин саволжавоблар ўтказилади ва муҳокама қилинади. Бунда ҳар бир рефератдаги асосий масалалар мазмунини ёритиш, муҳим жиҳатлари нималардан иборат эканлигини кўрсатиб беринг ўқитувчи зиммасига юкландади.

Докладчилар ва музоқарага чиққан ўқувчилар баҳланади ва ўқувчиларни навбатдаги мустақил ишлари учун йўл-йўриклир кўрсатилади.

Кўшимча дарс ўтиш. Бундай тадбирлар асосан талаб этилган ҳолларда ўтилиши мумкин. Бундан асосий мақсад, семинарга тайёргарлик кўриш жараённида қолоқлиги сезилаётган ва улгура олмаётган ўқувчилар бўлса, уларга ёрдам беришдан иборат.

Кўшимча дарс ўқувчилар гуруҳи учун ёки индивидуал ҳолда, ҳар бир ўқувчи билан олиб борилиши мумкин. Кўшимча дарс жараённида ўқувчилар учун мураккаб ҳисобланган айrim жиҳатлар бўйича муҳокама ишлари олиб борилади. Бундай дарслардан қаноат ҳосил қилган ўқувчилар ўзларининг мустақил ишлашларини давом эттирадилар. Айrim ҳолларда кўшимча дарсларда кинофильмлар намойиш этилиши ҳам мумкин.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини ташкил этиш

Мустақил ишлаш деб, ўқувчиларнинг шахсан ўқитувчи ёрдамисиз адабиётлардан фойдаланган ҳолда тайёрлаган ишига айтилади. Бундан асосий мақсад ўқувчиларни мустақил ҳолда, ёрдамсиз янги билимларни ўрганиб олиши ва айrim амалий масалаларни ҳал этишда ўз билимидан тўғри фойдаланиш ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари натижасида уларнинг билим эгаллаш фаолигини оширади, кўмаксиз ҳолда айrim масалаларни ҳал қилиш имконига эга бўлади. Бу усул ўқувчиларни ўқув-тарбия ишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўқувчиларнинг масъулияти ортади, назарий билимларини амалий ва-

зифа бажаришда құллай олади, уларда фаоллик, кузатувчанлик бирмунча ортиб кучайиб боради.

Үқувчиларнинг мустақил ишларининг турли-туманлиги коллеж үқувчиларининг ҳаммаларига аниқ ва равшандир. «Умумий зоотехния» фанидан ҳам турли хилда мустақил ишларни бажариш мүмкін. Үқувчилар дарс жараёнида мустақил ҳолда китоблар устида ишлайдилар, турли масалаларни ечадилар, конспектлар ёзишиади, уй топшириқларини бажарадилар, курс ишларини ёзалилар, үқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиётидан ҳисоботлар тайёрлашади ва умуман үқув режасида күрсатылған барча топшириқларни бажарадилар. Бундай мустақил ишларни ҳар бири мұхим ва масъулиятли ҳисобланади. Уларни бажаришда үқувчилардан катта ижодий фаоллик, маҳорат, ижодий ёндашув ва асосан мустақиллик талаб этилади. Үқувчиларни мустақилликка аста-секинлик билан үргатиб борилади.

«Умумий зоотехния» фанини ўтишда ҳам үқитувчи ўз үқувчиларига ушбу фанни ўтиш усуллари, фойдаланилиши лозим бўлган турли воситалар, амалий машгулотлар, лаборатория ишлари, экскурсиялар ва ҳ.к. барча тадбирлар ва үқув режаси асосида ўзлаштирилиши лозим бўлган масалалар батафсил күрсатилиди ва баён этилади.

Умуман, барча үқувчиларни ушбу фан — «Умумий зоотехния»ни чуқур ва ҳар томонлама үрганиб олишлари уларни келажакда ишлаб чиқаришда, ферма шароитида қийналмаган ҳолда — мутахассис сифатида фаолият күрсатишларида мұхим аҳамият касб этишини тушунтириб ўтиши ва унга даъват этиши лозим.

«Кириш» мавзуини ўтиш услуги

«Кириш» мавзуи икки соатдан иборат бир дарсга мўлжалланган бўлиб, у шу фанни мақсади, вазифалари, тутган ўрни ва аҳамиятига бағишлиланган бўлади. Үқитувчи ўз маъruzасида зоотехник кадрларни ишлаб чиқаришда тутган ўрни, роли, вазифаси ва масъулиятти тўғрисида тўхталиб ўтади.

Үқувчиларда бу фанга қизиқини уйғотишда, меҳр кўйишида, ташкилотчилик хусусиятини такомиллаштиришда, фикрлапшида ва фаолликларида үқитувчининг роли ва тутган ўрни салмоқлидир. Бу борада үқитувчи-

нинг илми, маҳорати ва умумий маданияти муҳим аҳамиятга эга.

Дарснинг мақсади. Ўқувчиларни чорвачилик тармоқдарининг вужудга келиши ва ривожланиши билан таништириш, шунингдек, зоотехния фанининг вазифалари, мақсади ва инсонлар учун турли хил чорвачилик маҳсулотларини етиштириб беришда бениҳоят муҳим ўрин эгаллаши билан таништиришдан иборат.

Ўқитиши усули. Умумий сұхбат, тушунчалар бериш, турли хил жадваллар, плакатлар ва расмларни намойиш қилиш.

Кўргазма воситалари. Зоотехния (чорвачилик) фанига улкан ҳисса кўшган олимларнинг расмлари, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва миқдор кўрсаткичларига доир маълумотлар.

Дарснинг мазмуни ва олиб борилиши

I. Ташкилий қисми. Йўқлама қилиш, ўқувчилар билан танишиш. Ушбу коллежга ўқувчи сифатида қабул қилингандиллари билан табриклиш. Коллежнинг барча ижобий томонлари, ўқувчиларнинг масъулияти ва вазифалари. Ўқувчиларнинг етук ва билимдон мутахасис бўлиб етишишда колледж жамоасининг тутган ўрни ва аҳамияти.

«Умумий зоотехния» фанини ўтишда ўзига хос жиҳатлари тўғрисида қисқача тушунча берилади. Дастурнинг ҳажми, ундаги мавзулар ва уларни қаерда ўтилиши кўрсатиб берилади.

Шунингдек, дарсларнинг самарадорлиги юқори бўлиши учун турли хил ўқитиши усуллари (назарий, амалий, экспурсия, ишлаб чиқаришда дарс ўтиш ва ҳ.к.)дан фойдаланиш, ҳамда ўқувчилар билимини назорат қилиб бориш (савол-жавоб, ёзма назорат ишлари, синон ва имтиҳон кабилар) тўғрисида тушунча берилади. Қандай дарслик, ўқув кўлланмалари ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиш лозимлиги ва уларнинг рўйхати билан таништирилади.

II. Материаллар (маълумотлар)ни ўрганиш. Мавзу ва унга доир барча масалалар доскага ёзиб қўйилади. Улар қўйидагича бўлиши мумкин.

а) Чорвачиликнинг аҳамияти, тутган ўрни ва асосий муаммолари;

- б) Ҳозирги замонда чорвачиликни ривож топиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари;
- в) Чорвачиликни жадал ривожлантиришда зоотехния фани тутган ўрни ва аҳамияти;
- г) Зоотехния фани ривожига улкан ҳисса қўшган олимлар;
- д) «Умумий зоотехния»нинг мустақил фан сифатида бошқа фанлар билан алоқадорлиги ва боғланиш хусусиятлари.

III. Дарс хуносаси. Ўтилган мавзу бўйича савол-жавоб ўтказиш ва хуроса қилиш.

IV. Уйга топшириқ. Т.Х. Икромов ва Н.Э. Саттаров. «Умумий зоотехния». «Шарқ». Тошкент. 2002.

Биринчи дарс бирмунча масъулияти ва мураккаблиги билан маълум даражада кейингиларидан ажralиб туради. Бинобарин, биринчи дарсни ўтиша ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилинади. У ўз маълумотларини содда ва лўнда қилиб етказа олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишлигини ортириш мақсадида Ю.Ф. Новиковнинг «Чорвачилик тўғрисида сұхбатлар» («Беседы о животноводстве», М., Молодая гвардия, 1975) китобидан фойдаланиш мумкин.

Чорвачилик тўғрисида сўз юритилар экан, китобдаги айрим муаммолар ва масалалардан мисоллар келтириш қизиқарли бўлиши мумкин. Масалан, XVIII—XIX асрларда инсонларнинг чорва ва ўсимлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли 4—5 марта камроқ бўлган. XX асрда, қолаверса сўнгти ўн йилликлар ичida кўплаб мамлакатларда аҳоли кўпайиб кетиши натижасида, озиқ-овқат ишлаб чиқариш даражаси етарли бўлмаётганлиги баъзан одамларни ташвишлантирмоқда. Ўқувчилар бу саволга турлича жавоб берадилар. Ўқитувчи тўғри хуроса чиқаради.

«Чорвачилик тўғрисида сұхбатлар» китобида Ю.Ф. Новиковнинг ёзишича, Бутун жаҳон озиқ-овқат ташкилоти (БДООТ) ва ЮНЕСКО маълумотларига қаранганд, ҳозирги вақтда ер юзи аҳолисининг 2/3 қисми қашшоқликда яшамоқда, улар тўйиб овқат емайдилар. Ичимлик суви ҳам кўп қитъя ва мамлакатларда етишмайди.

Очарчиликка чек қўйиш учун дунё бўйича озиқ-овқат ишлаб чиқаришни, йилига камида 2,25% кўпай-

тириш талаб этилар экан. Аҳоли миқдорининг ҳар йили ўсиб бориши дунё бўйича 1%ни ташкил этар экан.

Дунё бўйича ўсимлик маҳсулотларини етиштириш борасида етишмовчиликка чек қўйиш имкони мавжуд экан. Лекин чорвачилик маҳсулотлари бўйича бундай етишмовчиликни бартараф этиш бирмунча секинлик билан давом этар экан.

Ҳозирги замон маълумотларига қараганда, ҳар 1 га ер майдонидан етиштириладиган маҳсулотлар самара-дорлиги чорвачиликда 5—15 марта юқори бўлиши талаб этилар экан. Маълумки, чорвачиликнинг ем-хашак базаси баркамол ва мустаҳкам бўлмасдан туриб бирор самарадорликка эришиб бўлмайди.

Ўқувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилиш мумкин: «Хўш, бундай ҳолатни нима билан тушунтириш мумкин?»

Ўқитувчи ўқувчилар жавобларини эшитиб бўлгач, аниқлик киритади. Масалан, моддалар алмашинуви на-тижасида оқсил, ёғ, углевод кабилар ўсимлик барги-дан ҳайвон танасига ўтади, сўнг одам организмига ўтади. Бу жараён натижасида моддаларнинг кўп қисми пар-чаланиб кетади. Қолган асосий қисми ҳайвон саломат-лигини сақлаш учун (масалан, протеин 90% сарфланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун унинг 10—15% сарфланар экан. Шунга қарамасдан, инсонлар чорва ҳайвонлари ва паррандалар миқдорини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш бора-сида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Ўқитувчи томонидан чорвачиликнинг халқ хўжали-гига туттган ўрни ва аҳамияти тўғрисида бирқанча маъ-лумотлар берилади. Ўсимликишунослик ва чорвачилик тармоқларининг самарадорлиги бир-бири билан чам-барчас боғлиқ эканлиги тўғрисида ҳам ахборот берилади.

Ўқувчилар эътиборига бирқанча йирик рус олим-ларини зоотехния фанига қўшган хиссалари тўғрисида уларнинг номлари ҳавола қилинади. Масалан, Н. П. Чирвинский, Е. А. Богданов, П. Н. Кулешов, М. И. При-дорогин, М. Ф. Иванов, И. С. Попов, Е. Ф. Лискун, Н. Д. Потёмкин, Д. А. Кисловский ва бошқалар шулар жум-ласидандир. Проф. Н. П. Чирвинский томонидан илк бор «Умумий зоотехния» дарслиги чоп этилган ва у ҳозиргача олти марта қайта нашр қилинган.

Ўзбекистон олимларидан профессорлар: А. А. Раҳимов, Н. О. Мавлонов, Ш. А. Акмалхонов, У. Н. Носиров, Т. Х. Икромов, И. Хидиров, З. Т. Тўрақулов, К. К. Карибаев, К. Х. Хабибулин, Ф. С. Сабиров, С. Ю. Юсупов, С. Г. Азимов, З. М. Ашурев, М. Аширов ва бошқалар, ҳамда кўплаб жонкуяр фан номзодлари республика изиздада умумий зоотехниянинг ривож топишида ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшганлар ва қўниб келмоқдалар.

Ўқитувчи ўз ўқувчиларига зоотехния фани асосан икки қисмдан, яъни «Хусусий» ва «Умумий» зоотехниядан иборат эканлиги ва ҳар бир қисмнинг мақсади, роли, аҳамияти ҳамда вазифалари тўғрисида ахборот беради. Шунингдек «Умумий зоотехния» фани ривожланишида бир қанча фанлар: агрономия, иқтисодиёт, биология ва муҳандислик каби муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ УРЧИТИШ ВА КЎПАЙТИРИШ

Ушбу бўлим материалларини ўзлаштиришда куйидаги адабиётлар тавсия этилади: Т. X. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчишиш ва кўпайтириш», «Шарқ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент, 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния», М. Колос, 1976, Н. А. Кравченко. «Разведение сельскохозяйственных животных». М. Колос., 1976.

Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши ва эволюцияси

Мавзу мазмунни. Уй ҳайвонларининг пайдо бўлишини аниқлаш учун турли хил (қиёсий анатомия, палеонтологик, тарихий ва экспериментал) услублардан фойдаланилади. Ўқувчилар ушбу мавзуни ўзлаштириб олишлари жараёнларида уй ҳайвонларининг зоологик тизимдаги ўрни, уларнинг қадимги авлод-аждодлари, шунингдек, ҳайвонларда хонакилаштириш борасида қандай ўзгаришлар юз берганини билиб оладилар (*1-расм*).

«Уй ҳайвонларини пайдо бўлиши ва уларни ёввойи авлодлари» мавзууда дарс ўтиши услуби

Асосий мақсад. Уй ҳайвонларини пайдо бўлиши ва уларни ёввойи авлодлари қандай бўлганлиги тўғрисида малака ҳосил қилиш. Ушбу мавзуни ўтишдан олдин ўқитувчи уй ҳайвонларини қўлга ўргатилган ҳайвонлардан нималари билан фарқланиши тўғрисида савол беради ва тўғри жавоб олгач дарсни давом эттиради. Жавоб тўғри бўлиши учун қўлга ўргатилган ҳайвонларнинг инсон томонидан узоқ вақт уларга таъсир этил-



1-р а с м. Күкраги ўсиқ жунли ёввойи күчкор.

маганлиги ва улар табиатдан ёввойилигича олингани ва аста-секин қўлга ўргатилганлиги тўғрисидаги тушенча бериш мумкин. Масалан, қирғовул, каклик, ондатра, нутрия, бедана ва ҳ.к.ларнинг қўлга ўргатилиши, боқилиши ва ҳатто урчитиб кўпайтирилиши бунга мисол бўла олади.

Уй ҳайвонлари эса минг йиллар давомида уй шароитида, инсон қўлидан озиқланиб, урчиб, кўпайиб келаётганлиги билан бир қаторда улар инсонга ниҳоятда яхши ўрганган ва айримлари кўплаб ёрдам ҳам беришга мослашган (ўргатилган). Масалан, итлар, мушуклар, тут ипак курти ва ҳ.к. шулар жумласидандир. Шу билан бирга қадимги инсонлар ҳамма ҳайвонларни қўлга ўргатмаган деган жумбоқли саволларни бўлиши табийидир. Бунда инсонлар тахминларга кўра ҳайвонларни кўпроқ фойдали, нисбатан юввош, характеристири ва биологик хусусияти жиҳатидан инсондан хуркмайдиган, асовлиги кучли бўлмаган вакил (тур)ларини ўргатишга ҳаракат қилганлар.

Айрим маълумотларга қараганда, сут эмизувчилар синфидан энг сўнгти даврларда буфи (олен)лар қўлга ўргатилган. Ҳозирги вақтда уларнинг ҳам қўлга ўргатилган (маданий)лари ва ҳам ёввойи авлодлари ёнмаён яшаб келмоқдалар.

Ўқувчилар маъруза ва дарслардаги назарий маълумотларни ҳар томонлама чукур ва кенг ўзлаштириб олишлари лозим. Шунга қўра, улар ўқитувчи топшириғига қўра ҳар бир қишлоқ хўжалик ҳайвонининг пайдо бўлиши ва уларни ёввойи авлодларини билиб олишлари керак. Айниқса, қорамол, қўй, эчки, чўчқа, от, товук ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Ўйга топшириқ. Т. Х. Икромов. «Умумий зоотехния». «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, Тошкент. 2001. Т. Х. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва кўпайтириш». «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, Тошкент, 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния» (7—21-бетлар).

«УЙ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ» мавзуини ўтиш услуби

Асосий мақсад. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари эволюцияси жараёнида табиий ва сунъий танлашнинг тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида, ҳамда хонакилаштириш натижасида уларда қандай ўзгаришлар юз берганлиги тўғрисида малака ҳосил қилишдан иборат.

Дарс бошлишдан олдин ўқитувчи ўтган дарслар юзасидан бирқанча саволлар беради. Улар қуйидагича бўлиши мумкин: 1. Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти; 2. Чорвачиликнинг ҳозирги аҳволи; 3. Чорвачиликни ривожлантиришда зоотехния фанининг тутган ўрни; 4. Зоотехния фани ривожига ҳисса қўшган рус ва Ўзбекистон олимлари; 5. «Умумий зоотехния» фани қандай фан, у нималарни ўргатади? 6. Уй (хонакилаштирилган) ҳайвонларини пайдо бўлиши қандай усуслар ёрдамида ўрганилади? 7. Уй ҳайвонлари қаерларда қўлга ўргатилган? 8. Уй ҳайвонларининг ёввойи аждодлари тўғрисида сўзлаб беринг.

Ушбу мавзу кент ҳажмли бўлгани учун, тўғри жавоб бергаётган ўқувчи жавобини охиригача эшитмасдан уни давом эттиришни бошқа ўқувчига топшириш мумкин. Бундай усул кўпроқ ўқувчилар билимини аниклаш ва улар масъуллигини ошириш имконини беради. Улар ҳар бир жавобни тўғри эканлитини диққат билан кузатадилар.

Ўтган дарсга тааллуқли савол-жавоб ишларини ту-

гаттач, янги мавзуни ўтиш лозим бўлади. Бу мавзуни ўтиш лозим бўлади. Бу мавзу ўтган мавзунинг давоми ҳисобланади.

Янги мавзуни ўтишдан олдин ўқувчиларга қуидаги савол билан мурожаат қилинади, «Хўш, айтингларчи, ҳайвонларни хонакилаштиришда барча ишлар, барча тадбирлар бажарилиб бўлганми ёки йўқми?»

Жавоблар баҳоланиб, умумлаштирилгач, ўқитувчи кенг ва аниқ жавоб беради. Яъни ҳалигача бу борада қилинадиган ишлар анчагина кўп. Сўнгги ўн йиллар давомида бу борада бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, мўйнабоп ҳайвонлар (норка, нутрия, ондатра, кулранг тулки ва ҳ.к.) қўлга ўргатилмоқда. Сунъий усул улар табиатини, мўйна сифатини, вазни, озиқ-овқат турларини ва урчиши, серпуштлиги ва яна бирқанча хусусиятларини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Улар ўртасида олиб борилаётган генетика ва селекция ишлари оқибатида уларнинг ранги, ташқи муҳит шароитига мосланиши, чидамлилиги каби ҳолатларида ҳам айрим ўзгаришлар юз бермоқда.

Масалан, Аскания қўриқхонасида зебра, антилоп, страус (туяқуш)ларни хонакилаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шимолий ўлкаларда эса лослар хонакилаштирилмоқда.

Канадада ва АҚШда «Мускус» буқаси, Африкада эса **бегемотларни**, Жанубий Америкада — **лангус** деб аталадиган ҳайвонларни хонакилаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Япония ва Россия вилоятларида, шунингдек, Ўзбекистон шароитида (Тошкент туманлари хўжаликларида) **беданаляр** кенг миқёсда хонакилаштирилмоқда ва бу борада кўплаб ижобий натижалар қўлга киритилган. Ҳеч бир шубҳа йўқки, яқин келажакда денгиз ва океан ҳайвонларини қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш ишлари олиб борилади. Бу борада ҳам дастлабки қадамлар қўйилган.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини яна бир бораниклиси мақсадида «танлаш» мавзуига тўхтади. Муаммоли вазият (тортишув) ташкил этади. Улар тушунчасини такомиллаптиради, барча омиллар тўғрисида сўз юритади ва уларни ижодий ёндошишга ундейди. Бу борада ўқувчиларга тушинарли бўлиши учун Ч. Дарвин назариясига эътибор қаратади. Жумладан, савол қўяди. Хўш, Ч. Дарвиннинг эволюцион назариясини вужудга

келишига нима сабаб? Турларнинг ўзгаришига қандай сабаблар таъсир этар экан?

Ч. Дарвиннинг айтган сўзлари, яъни «Агар мен қишлоқ хўжалик билан, жумладан янги зот ҳайвонларни ва ўсимликлар навини яратиш билан шугулланганимда турларни ўзгариш қонуниятларини яратадолмас эдим», деган сўзларини ўқувчилар эътиборига етказиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, янги зот ҳайвонларни ва янги нав ўсимликларни яратишда асосан уч омил (яъни, ўзгарувчанлик, ирсият ва танлаш)нинг тутган ўрни ниҳоят муҳимлиги ҳам айтиб қўйилиши керак.

Сунъий танлашнинг роли ва аҳамияти тўғрисида сўз юритилар экан, шу усул ёрдамида серсут зотли молларни ва серпушт паррандалар зотини яратилганлигига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, зотсиз, кичик вазнли маҳаллий (абороген) сигирлар йилига 500—600 кг сут берса, зотдор серсут сигирлар 305 кун лактация давомида 6000—7000 кг, айрим ҳолларда «чемпион» сигирлар 20000 кг тacha сут берганлиги кузатилган. Ёки уй товуқларини ёввойи авлоди «банкив» товуқлари йилига 8—12 та тухум берса, хонакилаштирилган вакиллари йилига 230—240 дона ва айрим ҳолларда 300 тагача тухум бериши кўплаб кузатилган.

Уйга топшириқ. Т. Х. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва кўпайтириш» (дарслик). «Шарқ». Тошкент. 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния» (дарслик) (21—29-бет).

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ» МАВЗУНИИ ЎТИШ УСЛУБИ

Мавзунинг мазмуни

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсиши ва ривожланиш қонуниятлари билиб олиш чорвачиликда ишлайдиган ҳар бир мутахассис учун ниҳоятда зарур ва муҳим ҳисобланади. Бинобарин, шу қонуниятлар асосида ҳайвонларнинг ўшиш жадаллигини у ёки бу йўналишда бошқарин имконига эга бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ҳайвон организмидаги барча



2-р а с м. Бузоқлар жадал ўсиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан уларнинг организми учун зарур тўйимли моддаларга боғлиқ.

бўлим ва қисмларни тикланиб ривожланиши, ўсиш тезлиги ва такомилланиш даврларини билиб олишлари лозим (2-расм).

Ўқувчилар яна шуни яхши билиб олишлари мажбурийки, ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари асосан икки катта даврни ўз ичига олади. Уларнинг биринчиси **эмбрионлик** даври ҳисобланса, иккинчиси — **эмбрионликдан** (туғилгандан) **кейинги** даври ҳисобланади.

Ҳайвонларни ўсиш ва ривожланиш тезлиги турлича бўлиб у ниҳоятда кўп омилларга боғлиқдигини унумаслик керак. Айрим ҳолларда баъзи бир омиллар таъсирида организмлар эмбрионлик даврида ўз ривожланишини сусайтириб юборади (бу ҳолат **эмбрионализм** дейилади), ёки туғилганидан сўнг уларни ўсиши — ривожланиши тубанлашиб кетади (бу ҳолат **инфантлизм** дейилади). Шунингдек, гавдаси ва ёши кичик бўлишига қарамасдан, айрим ҳайвонларда баъзи органлари жуда тезлик билан ривожланиб кетади. Жумладан, гавдасига нисбатан боши катталашиб кетади, жинсий органлари ўз фаолиятини жиддийлаштиради ва ҳ.к. Бу ҳолат зоотехнияда **неотения** дейилади.

Умуман, юқорида номлари қайд қилинган учала ҳолат ҳам салбий ҳисобланади. Лекин бу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ҳайвонларни боқиш, парваришилаш ва тўғри сақлаш, турли машқлар натижасида ижобий натижаларга эришиш мумкин. Яъни бошқача қилиб айтганда меъёр ривожланишдан қолиб кетган ҳайвонлар маълум вақт ўтиши билан ўз тенгқурларига етиб олишади. Бундай жараён зоотехнияда **компенсация** (яъни жадал) тикланиш жараёни деб аталади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари

Асосий мақсад. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ўсиши ва ривожланиш қонуниятлари тўғрисида ўқувчиларда малака ҳосил қилиш. Ўтган дарс тўғрисида айрим қайтариш, уни эста олиб янги маевзу тўғрисида сўз юритилади.

Ўқувчилар эътиборига «ўсиш» ва «ривожланиш» нималиги, улар асосан бир-бири билан боғлиқ ҳолда бўлиши мисоллар билан тушунтирилади. Улар **миқдор** ва

сифат күрсаткычлари бўлиб, ҳар бир организмда бутун индивидуал ҳаёти давомида (онтогенезда) амалга ошади (3-расм).



3-р а с м. Бузоқдарни меъёр даражада озиқлантириш уларнинг келажакла сермаҳсул бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Дарс давомида ўқувчилар **онтогенез ва филогенез** нималигини билиб олишлари лозим ҳисобланади.

Бунда **онтогенез** ҳар бир ҳайвоннинг индивидуал ривожланиши, тараққий этиши (жинсий ҳужайрани уруғланишидан то шу организмнинг ўлимига қадар бўлган вақт) бўлса, **филогенез** унинг тарихий тараққиёти эканлиги тушунтириб берилади.

Ўқитувчи ўқувчиларга проф. Н. П. Чирвинскийни айрим организмлар мисолида ўсишдан орқада қолиши қонуниятлари тўғрисида тушунчалар беради. Бунда озиқ моддаларни этишмаганлиги натижасида ҳар бир ўсиш даврида жадал ўсиши лозим бўлган скелет бўлимларига салбий таъсир кўрсатилиши тушунтирилади. Ўқувчилар барча жадвал ва расмлардан фойдаланишлари тавсия этилади.

Уйга топширик, Т. Х. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини учротиш ва кўпайтириш». Тошкент. «Шарқ». 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния». М. (дарслик), (30—38-бетлар).

Турли маҳсулот йўналишидаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг экстеръери ва тана қисмлари

Асосий мақсад. Турли хил маҳсулот йўналишидаги ҳайвонларнинг тана тузилиши (экстеръери) ва тана қисмлари номлари билан таништириш ва бу борада уларда малака ҳосил қилиш.

Машғулотни олиб бориши. 1. Ўтган дарс бўйича айрим савол-жавоб қилинади ва бунда «Ҳайвонлар конституцияси», ва «Елин интеръери» плакатлардан фойдаланилади.

2. Янги мавзуда дарс ўтилади.

Дарснинг мазмуни ва зарур кўргазма воситалари:

Дарс жараённада қўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- Экстеръер ва унинг аҳамияти;
 - Турли хил маҳсулот йўналишидаги ҳайвонларни тана қисмлари;
 - Турли ёшдаги ва жинсли ҳайвонларни экстеръери;
 - Экстеръеридаги айрим камчиликлар.
- Ушбу масалалар бўйича: плакатлар, расмлар, мурляжлар бўлиши лозим.

Үқитувчи ҳайвон экстеръерини, яъни тана тузилиши, шакл-формасини, уни маҳсулот йўналиши билан боғлиқ эканлиги ва танасини мустаҳкамлиги билан алоқадорлиги тўгрисида кенг тушунча беради. Шунинг учун ҳайвон конституциясини аниқлашда унинг экстеръери муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчилар турли маҳсулот йўналишидаги ҳайвонларни плакат ва расмларига, ҳамда муляжларига қараб, уларнинг тана қисмларига баҳо берадилар. Масалан, гўшт ва сут йўналишидаги қорамолларнинг бир-биридан фарқи уларнинг гавда тузилишидан яққол кўзга ташланиб туради. Жумладан, сут йўналишидаги сигирларни боши енгил, қисман катта, териси юпқа, чўзи-лувчан, оёқлари узун ва ингичка, елини йирик, катта ҳажмли кўринишга эга бўлса, гўшт йўналишидаги сигирларнинг боши бироз кичик, юмaloқ, сергўшт, бўйни калта, йўғон ва сергўшт, териси қалин, оёқлари калта ва йўғон, гавдаси юмaloқлашган — бочкасимон ва улар кам ҳаракатда бўлувчи ҳайвонлар ҳисобланади.

Шу усулда турли ёшдаги ва жинсдаги ҳайвонларни тана бўлимларини ёзib бериш мумкин. Бунда наслдорлик сифатига птурт етказадиган айрим камчиликлари бўлса, уларни ҳам кўрсатиб ўтиш талаб этилади.


Уйга топшириқ: Т. Х. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва кўпайтириш». «Шарқ». Тошкент, 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния». М. (дарслик, 70—78-бетлар).

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари экстеръерини баҳолаш усуллари

Асосий мақсад. Ўқувчиларда ҳайвон экстеръерини баҳолаш бўйича малака ҳосил қилиш.

Ўтилган дарсга қисқача хулоса берилган ҳолда янги мавзуга ўтилади. Бунда ўқувчиларни тўплаган билимлари ва малакалари янги дарсни яхши ўзлаштириш имконини беради (*4-расм*).

Янги дарс ўтишини ўқитувчи қисқа суҳбатдан бошлиди. Бунда ҳайвон экстеръерига кўра уларнинг конституцияси, зоти ва зотдорлиги, индивидуал ҳусусияти, ёши, саломатлиги, нозиклиги, қандай маҳсулот етиширишга мойиллиги ва кондициясини аниқлаш мумкинлиги айтиб ўтилади ва тушунтириб берилади.



4-р а с м. Экстеръер меъёр даражада бўлиши ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш жадаллиги билан белгиланади.

Ҳайвонларнинг саломатлигини аниқлашда, унинг кондицияси ва ёшига кўра юз берадиган ўзгаришлар тўғрисида ҳам унинг экстеръерига қараб кўп ҳолатларини билиб олиш мумкин экан.

Экстеръерни баҳолаш усулларидан яна бири улар тана индексларини (яъни бирор тана ўлчамини иккинчи ўлчамига бўлган нисбати)ни ҳисоблаш йўли билан аниқлаш ҳисобланади. Ўқитувчи томонидан энг **муҳим индекслари**: узунёқлик, тана узунлиги индекси, ихчамлик, кўкрак индекси, тос-кўкрак индекси, бўйдорлик, суяқдорлик кабилар аниқланиши мумкинлиги ҳам кўрсатиб ўтилади.

Уйга топшириқ. Т. Х. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг урчиши ва кўпайтириш» (дарслик). «Шарқ», 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния», (дарслик), Москва (78-бет).

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ» мавзуини ўтиш услуби

Мавзунинг асосий мазмуни

Маълумки, зоотехникавий тадбирлар чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва етиштириш самарадорлигини оширишта қаратилган. Шунингдек, кам меҳнат ва маблағ сарфланган ҳолда кўп ва арzon маҳсулот етиштириш зоотехния фанинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўқувчилар қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан ва паррандаларидан етиштириладиган маҳсулот турларини, уларнинг миқдори, хусусиятлари, сифат белгилари ва уларга таъсир этувчи барча омиллар тўғрисида кенг билим ва тасаввурга эга бўлишлари талаб этилади.

Шунингдек, ўқувчилар билиб олиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири ҳайвонлар маҳсулдорлиги ҳисобини олиб бориш (яъни ҳисоблаш) усуллари, ҳайвонларни маҳсулдорлигига кўра баҳолаш ва истеъмол қилган ем-ҳашаги миқдорига кўра ўз маҳсулоти билан жавоб берилиши (яъни уни ортиғи билан оқдай олиши) шулар жумласига киради. Умуман, барча ўқувчилар шу каби зоотехникавий талабларни чуқур билиб ўрганиб олишлари талаб этилади.

Ҳайвонларнинг маҳсулот йўналиши, унинг миқдори, сифати ва иқтисодий кўрсаткичлари, ҳамда унга таъсир этувчи омиллар ва умуман маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари тўғрисида ўқувчилар кенг билимга эга бўлишлари лозим.

Ҳайвонлар маҳсулдорлигини ҳисоблаш усувлари ҳам энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Шунингдек, сут таркибидаги ёғ миқдорини аниқлаш, ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиги, гўшт чиқими, маҳсулот бирлиги учун ем-хашак ва турли маблағлар сарфи ва ҳ. к. ўқувчилар диққат марказида бўлмоғи керак.

Маҳсулот турлари, уларни кўпайтириш, сифатини яхшилат ва иқтисодий самарадорлигини опириш тадбирлари

Асосий мақсад. Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларининг асосий маҳсулотлари ва уларнинг миқдорига, сифатига ва самарадорлигига таъсир этувчи омиллари тўғрисида тўла тушунча бериш ва бу борада ўқувчиларда етарли малака ҳосил қилишдан иборат.

Дарснинг мазмуни. 1. Ўқувчиларни дарс режаси билан таништириш. 2. Асосий маҳсулот турлари ва уларни кўпайтириш чора-тадбирлари. 3. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сут маҳсулдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар. 4. Сут маҳсулдорлигини ҳисоблаш. 5. Сут маҳсулдорлигини миқдор, сифат ва иқтисодий кўрсатгичлари. 6. Ҳайвонларни гўшт маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллар шулар жумласидан ҳисобланади ва улар дарснинг асосий мазмунини ташкил этади.

Дарс ўз ўрнида сухбат, маъруза ва тушунча бериш тарзида олиб борилади. Бунда айрим жадвал ва плакатлар бўлиши талаб этилади. Жумладан: 1. Ўзбекистоннинг барча тур хўжаликларида чорва маҳсулотларини етиштиришда миқдор кўрсаткичлар жадвали; 2. Чорва ҳайвонлари — сут таркибини кўрсатувчи жадвал. 3. Барча зот сигирлар сут миқдорини белгиловчи жадвал. 4. Сигирлар лактациясининг эгри чизиклар ёрдамида ифодаланиши (плакат) кабилар талаб этилади.

Ўқитувчи қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан етиштириладиган барча асосий маҳсулотлар тури тўғрисида батафсил тушунча беради.

Ўқувчилар ҳар бир ҳайвоннинг маҳсулдорлиги биринчи талда зоотехникавий тадбирлар натижаси эканлигини тўғри тушуниб олишлари лозим. Шунингдек, ҳайвонларнинг **ирсий**, **физиологик**, **морфологик** хусусиятларини бирлашган ҳолда маҳсулот этишириб бера олиш қобилиятини ифодаси эканлигини ҳам ўқувчилар тўғри тассаввур қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини танлаш, саралаш, парваришлаш, ёш болаларини боқиш, тўғри асраш каби зоотехникавий тадбирлар ҳам шу тизимни ташкил этади. Бинобарин, ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш деганда ўқувчилар юқорида номлари қайд этилган омиллар ва зоотехникавий тадбирларни тўғри тушунишлари керак.

Ўқитувчи ўз маъruzасида асосан бир маҳсулдорлик, яъни сигирларни сут маҳсулдорлигини ҳар томонлама тўла ҳолда тушунтириб бериши етарли ҳисобланади. Ҳайвон ва паррандаларни бошқа тур маҳсулдорлигини асосан **семинар** дарсларида ўтиш мумкин. Масалан, уларнинг тўшт маҳсулдорлиги, жун маҳсулдорлиги, паррандаларнинг тухум маҳсулдорлиги ва ҳ.к.лар семинар машгулотларида, рефератлар тайёрлашда танишиш мумкин.

Сут маҳсулдорлиги. Бу маҳсулдорлик кўплаб чорва молларнинг етук маҳсулоти ҳисобланади. Сут сигирлардан ташқари — буйвол, қўй, эчки, зебра, як (қўтос), бия ва туялардан олинади. Уларнинг сути ўзининг кимёвий таркиби ва миқдорига кўра бир-биридан кескин фарқ қиласди. Бундай маълумотларни ўқувчилар яхши билиб олишлари лозим. Бу борада «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сутининг кимёвий таркиби» деб номланган жадвал бўлиши талаб этилади.

Сигирларни «лактация» даври, «сугтдан чиққан» даври, «сервис» (туққан кунидан, уруғланган кунгача) даври ва «сухостой» (яъни сутдан чиқарилган кундан то туққан кунигача) даври кабиларни ўқувчилар билib олишлари керак.

Сигирларни сут маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллар устида сўз юритилар экан ўқувчиларнинг асосий тушунчалари ва фикрлари қўйидагиларга қаратилиши лозим. Яъни уларнинг зоти ва зотдорлиги, ёши, биринчи бор уруғлантирилгандаги ёши, «сервис» ва

«сухостой» даврини оз-кўп бўлиши, саломатлиги, боқиши ва сақлаш усуллари шулар жумласига киради. Буларнинг айримлари билан танишамиз.

Сигирларни зоти ва зотдорлиги. Мисол сифатида қора-ола зотли сигирларни кўриш мумкин. Улар бир лактацияда 4000—5000 кг сут беради. Сутидаги ёғ 3,4—3,7%ни ташкил қиласиди. Ёки джерсей зотли сигирлар 2000—3000 кг сут беради, лекин уларнинг сутидаги ёғ миқдори 4,3—6%ни ташкил этади.

Сигирларни ёши ҳам уларни сут маҳсулдорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Энг кўп сут уларни бешинчи ва олтинчи туғишида олинади. Биринчи марта туққан сигирларни сути уларни 5—6 марта туққанидаги сут миқдорини 60—65% ташкил қиласиди.

Биринчи уруғлантиришдаги ёши — ҳам сут маҳсулдорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Бинобарин, биринчи уруғлантириш бузоқларнинг 16—18 ойлигига, онаси вазнини 70% га етгач олиб бориш маъкул ҳисобланади.

«Сухостой» даврини узоқлиги ўртача 45—60 кун бўлиши мумкин. «Сервис» даври эса, улар қисир қолмасликлари учун биринчи-иккинчича куюкка келишида уруғлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сигирлар вазнининг ҳам ўрни салмоқли ҳисобланади. Вазни йирик сигирларни сут маҳсулдорлиги ҳам кўп бўлиши аниқланган. Масалан, рекордчи сигирларнинг тирик вазни 700—800 кг дан кам бўлмаган.

Сигирларниң саломатлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Касаллиги бўлган сигирларнинг сути бирмунча камайиб кетади ва сифатига путур етади. Аниқланишича, сил касалига мубтало бўлган сигирларда 20—35%, брушеллезга мубтало бўлганларида 40—60% сути камайиб кетар экан.

Озиқлантириш. Озиқлантириш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунча кўп ва арzon сут соғиб олинади. Бопшача қилиб айтилса, сигирлар қанчалик серсуст бўлса, улар маҳсулот — сут етишириш учун шунча кам (маҳсулот бирлиги ҳисобида) ем-хашак сарфланар экан. Масалан, вазни 500 кг, йиллик сут миқдори 2000 кг бўлган сигир ҳар 1 кг сути учун 1,4 озиқ бирлиги сарфланса, шу вазндан сути 4000 кг бўлган сигир ҳар 1 кг сути учун 0,95 озиқ бирлиги сарфланishi аниқланган.


Сигирларни сақлаш усули ҳам сутдорлигига ўз таъсирини кўрсатиши аниқланган. Масалан, сигирхоналарда ҳавонинг ҳар 10°C ортиши унинг сутидаги ёғнинг 0,2% га камайишига сабаб бўлар экан. Сути эса 7–10% га пасайиши аниқланган.

Тугиш мавсуми ҳам маълум миқдорда сигирларни сут маҳсулдорлигига таъсир кўрсатар экан. Адабиёт маълумотларига қараганда, баҳор — ёз ойларида туққан сигирларни сути маълум даражада кўл бўлар экан. Лекин айrim ҳолларда куз — қиши ойларида туққан сигирларда сутни кўпроқ бўлиши синаб кўрилган.

Сигирларни ийдириш (раздой) ва соғиши техникаси ҳам ўз ўрнида сут маҳсулдорлигини оз-кўп бўлишига ўз таъсирини кўрсатар экан. Бу борада сигирларни кунига икки марта ёки уч марта соғиши ишларига ва соғишини машина ёрдамида соғишга эътиборни кучайтириш ўкувчилар малакасини ошириш имконини беради.

Айrim ҳолларда сигирларни кунига неча марта соғиши лозимлиги тўғрисида тортишувлар бўлиб туради. Кўплаб кузатиш ва тажрибалар натижасида сигирларнинг кунига икки марта соғилиши кўпроқ самара бериши аниқланган. Бир мисол, АҚШда «Корина» лақабли голштино-фриз зотли сигир кунига икки мартадан соғилган ва у бир йил давомида 23023 кг сут берган.

Сигирлар сутидаги ёғ миқдори — (5-расм) унинг энг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланишини ўкувчилар мисоллар билан асослаб берадилар. Сигирлар сутидаги ёғ асосан 2,5–10,5% гача бўлиши аниқланган. Сигирлар сутидаги ёғ асосан уларнинг зоти, насли ва индивидуал кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда бўлиб, камроқ ташқи муҳит омиллар таъсирида бўлиши исботланган. Бу борада ҳар бир зотнинг «зот стандарти» тасдиқланган.



5-расм. Янги соғиб олинган сутнинг микроскоп остида кўриниши. Бунда кўп миқдорда ёғ шарчалари (заррачалари)нинг 280 марта катталикдаги ҳолатининг кўриниши.

Уларни ўқувчилар эътиборига тавсия этиш лозим. Масалан:

— Қора-ола ва остфриз зотли сигирларда	3,6%
— Қизил чўл, холмагор ва швиц зотларида	3,7%
— Симментал, кострама ва бестужев зотларида	3,8%
— Қизил эстон, курган ва тарғил кавказ зотларида	3,9%
— Яраслав, тагиль ва латвия тарғил зотларида	4,0%
— Қизил горбат зотида	4,1%
— Айршир ва украина кулранг зотида	4,2%
— Джерсей зотида	5,6%

Сигир сугидаги ёғ кўпинча сут миқдорига қараб ўзгариб туради. Яъни сут миқдори қанча кўп бўлса, унинг ёғдорлик даражаси шунча камроқ бўлади ва аксинча.

Сут таркибидаги оқсили — унинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб бирқанча омиллар (сигирларнинг ёши, зоти, лактация даври, бўғозлиги, туғиш даври, озиқланиши ва озиқ турлари, ҳамда уларни сақлаш усули кабилар)га боғлиқ эканлиги аниқланган.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ҳисоблаш усуслари

Ўқитувчи барча ўқувчиларга сигирларни сут маҳсулдорлигини ҳисобга олиш усуслари тўғрисида тушунча беради. Ҳисоб-китоб ишларини олиб бориши натижасида сигирларга тўғри баҳо бериш, уларни ўзаро таққослаш, яхшиларини сақлаб, ёмонларини брак қилиш имкони вужудга келади. Ўқувчилар сигирларни сут маҳсулотига кўра баҳолаш ишларини тушуниб олишлари лозим. Бунинг учун улар 1973 йилда Россияда сигирларнинг 305 кун давом этган лактация даврида соғиб олинган сут миқдорига қараб натижага чиқарилади.


Ўқитувчи томонидан юксак даражада сут берган (жумладан, бир суткада, бир йилда ва умр давомида) рекордчи ва чемпион ҳисобланган сигирларнинг мисол тариқасида кўрсатиб беради ва ўқувчиларда қизикиш уйғотади. Сўнгра ўқувчилар эътибори сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ҳисоб-китоб ишларини товар ва наслчилик фермаларида қандай усулда олиб борилишига қаратилади. Жумладан, сут-товар фермаларида барча сигирларни сути умумий гуруҳ ёки пода сутига ўлчамасдан (тортмасдан) кўшиб юборилса, наслчилик фермаларида ҳар бир сигирнинг сути ҳар бир соғим

бўйича ўлчанади, махсус журналга ёзилади, сўнгра умумий сутга қўшилади. Талаб этилган вақтларда ҳар бир сигир сутидан ёғ миқдорини аниқлаш учун сут намуналари олинади.

Маълумки, сут миқдорини кўпинча **килограмм** билан ифодаланади. Лекин, айрим ҳолларда у **литр** билан ҳам белгиланиши мумкин. Бу борада кг дан литрга ва литрдан кг га айлантириш талаб этилса, у куйидагича бўлади. Маълумки; сутнинг зичлиги ўртacha 1,030 (унинг оз-кўпллик амлитудаси 1,028 дан 1,030 гача) га tengдир. Бинобарин, 1 л сут массаси 1,030 кг ни ташкил этади. Агар литрда ифодалаш лозим бўлса, у ҳолда кг кўрсатгичини литр миқдорига кўпайтириш талаб этилади. Кг миқдори 1,030 га бўлинади.

Ўқувчиларнинг диққати лактация эгри чизиқлари ҳолатига, уларнинг паст-баландлигига ва ўзгарувчанлигига қаратилади. Лактация эгри чизиқлари ҳолати ўқувчиларга намойиш қилинади ва лактация типлари муҳокама қилинади. Лактация ўзгарувчанлиги қандай омиллар (озиқлантириши, туққан даври, зоти, ёши ва индивидуал хусусиятлари билан) боғлиқ эканлиги ўқитувчи томонидан изоҳлаб берилади.


Сигирларни баҳолашда уларнинг елини формаси, катта-кичиклиги, паллалари бир хил ривожланганли-



6-р а с м. Барча хусусият ва белгилари бўйича талабга тўла жавоб берадиган серсуг сигирнинг умумий кўрининши.

ги, сўрғичларининг катта-кичиклиги, машинада соғишига мослиги, уларни бир-биридан узоқ ва яқин жойлашганлиги, сут бериш тезлиги ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади (6-расм).

Кўплаб кузатишларга қараганда, косасимон елинга эга бўлган, юмалоқ елини сигирларга кўра серсут ва эчки елинли сигирларни сути бирмунча кам бўлиши тўғрисида ўқувчилар хабардор бўлишлари лозим. Айрим қолларда сигирлар елинига жойлашган сўрғичлар турли хил катталикда бўлиши ва бир-бirlаридан кескин фарқ қилиши — уларни машина ёрдамида соғин имконини бермайди. Умуман, кузатишлардан аниқланишича, елин ва сўрғич белги-хусусиятлари кўпинча наслий бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиши кузатилган (7-расм).



7-расм. Сигир елинини шакл-формалари: 1 — косасимон елин, 2 — ваннасимон елин; 3 — ривожланмай қолган елин; 4 — бўлимлари нотекис ривожланган елин; 5 — осилиб турувчи елин; 6 — эчки елин.

Чорва молларининг гўшт маҳсулдорлиги ва уни аниқлаш усуслари

Ўқитувчи ўқувчилар диққатига чорва моллари ва паррандаларини гўшт маҳсулдорлиги, уни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга таъсир этувчи омиллар тўғрисида батафсил сўзлаб беради.

Маълумки, гўшт барча чорва маҳсулотлари орасида энг юксак даражада калорияга эга бўлган тури ҳисобланади. У оқсил ва мой манбаи сифатида барча чорва маҳсулотларидан ажralиб туради.

Гўшт тайёрлашда кўплаб чорва ҳайвонларидан фойдаланилади. Улар орасида қорамоллар салмоқли ўрин эгаллайди. У ўртача 45—48%ни ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон вилоятларида қўй, эчки, йилқи, парранда, қуён кабилар гўшт учун боқилади. Бу маълумотлар ўқувчилар диққатига ҳавола қилинади.

Ҳайвонларнинг гўшт маҳсулотига ва унинг сифатига кўплаб омиллар таъсир этиши аниқланган. Уларнинг энг асосийлари: зот ва зотдорлиги, боқиш усули, ем-хашак тури ва унинг тўйимлилиги, ёши, жинси, физиологик ва индивидуал хусусиятлари ва бошқа кўплаб омиллар эканлиги кўплаб тажрибаларда аниқланганлигини ўқувчилар яхши билиб олишлари талаб этилади.

Чорва ҳайвонлари ва паррандалари тўпти маҳсулдорлигини аниқлашда уларнинг «сўйим вазни» ва «сўйим чиқими» муҳим кўрсаткич эканлиги тўғрисида ахборот берилади.

Дарс хulosасида ўқитувчи томонидан келгусида **семинар** дарси бўлиши ва унга тайёргарлик кўриш лозимлиги тўғрисида маслаҳат ва кўрсатмалар беради. Талаб этиладиган адабиётлар рўйхати кўрсатилади. Ўқитувчи томонидан семинар дарс мавзулари тавсия этилади. Ўқувчиларни **реферат** ёзишлари лозимлиги ва бу борада ўқитувчи томонидан барча мавзулар ёзма ҳолда кўрсатиб берилади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини маҳсулдорлигини ҳисоблани ишлари амалий машғулот ва лаборатория ишлари билан якунланади. Бунинг учун ўқувчиларда лаборатория дафтари, чизгич, қалам ва ҳ.к.лар бўлиши лозим.

Ўйга топшириқ. Т. Х. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва кўпайтириш». «Шарқ» (дарслик). 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния» (дарслик). Колос. 1976. (86—113-бетлар).

«ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ» мавзууда семинар дарсини ўтиш усули

Асосий мақсад. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлиги ва уларни кўпайтириш борасида ўқувчилар билимини бойитиш, уларни асосий ва кўшимча адабиётлардан фойдаланиш қобилияtlарини ўстиришдан иборат.

Ўқитишиш усули. Семинар дарси, ўқувчиларнинг докладларини эшлишини ва муҳокама қилиш.

Кўргазма воситалари. «Лактация эгри чизиқлари» плакати, «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сутининг кимёвий таркиби», жадвали, «Сигирларнинг зотига кўра ўртача сут маҳсулдорлиги» жадвали, «Сигирларнинг зотига кўра сугидаги ёғ миқдорининг стандарт кўрсаткичлари» жадвали, «Қўй жунидан тайёрланган тури матолардан намуналар» ҳамда диафильмлар ва кинофильмлардан ташкил топади.

Дарснинг мазмуни ва уни олиб бориш. 1. Ташкилий қисми. Семинар ўтказиш учун барча шароитни мавжудлиги. 2. Ўқитувчининг кириш сўзи. 3. Ўқувчиларнинг докладларини эшлиши ва музокара ўтказиш.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган рефератлар қуидаги мавзуларда бўлиши мумкин: 1. Асосий маҳсулот турлари ва уларни кўпайтириш тадбирлари. 2. Сигирларни сут маҳсулдорлиги (миқдори, сифати ва иқтисодий самарадорлиги). 3. Сут маҳсулдорлигига таъсир этувчи асосий омиллар. 4. Сут таркибидаги ёғ ва оқсил миқдорига таъсир этувчи асосий омиллар. 5. Сут маҳсулдорлигини ҳисоблаш үсуллари. 6. Ҳайвонларнинг гўйиг маҳсулдорлиги ва унинг асосий кўрсаткичлари. 7. Ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифатига таъсир этувчи асосий омиллар. 8. Гўшт маҳсулдорлигини ҳисоблаш ва аниқлаш үсуллари. 9. Ҳайвонларнинг жун маҳсулдорлиги. 10. Ҳайвонларнинг жун маҳсулотига таъсир этувчи асосий омиллар. 11. Қишлоқ хўжалик паррандаларининг маҳсулдорлиги. 12. Паррандалар маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллар. 13. Туман миқёсидаги илгор фермер-чорвадорларнинг иш тажрибаси. 14. Туман ва вилоят шароитида юқори (рекорд) даражада маҳсулот етказиб бераётган ҳайвонлар (уларнинг тури, хўжалик номи ва олинган натижалар, уларнинг самаралорлиги).

4. Семинар дарсини якунлаш. 5. Уйга топшириқ бериш. Бунда ўқувчиларга дарслық асосида «Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонлари маңсулдорлиги» мавзуини яхши ўзластириш ва билимларини мустақамлаш тавсия қилинади.

Семинарда барча ўқувчилар бўлиши шарт ҳисобланади. Докладчилар ўз мавзулари бўйича плакат, жадвал, расм ва схемалар тайёрлаб келишлари маъқул деб топилади. Айрим ҳолларда бир мавзу бўйича 2–3 та докладчилар бўлишига рухсат берилади. Ҳар бир докладчига 10–15 минутгача вақт берилади. Докладчига айрим ҳолларда ўз докладидан баъзи сўз ва жумлаларни ўқиб беришига ижозат берилади. Доклад тугагач, докладчига саволлар берилади ва у муҳокама қилинади. Сўнгра сўз навбатдаги докладчига берилади. Барча докладлар эшитилиб, муҳокама қилиниб бўлгач, ўқитувчи уни якунлайди ва докладчиларни, ҳамда сўзга чиққанларни баҳолайди ва келгусида асосий тадбирлар түғрисида сўзлаб беради. Семинар жараённада ўқитувчи ҳар бир мавзу мағзини, унинг ижобий томонларини очиб бериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«ҚИШЛОҚ ҲҰЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА САРАЛАШ» мавзуини ўтиш услуги

Мавзунинг мазмуни. Маълумки, танлаш ва саралаш чорвачиликда наслчиликни **асоси** ҳисобланади. Шунинг учун ҳам янги зот яратишида ва мавжуд зотларни такомилластиришида танлаш, саралаш, ёш молларни парваришилаш энг муҳим ва асосий тадбир ҳисобланишини ўқувчилар яхши билиб, тушуниб олишлари лозим. Шунингдек, наслдор ҳайвонларни комплекс баҳолаш, уларнинг келиб чиқишида авлод (ота-оналари ва бобо-калонлари)ни қандайлиги чорвачиликда муҳим ҳолатлардан ҳисобланишини ўқувчилар түғри тушунишлари ва ҳисобга олишлари лозим. Бундан ташқари, янги зот яратилишида ва линияларни ташкил этишида қариндош авлодлар ўртасида олиб бориладиган чатиштириш (инбридинг) ишларига ҳам ниҳоятда масъулият билан қарашлари талаб этилади. Назоратсиз ва масъулиятсизликда олиб борилган инбридинг ишлари айниқса то-

вар хўжаликларида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳайвонларни комплекс баҳолаб, насл учун танлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу тадбир ниҳоясида юқори сифатли вакиллари учун қолдирилса, ёмонлари брак қилинади. Ўқувчилар ҳайвонларни танлашда (бир томонлама) **фенотипига** қарап билан чекланмасдан, уларнинг **генотипига** (келиб чиқиши ва наслларининг сифатига) ҳам эътиборни кучайтириш лозимлигини билишлари керак. Чунки наслчилик ишларида бу тадбирни тутган ўрни салмоқлидир. Ҳайвонларнинг келиб чиқишига қараб баҳолашда биринчи галда уларнинг ота ва онасини сифат белгилари ҳисобга олинади ва иккинчи навбатда уларни бобоси, бувиси ва ҳ.к.ларга эътибор берилади.


«КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ЗОТИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАҶЛИМОТ» мавзуини ўтиш услуби

Мавзунинг мазмуни. Ўқувчилар билимини бойитиш борасида **зот** маълум ва бир хил кўрсаткич, ҳамда хусусиятларга эга бўлган ҳайвонлар гуруҳи ҳисобланниб, ирсият ва ўзгарувчанликка мойиллиги билан зотсиз ҳайвон гуруҳларидан ажralиб туриши тўғри тасаввур қилишлари лозим. Ҳар бир яратилган зот инсонни барча талабларига жавоб бераоладиган турүх ҳайвонлардан ташкил топиши лозим.


Мавжуд зотларни такомиллаштиришда маҳсулдорлиги юқори ва сифат белгиларини ўз наслларига бера оладиган, ташқи мұхит шароитига яхши мослашган, ем-хаshawакни яхши ўзлаштирадиган гуруҳларга алоҳида эътибор берилади.

Ўқувчилар барча тур ҳайвон ва паррандалар зотини яхши ўрганиб олишлари лозим. Уларнинг маҳсулдорлиги, маҳсулот йўналиши, миқдори, сифати, қоловерса ўз тумани ва вилоятида қандай ҳайвон зотлари режалаштирилганлигини билиб олишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади (*8, 9, 10, 11, 12, 13, 14-расмлар*).


«Зот ҳақида таҷлимот» мавзуини ўтиш услуби талабига кўра, ҳайвоннинг зот, зот таркиби ва классификацияси тўғрисида ўқувчиларнинг етарли даражада ма-




8-ра с м. Сүт йұналишпидеги серсүт зотлы сиғирлар: 1 — айршир зот, 2 — авалиёта зоти, 3 — украина оқ бошли зоти, 4 — джерсей зоти, 5 — қызил белорусс зоти, 6 — қызил прибалтика зоти, 7 — қызил литва зоти, 8 — қызил чүл зоти, 9 — тагил зоти, 10 — холмагор зоти.




9-р а с м. Сүт өнгөтүүлүштөрдөн калыпташтырылған сүтүүлүк зотлар: 1 — бестужев зоти, 2 — швиц зоти, 3 — кострама зоти, 4 — алатау зоти, 5 — қызил горбат зоти, 6 — курган зоти, 7 — пинцгаус зоти, 8 — симментал зоти.



10-р а с м. Гүлштдор зотли насл буқалар: 1 — aberдин-ангус,
2 — галовей, 3 — герефорд, 4 — қозоқи оқбош, 5 — қалмик,
6 — лимузин, 7 — санта-гертрудә, 8 — шоролей, 9 — шортгорн
ва 10 — киан зоти.




11-р а с м. Құй зотлари: 1 — аскания зоти, 2 — австралия зоти,
3 — совет меринос зоти, 4 — грознен зоти, 5 — прекос зоти,
6 — латвия зоти, 7 — чигай зоти, 8 — гемпшир зоти.



12-расм. Күй затлари: 9 — куйбишев зати, 10 — шимолий кавказ зати, 11 — линкольн зати, 12 — тожик зати, 13 — романов зати, 14 — қоракүл зати, 15 — тушин зати, 16 — ҳисор зати.



13-р а с м Товук зотлари: 1 — плимутрок, 2 — куропатчая (итальянская), 3 — адамузская зоти, 4 — пакана урушқоқ зот, 5 — пакана лангшан зоти, 6 — тилларанг себрайт-бентам зоти, 7 — қора брама зоти, 8 — еввойи банкив товуғи.



14-р а с м. Товұқ зотлари: 1 — ҳаворанг шабо зоти, 2 — рангли виандот зоти, 3 — кревкер зоти, 4 — голошнейная зот. 5 — минорка зоти, 6 — лакенфельдер зоти, 7 — загорская зоти, 8 — лакана фарфорская зоти.

лакаси бўлиши лозим. Бу мавзуни ўтишда қўйидаги кўргазма воситаларини бўлиши талаб этилади: 1. «Зотлар классификацияси» плакати. 2. «Зот таркиби» плакати. 3. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг зоти» альбоми.

Машғулотнинг мазмуни ва бажарилиши. 1. Ташкилий қисми. 2. Адабиёт ва назорат қўлланмалардан тўгри ва унумли фойдаланиш учун тавсияномалар. 3. Ўқувчиларни мустақил ишлашлари учун янги материаллар ва асосий саволлар. 4. Ўқувчиларни мустақил ҳолда топшириқни бажариш учун дастур материалларидан фойдаланиш. 5. Ўқувчилар билимини текшириш. 6. Холосавий сұхбат.

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ УРЧТИШ УСУЛЛАРИ» мавзуини ўтиш услуби

Мавзунинг мазмуни. Ҳайвонларни урчтиш усуллари ва уларнинг аҳамиятини барча ўқувчилар яхши ўзлаштириб олишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада ўқувчилар маълум даражада «тоза ҳолда», ёки зот ичига чатиштириш усули билан «Танлаш ва саралаш», ва «Зот тўғрисидаги таълимот» бўлимидан хабардордирлар.

Умуман, ҳайвонларни «тоза ҳолда», яъни зот ичига урчтиш ишлари (бунда эркаги ва ургочиси бир зотнинг вакили бўлиши лозим) наслчиликда асосий усул ҳисобланишини ўқувчилар билиб олишлари лозим. Шуни ҳам унутмаслик керакки, чорвачиликда маданийлаштирилган зотларгина **тоза ҳолда** урчтилади ва улар ўз ирсий хусусиятларининг устунлиги билан ажралиб туради.

«Тоза ҳолда» урчтиш мавзуини ўтиш услуби

Асосий мақсад. Зоотехния тажрибасида қўлланиладиган чатиштириш усулларидан, жумладан, «Тоза ҳолда» («соф ҳолда») урчтиш тадбирларидан ўқувчиларни хабардор қилишдан иборатdir. Ўқитувчи ўз ўрнида қисқа сұхбат ўтказиб, унда мавзунинг мазмуни, мақсади ва ўтказиш услуби тўғрисида ҳамда кейинроқ

ёзма назорат иши олиниши режалари тўғрисида қисқа тушунча беради.

Ўқувчилар линия (уруг қаторлар) асосида урчиши усулини ҳам билиб олишлари лозим. **Линия** муайян зот ичидаги айрим хусусиятлари (гавда тузилиши, маҳсулдорлиги) жиҳатидан бир-бирига ўхшаган ва яхши уруғбошидан вужудга келган сермаҳсул эркак моллар гуруҳидир. **Линиялар** маълум эркак вакилининг лақаби билан аталади. Ург-қаторлар асосида урчишида эркак ҳайвонларнинг генотипик хусусиятларидан фойдаланиш диққат марказида туради ва шу туфайли у амалга оширилади.

Бундан ташқари, ҳар бир зот таркибида бир неча оиласлар бўлади. **Оила** ҳар бир соф урғочи (сигир, бия, чўчқа, совлик) вакилидан тарқалган урғочилар гуруҳидир.

Зот таркибида оиласлар линияларга нисбатан пастроқ туради. Гарчанд кўплаб урғочи вакилларининг серпуштлигини оширишда ўзининг юқори ирсий хусусиятларини ўтказа олса-да, наслчилик ишларида уруг қатор (линия)лар дастлабки ўринда туради. Бу маълумотлар ўқувчиларни диққат марказида бўлмоғи лозим.

Ушбу мавзу бўйича ўқитувчи томонидан айрим саволлар тайёрланган бўлиши мумкин. Масалан, а) Қандай вақтда олинган наслларни соф зотли дейилади ва нима учун? б) Тоза ҳолда урчишидан асосий мақсад нима? в) Ушбу усулни биологик хусусиятлари нималардан иборат?

Ўқитувчи дарсни яқунлар экан шу усул асосида ниҳоятда юқори маҳсулдорликка эга бўлган ҳайвон зотлари ва чемпион вакиллари яратилганлиги тўғрисида ахборот беради. Жумладан, дунё бўйича рекорд қўйган қора-ола зот вакили «Волга» лақабли сигир 305 кун лактация давомида 17517 кг сут берган, сугидаги ёғ 4,2% бўлган. Унинг суткалик суги 77 кг ни ташкил этган.

**«ХАЙВОНЛАРНИ ЧАТИШТИРИШ»,
«САНОАТ АСОСИДА» ВА «ҚОН СИНГДИРИШ»
ЁКИ «ЗОТНИ ЎЗГАРТИРИШ МАҚСАДИДА
ЧАТИШТИРИШ»
мавзунин ўтиш услуби**

Чатиштириш. Агар урчитиладиган моллар турли зотларга мансуб бўлса ёки улардан бири дурагай бўлса, бундай урчиши чатиштириш деб аталади.

Кўйилган мақсадга кўра чатиштириш бир неча турга бўлинади (саноат асосида ёки кўпроқ маҳсулот олиш мақсадида, галма-гал, қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида, қон қўйиш йўли билан ва янги зот яратиш мақсадида чатиштириш).

Асосий мақсад. Ҳайвонларни чатиштириш уларни урчиши усуllibаридан бири сифатида ўқувчилар диккатини «Саноат асосида» ва «Қон сингдириш» ёки «Зотни ўзгартириш мақсадида чатиштириш» усулига қаратиш ва бу борада малака ҳосил қилишдан иборат.

Ўқитувчи томонидан дарс ўтиш режаси тушунтирилади. Бунда ўтган дарсни хотирлаш ва янги мавзуни ўзлаштириш лозимлиги кўрсатилади. Шунингдек, ҳайвонларни чатиштириш, унинг биологик хусусияти ва чорвачиликдаги аҳамияти, саноат асосида чатиштиришни мазмунни ва мақсади, ҳамда қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида чатиштириш, унинг аҳамияти ва қўллаш техникаси ўз аксини топини лозим. Бу масалалар сұхбат тариқасида ёки маъруза сифатида олиб борилади. Сұхбат жараённда плакат, схема ва расмлардан унумли фойдаланилади.

Дарсни олиб бориш. Дастрраб ўтган дарс тўгрисида айрим (қисқа муддатли) савол-жавоб ишлари ўтказилади. Бунда қўйидаги саволлар берилади:

1. Урчиши усуllibарини қандай тушунтириш мумкин?
2. Чорвачиликда қандай урчиши усуllibари қўлланилади?
3. Соф (тоза) ҳолда урчиши деганда нималар тушунилади?
4. Мавжуд зотларни такомиллаштиришда соф ҳолда урчишини тутган ўрни қандай?
5. Линиялар ва оиласалар асосида урчиши қандай олиб борилади?

6. Чатиштириш нима? Унинг биологик қиймати ва хусусияти нималардан иборат?

7. Соғ зотли ҳайвонлар нималари билан дурагайлардан фарқланади?

8. Қайси мақсадда турли зотлар ўзаро чатиштирилади?

Ўқитувчи ўқувчилар жавобини якунлайди ва хуласалайди. Бунда асосий эътибор ҳайвонларни саноат асосида ва зотни ўзгартириш усулига қаратилади.

«Қон сингдириш» ёки «Зотни ўзгартириш мақсадида чатиштириш» устида сўз борар экан, бу усул моллар зотини тубдан ўзгартиришга имкон беради. Масалан, жайдари урғочи моллар юқори маҳсулдор зот эрекак вакилларидан қочирилади. Айрим вақтларда янги зот яратиш учун ҳам шу усулдан фойдаланилиш мумкин.

Ўзбекистонда маҳаллий сигирлар шу усулда гўштдор санта-гертруда, aberdin-ангус, қозоқи оқ бош ва геффорд зот буқалари билан қочирилган ва ижобий натижаларга эришилган. Чатиштириш ишлари асосан Ўзбекистондаги «Санзар», «Зомин», «Бахмал» хўжаликларида ва Қорақалпоғистоннинг Кўнгирот туманиндағи хўжаликларида олиб борилган.

Саноат асосида чатиштириш — деганда биринчи бўғин дурагайларда г е т е р о з и с (яъни ота-она кўрсаткичларидан ўзиб кетиши) хусусиятидан тўла фойдаланиш тушунилади. Олинган дурагайлар насл учун қолдирилмайди, чунки кейинги авлодларда гетерозис хусусияти суст тақрорланади. Бу усул кўпроқ гўшт этишишириш мақсадида фойдаланилади. Бундай чатиштириш ишлар «Қизил шалола» тажриба хўжалигида олиб борилган. Бунда гўштдор зотли aberdin-ангус буқалари билан қора-ола зот сигирлар қочирилган ва юқори кўрсаткичларга эришилган.

Умуман, бу мавзу ўқувчилар билан сұхбат тарзида олиб борилади. Сұхбат сўнгига ушбу усулни иқтисодий самарадорлиги тўғрисида ҳам фикрлар билдирилади.

Үйга топшириқ. Т. Ҳ. Икромов. «Кишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш ва кўпайтириш» (дарслик). «Шарқ», 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния» (дарслик). Колос. 1976 (165-бет).

«ГАЛМА-ГАЛ ВА ҚОН ҚҮЙИШ ҰСУЛИДА ЧАТИШТИРИШ» мавзуини ўтиш услугияти

Асосий мақсад. Ўқувчиларга ҳайвонларни галма-гал ва қон қүйиш ұсулида чатишириш бүйича тушунча бериш ва уларда малака ҳосил қилишдан иборат. Бу борада ўқувчиларга дарс режаси айтиб ўтилади. Бунда ўтган дарсни қисман қайтариш ишлари олиб борилади. Сүнг ўқувчилар зәтиборига галма-гал ва қон қүйиш ұсулида ҳайвонларни чатишириш ишлари түғрисида тушунча берилади.

Ўқувчилар диққатига галма-гал чатишириш ұсули түғрисида сұхбат тариқасыда ахборот берилади. Ушбу ұсулни мақсади ва құллаш техникасы түғрисида ҳам түхтаб ўтилади. Шунингдек, қон қүйиш ұсули түғрисида ҳам тушунча берилади. Бунда асосан зот хусусияттарини тубдан ўзгартирамаган ҳолда, фақат бирор камчилиги ёки заиф томонини яхшилаш билан чекланади. Бунда асосан яхшиловчи зот яхшиланувчи (асосий) вакиллари билан фақат бир марта чатиширилиши лозимдиги түғрисида барча ўқувчилар яхши хабардор бўлишлари лозим. Дарс жараёнида барча плакат ва жадваллардан унумли фойдаланилади.

«Янги зот яратиш мақсадида» чатишириш ва турлар аро гибридлаш мавзуини ўтиш услуги

Асосий мақсад. Ўқувчиларни «янги зот яратиш» ва «турлараро гибридлаш» ұсууллари билан танишириш, ҳамда бу борада уларда малака ҳосил қилишдан иборатидир. Бунда янги зот яратиш борасида акад. М. Ф. Ивановнинг илмий-тадқиқот ишлари түғрисида маълумотлар ҳам баён этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқитувчи дарс режаси түғрисида ахборот беради. Сүнг ўтилган олдинги дарс бүйича савол-жавоб ишлари ўтказилади. Кейин янги дарс мавзуси баён этилиб сұхбат жараёни бошланади. Ўқитувчи томонидан янги зот яратиш мақсадида чатиширишнинг асосий мақсади ва уни бажариш техникасы түғрисида маълумотлар тавсия этилади.

«Янги зот яратиш мақсадида чатишириш» усули ифодаланган плакат намойиш қилинади. Шундан сўнг «Турларо гибридлаш» мавзуи тўғрисида сўз юритилди ва «Чорвачиликда гибридлаш» деб номланган плакат намойиш қилинади. Гибридлашни аҳамияти, мақсади ва уни бажариш техникаси тушунтириб берилади.

Янги зот яратиш мақсадида чатиширишни баъзан завод усули деб ҳам аталади. Бунда иккита ёки уч-тўрт зот ўзаро чатиширилади. Бундан асосий мақсад барча ижобий хислатларга эга бўлган янги зот яратишдан иборатдир. Бунда иккита зот қатнашса оддий чатишириш, бир неча зот қатнашса, **мураккаб чатишириш** дейилади. Олинган дуррагайлар яхши боқиши ва парваришилашга муҳтож бўлади.

Сермаҳсул, чидамли ва бақувват, яшовчан гибридлар олиш мақсадида турлар аро чатишириш ишлари олиб берилади. Айрим ҳолларда гибридлар қисман ёки мутлақо насл бермайдиган бўлади. Мутлақо насл бермайдиган бўлганида, улар жинсий хромосомаларида юз берадиган бўлиниш жараёнида ўҳшашилик ва тенглик хусусияти бўлмагани учун қиз ҳужайраларида чалкашликлар юз беради ва ҳаётчанлиги паст ёки умуман бўлмаган жинсий ҳужайралар вужудга келади.

Қисман наслсизликка, кўпроқ бир жинс чорва молларида, асосан эркак вакилларида гормонал бошқаришнинг бир меъёрда бўлмаслиги сабаб бўлади. Хромосомалар меъёр даражада бўлгани билан етилиш жараёнида сперматогенез бузилади, сперматозоидлар етишмай қолади.

Гибридлаш кўпроқ қорамолчиликда ижобий натижча беради.

От билан эшак чатиширилиб, насл бермайдиган хачир олинади.

Ёввойи «архар» қўчкори билан меринос ва қоракўл кўйлар уруғлантирилиб, насл бериш хусусиятига эга бўлган гибридлар олинган.

Янги зот яратиш мақсадида чатишириш ишлари тўғрисида сўз юритилар экан акад. М. Ф. Иванов олиб борган тадқиқотлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

XX асрнинг 30-йилларида шу усул ёрдамида М. Ф. Иванов томонидан янги сермаҳсул бешта чўчқа ва битта кўй зоти яратилганлиги ўқувчилар диққатига ҳавола қилинади.

Ушбу усулни асоси қўйидагилардан иборат эканлигини барча ўқувчилар тўғри тушуниб олишлари лозим. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Ташқи муҳит шароитлари, хўжалик ва иқтисодий шароитларни меъёр даражада, муайян ҳолда бўлиши;

2. Танлаш ва саралаш ишларига ижодий ёндашиш ва катта масъулият билан олиб борилиши; Қимматли вакилларини тўғри танлаб олиш, ёмонларини брак қилиб, гўштга семиртириш;

3. Ҳайвонларни озиқлантириш ва парваришлаш ишларининг юксак даражада олиб борилиши;

4. Ёш болаларини яхши, талаоб асосида парваришлаш;

5. Авлодлар орасида чатиштириш (инбридинг)дан четда бўлиш мақсадида етарли миқдорда линия ва оиласларни мавжудлиги шулар жумласига киради.

Ҳайвонларни гибридлаш борасида суҳбат ўтказилиб ўқувчиларга қўйидаги саволларни бериш тавсия этилади:

1. Гибридлаш деб нимага айтилади?
2. Чорвачиликда гибридлашдан асосий мақсад нима?
3. Гибридларда қандай биологик хусусиятлар бўлади?
4. Гибридланишининг қандай ижобий ва салбий томонлари мавжуд?

Үйга топшириқ. Т. Ҳ. Икромов. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчтиш ва кўпайтириш» (дарслик). «Шарқ», 2001. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния». Колос, 1976. (177—181 ва 187—188-бетлар).

«ЧОРВАЧИЛИКДА ТАЖРИБА ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ» мавзуини ўтиш услуби

Мавзу мазмуни. Зоотехник — чорвачилик тармоқларини бошқарувчи технолог сифатида хўжаликда ем-хашак базаси барқарорлигини ошириш, ҳайвон ва паррандалар зот сифатини яхшилаш, наслдорлигини ошириш, маҳсулдорлигини кўпайтириш, озиқлантириш ва сақлаш шароитларини тубдан яхшилаш, фермадаги машина, механизм ва аппаратлардан унумли фойдаланиш каби тадбирларни ўз вақтида катта масъулият би-

лан амалга оширувчи мутахассис ҳисобланади. Ҳар бир зоотехник (зоомуҳандис) — ўз билимини, тажрибасини тинимсиз бойитиб, такомиллаштириб бориши кепрак. Акс ҳолда, у ҳаётдан, ишлаб чиқариш янгиликларидан орқада қолади.

Ўқувчилар чорвачилиқдан тажриба-кузатиш ишлари билан шуғулланар эканлар, уларнинг чорвачилиқдан билим малакалари бирмунча юксак бўлиши талаб этилади. Улар дарсдан ташқари кўплаб чорвачилик китоб ва ойномаларни ва рўзномаларни мутолаа қилишлари ва ўз билимларини ҳаммавақт бойитиб боришлири лозим.

Ўқитувчи мавзулар рўйхати билан ўқувчиларни таништирадар экан у илмий ишларни таркиби, аҳамияти, компоненти (яъни мавзуси, қўйилган масалалар, ахборот тўғлаш, қўйилган гипотеза, тажриба олиб бориш, маълумотларни ишлаб чиқиш, тажрибадан хulosага келиш ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш) тўғрисида тушунча бериб ўтади.

Ўқитувчи ҳар бир йўналиш бўйича биологик кузатишлар, зоотехниковий кузатишларга тушунча беради. Айниқса илмий-хўжалик тажрибалар, ҳайвонларни боқишиш ва урчтишгага доир мавзулар устида кузатишлар олиб бориш катта масъулият ва фаоллик талаб этади.

Ўқитувчи ўқувчиларни тажриба ва кузатув ишларини олиб боришлирида ҳар бир ўқувчини мавзуига алоҳида масъулият билан муносабатда бўлиши ва тажриба режаларини тузишга кўмак ва йўл-йўриқ кўрсатиб бериши ва аниқликлар киритиши лозим.

Дарснинг асосий мақсади. Ўқувчиларни чорвачилиқдан тажрибалар олиб боришни ташкил қилиш усуllibири билан таништириш.

Ўқитиш усули. Маъруза ва суҳбат.

Кўргазма воситалари. «Тажриба ишларини таркиби», «Гурӯҳлаш усули», «Даврлар услуби», «Тажриба тузиш усули» деб номланган схемалар.

Дарснинг мазмуни ва уни ўтказиш услуби. I. Ташкилий ишлар. II. Янги дарс учун ўқувчиларни тайёрлаш. Суҳбат жараёнида ўқувчилар эътиборини тажрибалар қандай олиб борилиши ва нима мақсадда олиб борилишига қаратиш лозим.

III. Суҳбатни якунлаш ва уни янги мавзу билан боғлаш.

IV. Янги мавзунинг берилиши. Янги мавзуни режаси ва услубий жиҳатлари: а) Ҳайвонларни боқиш ва урчишиш бўйича илмий-хўжалик тажрибалари, уларнинг вазифаси ва аҳамияти.

- б) Тажриба ишларининг таркиби.
в) Зоотехникавий кузатишларни олиб бориш усуллари.

г) Тажриба усулини тузиш.

д) Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалари бўйича олиб бориладиган тажриба ва кузатишларни ташкил этиш шулар жумласидандир.

Маърузани бошланиш қисмида, чорвачиликни жадал усуllibarda ривожлантириш иккита йирик ва долзарб муаммога боғлиқ эканлигини ўқувчиларга тушунтириш талаб этилади. Уларнинг **биринчиси** — ҳайвон ва паррандаларни озиқлантириш, сақлаш ва урчишиш борасида фан янгиликларини ва илгорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга тўла тадбиқ этиш бўлса, **иккинчиси** — ҳайвонларни урчишиш, боқиш, сақлаш, наслини ва наслдорлигини яхшилаш ва бу борада янги усуllibарни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Биринчи муаммо — даставвал зоотехникавий тадбирлардан ташкил топган бўлиб, юқори даражадаги зотдор, сермаҳсул ҳайвонларни кўпайтириш, наслдор эркак ҳайвон ва паррандалардан унумли ва самарали фойдаланиш, ем-хашак барқарорлигини ошириш, урчишиш, боқиш ва сақлаш ишларини юқори даражада, сифатли олиб боришдан иборат эканлигини ҳамма ўқувчиларга тўғри тушунтириш керак.

Иккинчи муаммо — илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдан иборат. Чунки ҳозирги вақтда фан янгиликлари ва ютуқларига амал қилмасдан туриб юқори натижаларга эришиб бўлмаслиги барчага аёндир.

Ўқитувчи ўз маърузасида илмий-тадқиқот кузатишларни ва тажрибаларни таркиби тўғрисида тушунча беради. Маълумки, қишлоқ хўжалигини агрономия ва зоотехния йўналишларига доир бўлган кузатиш ва тажрибаларни олиб бориш ниҳоят мураккаб ва машаққатлидир. Чунки улар тирик организмлар устида олиб борилади. Айрим ҳолларда бундай илмий кузатишлар бошқа биологик фанлар билан (селекция, биологик кимё, физиология, морфология, миробиология, генетика ва ҳ.к.лар) боғланиб кетади. Бу борада баъзан тахминий

дастлабки кичик кузатувлар компонентти асосида олиб бориш талаб этилади (15-расм-схема).

Мавзу танлаш ва масалаларни белгилаш



15-расм (схема). Чорвачиликдан тажрибалар ўтказишида асосий компонентлар.

Мавзулар илмий-оммабоп ойномалардан, кичик илмий мақолалар түпламларидан, адабиёт саҳифаларидағи илғор тажрибаларидан ва бошқа түрли мәнбалардан танлаб олиниши мүмкін. Айрим мавзулар олдин бажарылған ишлардан қайтариш сифатида олишга рухсат берилади. Чунки сүнгги кузатишиларда ҳайвонлар зоти, ёши, жинси, боқиши шароити ва ҳ.к.лари бөшқача бўлиши табиийдир. Шундан сүнг масалалар белгиланади.

Мавзуни тўғри белгилашда ва уни шаклланиши олиб бориладиган тажриба ишларини тўғри ва сифатли бўлишида асосий омил ҳисобланади. Белгиланган масалалар тўғри бўлиши, ғоявий жиҳатдан талаб даражасида бўлиши мавзуни ёритишида муҳим аҳамиятта эта эканлигини ўқувчилар тўғри тушуниб олишлари талаб этилади.

Ахборот тўплаш. Асосий масалалар белгилангач, унга доир ахборотларни (маълумотларни) тўплаш талаб этилади. Бу борада турли муаллифлар томонидан олиб борилган кузатишлар натижалари ўкувчилар томонидан системали ҳолда ёзиб борилади. Бунда муаллифнинг исми-шарифи, ишнинг номи, қаерда, қачон нацир этилганлиги маҳсус картотекаларга ёки маҳсус дафтарга ёзиб борилади.

Дастлабки гипотеза. «Гипотеза деб илмий жиҳатдан тахмин қилинган ва ҳали ўз ечимини топмаган бирор илмий масалага айтилади. Бу кўп жиҳатдан белгиланган масалалар тўғрилигига боғлиқ бўлади. Айрим ҳолларда бир эмас, бир неча гипотезалар белгиланиши мумкин ва кейинчалик уларнинг орасидан энг маъқули танлаб олинади.

Назарий кузатиш. Бундан асосий мақсад олдин белгиланган гипотезани ҳал этишда кўплаб кузатиш ва назорат ишларини олиб боришидан иборат. Бунда мантиқий жиҳатдан ҳам ўзига хос натижалар олиш муҳим ҳисобланади.

Эксперимент. Илмий кузатиш ишларини хусусияти, бажариш учун белгиланган масалалар моҳияти билан аниқланади. Маълумотлар эксперимент (тажриба) натижасида тўпланиб боради. Агар масалалар тарихий муаммолар асосида бўлса, бунда кўпроқ далиллар ва уни исботловчи маълумотларни тўплаш талаб этилади.

Хулосалар. Хулосалар қўйилган, белгиланган масалалар талабига кўра чиқарилади. Лекин кўпинча зоотехниядан олиб борилган тажрибаларнинг кўпчилиги ўз натижа, хулосаларини ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ этган ҳолдагина ўз афзаллигига эта бўлади. Лекин бунинг учун вақт баъзан етарли бўлмай қолади.

Суҳбат (маъруза) сўнгида ўқитувчи дарсга якун ясайди. Уқувчилар саволига ўқитувчи кенг ва тушунарли жавоб беради ва талаб этилса тушунтириб беради. Умуман уқувчилар тушунчасини етарли бўлишига ҳаракат қиласади.

Ўйга топшириқ. А. И. Поздняков. «Опытническая работа учащихся в животноводстве». Москва. «Просвещение». 1976. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния». Москва. «Колос». 1976.

Ўқитувчи учун: А. И. Овсянников. «Основы опытного дела в животноводстве», «Колос», Москва. 1976. П.

И. Викторов. «Методика опытного дела в животноводстве», Краснодар., 1977.

ҮҚУВ АМАЛИЁТИНИ ҮТКАЗИШ УСЛУБИ

Дарснинг мазмуни. Ҳозирги вақтда барча ҳамдўстлик мамлакатларида бўлгани каби республикамизда ўрта маълумотли, ўрта звено мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёж ниҳоятда каттадир. Бинобарин, барча коллежларда ўқитилаётган ёшлар билимдон, малакали, ўз касбини севувчи, қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларида бўлгани каби чорвачиликда ҳам назарий билимларга бой ва уларни ҳаётга, ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга қодир бўлган ўқувчиларга эътибор янада куайтирилиши лозим.

Билимга чанқоқ ёшлар ишлаб чиқаришда, жумладан, чорвачилик фермаларида ўзларининг барча ижобий томонларини кўрсата олишлари, уларни ўқиш жараённида олган билимлари билан чегараланиб қолмасдан меҳнат жараёнларида уларни қўллаш ва бунга ижодий ёндошишлари замон талабидир. Улар ўз касбларини ардоқлашлари, ҳурмат билан қарашлари ва севишлиари лозим.


Ўрта звенодаги барча касб эгалари, серфайрат, билимдон ёшларимиз жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатишлари керак. Бу эса уларнинг шижаатига, ҳарачатчанлигига ва билимдонлигига боғлиқдир.

Бу борада энг муҳим жиҳатлардан бири ўқув-тарбия ишларини ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғланган ҳолда, қолаверса, биргаликда олиб бориш ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этишда ўқувчиларнинг ўқув амалиёти ҳар жиҳатдан ниҳоятда қўл келади.

Ўқув ишлаб чиқариш ҳўжаликларида олиб борила-диган амалий машғулотлар ўқувчиларни назария дарсларида олган билимларини мустаҳкамлаш имконини беради ва ишлаб чиқариш борасидаги билим ва тажрибаларини такомиллаштиради (*16-расм*).

Одатда ўқув амалиёти 7 кун давом этади ва унга 42 соат ажратилади. Машғулотлар асосан ўқув-тажриба ҳўжалигига ёки бирор илғор ферма шароитида ва ўқув хонасида олиб борилади.

Ўқувчилар томонидан бир қанча амалий масалалар устида ишлар олиб борилади. Жумладан, ҳайвонлар ваз-



16-р а с м. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш меңнат унумдорлигини 4—5 мартага ошириш имконини беради.

нини аниқлаш (тортиш), номерлаш (исирғалаш), маҳсулотини ҳисоблаш, журнallарни тұлдириш, озиқ режасини ва балансини түзиш шулар жумласига киради. Ўқувчилар ўзларининг назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга фермада олиб бориладиган барча амалий, ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқындан танишадилар ва бир вақтни ўзида фермага амалий ёрдам күрсатадилар.

Ўқув амалиёті ва амалий машғулотлар йилнинг исталған даврида олиб бориши мүмкін. Бунда ўқув амалиётини бошлашдан олдин унинг ўтказиш режаси тузилади. Бунда услубий күрсатмалар, хавфсизлик техникаси ва ташкилий масалалар акс эттирилади. Ўқувчиларга нималарга күпроқ эътибор беришлари, кундалык дафтарни қандай тұлшириб бориш, нималарни ёзиш борасыда тушунчалар берилади.

Ўқув амалиётини ўтказышни тахминий режаси (*1-жадвалда*) тавсия этилган. Ундан фойдаланиш мақсадтау мувофиқдир.

Ўқув амалиётининг биринчи куни — барча ўқувчилар ўқув-тажриба хұжалигыда олиб борилаётган турли меңнат, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишишлари мүмкін. Бунда хұжалик (ферма)даги ҳайвонларнинг зоти, миқдори ва сифати, уларнинг маҳсулдорлиги, уни күпайтира олишта қаратылған чора-тадбирлар, жумладан, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш режалари тушунтирилади.

Жадвал тахминий бўлиб, уни исталған томонга ўзгартыриш мүмкін. Лекин унда күрсатилған барча тадбирлар хұжалиқда олиб бориши лозим. Амалиёт режасида күрсатилған, ўқувчиларнинг танишиши лозим бўлган масалалар фақат бир кунга мўлжалланган бўлиши керак.

Ўқув амалиётининг иккинчи кунига мўлжалланилған тадбирлар билан танишиш ва шахсан ўқувчиларни иштирок этишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан, 1) Ҳайвонлар тирик вазнини аниқлаш (уларни тортиш, бунда асосий эътибор бузоқларга қаратылған бўлиши мүмкін). 2) Ҳайвонлар тирик вазнини ортиб боришига кўра уларнинг абсолют ва нисбий ўсишини ҳисоблаш талаб этилади. 3) Бузоқларни ўстириш журналини тўлдириш ишларини ўрганиш режалаштирилади. 4) Ҳайвонларни исирғалаш (номерлаш), қулогини

Үқув амалиётини ўтказиш борасыда тахминий режа

Үқув амалиётини кунлари	Мавзунинг номи, ўқув амалиётини қисқача мазмуни	Үқув амалиётини ўтказиш жойи	Фойдаланиладиган турли хил воситалар	Ишни ташкил этиш
I.	Амалий жиҳатдан моллар экстерьерини, конституция типларини кўз билан чамалаб аниқлаш ва балл асосида баҳолаш. Уларнинг тана ўлчамларини олиш, индексларини ҳисоблаш	Ўқув тажриба хўжалиги	Ҳайвонлар учун ўлчов асбоблари, «Умумий зоотехния» лаборат. китоби, ҳайвонлар	Звено асосида
II.	Молларни тортиш, бузоқларни боқиши журналига ёзиш ишларини бажариш. Ёш молларнинг ўсини ва ривожланиш тезлигини аниқлаш. Абсолют ва нисбий ўсини ҳисоблаш. Молларни тагмалаш, исиргалаш, қулоғини кертиш ва номерлап (лақаб бериш)	Ўқув тажриба хўжалиги	Тарози. Ҳайвонлар. Ведомостлар. Бузоқларнинг ўшиш тезлигини ёзиш журнали	Звено асосида ёки индивидуал ҳолда
III.	Бирламчи зоотехника ҳисоби, ва наслчиллик ҳисоб-китоблари ва уларни форма (бланка)лари билан танишиш. Ҳайвонларни келиб чиқиши бўйича анализ ишларини олиб бориш. Чатиштириш схемасини тузиш	Дарсхона (синф) ёки ферма	Зоотехника ҳисоби ва наслчиллик ҳисоб-китоб маълумотлар (хужжатлар)	Индивидуал ҳолда
IV.	Мавжуд ем-ҳашак миқдорини (ўқув-тажриба хўжалигига) сифатини ва тўйимлигини аниқлаш (озик бирлиги ва ҳазм бўлувчи протеин миқдорига кўра)	Ўқув хонасида ёки фермада	Ўлчов тасмаси (гарамларни ўлчаш учун). Ҳайвонларни озиқдантириш меъёrlари китоби. «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун озиқ меъёrlари» китоби	Индивидуал ҳолда
V. VI.	Ҳайвонларни физиологик ҳолати, ёши ва маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда рацион тузиш. Рацион таркибини ва қийматини аниқлаш. Маҳсулот бирлиги учун сарфланасиган озиқ бирлигини ҳисоблаш (жумладан, ҳар 1 цут, гўшт, жун ва 1000 дона тухум учун)	Ўқув хонаси	—	Индивидуал ҳолда
VII.	Ҳайвонлар учун озиқ режасини ва озиқ балансини тузиш. Ҳайвонларнинг кўк массатга бўлган эҳтиёжини аниқлаш	Ўқув хонаси	—	Звено усулида

кертеш ва уларни тез ва түгри ўқишини аниқлаш ва ўрганиб олиш ҳам талаб этилади.

Қоида бўйича ўқув амалиётини ўтказиш учун ҳар бир гуруҳ икки кичик гуруҳга бўлинниши ва машғулотлар икки нафар ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда ўқувчиларни бир кичик гуруҳи (подгруппа) бузоқларни тортиш ёки ўлчаш ишлари билан банд бўлса, иккincinnisi уларни исирғалаш, қулогини кертиш ёки лақаб бериш билан шуғулланишлари мумкин. Орадан 2 соат ўтгач улар ўрин алмашишлари мумкин.

Ўқитувчилар ўқувчиларнинг ҳаммасини режадаги масалаларни яхши ўзлаштиришга жалб қилишлари ва бирорта ҳам ўқувчини четда қолиб кетмаслигини назорат қилиб борадилар.

Ўқув амалиётининг учинчи куни — ўқувчилар ўқув тажриба хўжалигидаги бирламчи зоотехника ҳисоби билан шуғулланадилар. Бунда ўқитувчи томонидан олдиндан индивидуал ҳолда тайёрланиб қўйилган топшириқлар — ҳайвон авлодларини аниқлаш (бунда давлат наслчиллик китоблари бўлиши маъқул), чатиштириш ва дурагайлар наслий белгилари (қондаги)ни ҳисоблаш ишлари ҳам олиб борилади.


Ўқувчилар ўқув-тажриба хўжалигидаги наслдор ҳайвонларини келиб чиқишини ва уларнинг авлодларини ҳам аниқлайдилар. Машғулот ўқув хоналарида олиб борилади.

Ўқув амалиётининг тўртинчи куни — машғулотлар ўқув-тажриба хўжалигига ва ўқув хоналарида олиб борилади. Бунда шуғулланиш учун ўқув-тажриба хўжалигидаги ем-хашак миқдори, уларнинг ҳосилдорлик кўрсатгичлари ва барча маълумотлар олинади.


Ўқувчилар ем-хашакларнинг сақданиши, сарфланиши, сифати ва улар таркибидаги озиқ бирлиги, ҳамда ҳазм бўлувчи протеин миқдори билан танишадилар ва ҳисоблаш, аниқлаш ишларини олиб борадилар. Хўжалик шароитида эса дағал озиқларни сақланиши, пичан гарамларини бир-биридан узокўлиги, қор ва ёмғирдан сақлаш талбирлари тўғрисида малака ҳосил қилалилар. Бунда сомон, беда пичани, силос, пичанни ботаник таркиби ва ҳ.к.лар аниқланилди ва кундалик дафттарга ёзib борилади (*17 ва 18-расмлар*).

Ўқув амалиётининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи кунлари — ўқув машғулотларини «иш ўйини шаклида»

(деловые игры) олиб бориши мүмкин. Бунда кабинет мудири раҳбарлигига зоотехника тұғарғы аъзолари билан биргаликта аввалдан тайёрлаб қўйилган индивидуал топшириқлар бажарилади. Бунда турларига қўра молларнинг миқдори, ёши, маҳсулдорлиги, жами етишириладиган маҳсулот, экин майдонлари, ҳосилдор-



17-р а с м. Силос учун уриб олинаётган маккәжӯхори кўк массаси.



18-р а с м. Қишлоғ учун жамғаріб қўйилтан, прессланган пичан ғарами

лик ва 1 ц ем-хашакнинг таннархи каби маълумотларни бўлиши талаб этилади.

Зоотехник сифатида бундай топшириқларни олган ҳар бир ўқувчи озиқ режасини ва балансини ҳисоблаб чиқади.

Хўжаликдаги ҳайвонларни кўк массага бўлган кундалик эҳтиёжи ҳам ҳисоблаб чиқилади. Хўжаликдаги мавжуд ем-хашак турларига кўра баланслаштирилган рацион тузилади. Барча тур ҳайвонлар учун бир суткада қанча миқдорда ем-хашак сарфланишини ва унинг қиймати ҳисобланади. Бунда ем-хашак таркибидаги озиқ бирлиги, ҳазм бўлувчи протеин, минерал моддалар ва каротин миқдори ҳам назарда тутилади.

Ўқитувчи ўқувчиларни ҳисобот дафтарларини йиғишириб олади ва фақатгина уни баҳолаш билан чекланиб қолмасдан, ҳар бир ўқувчини ўз ҳисоботини ларс жараёнида ҳимоя қилишга ундайди. Бунинг учун у ўқувчиларга 2—3 кун вақт беради. Ҳимоя жараёнида айrim тортишувлар, савол-жавоблар бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шундай қилиб, ўқувчиларни ўқув амалиёти ўз ниҳоясига етказилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ

**«ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ҲАЙВОНЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАРИНИ ТЎГРИ
ОЗИҚЛАНТИРИШ»
мавзунини ўтиш услуги**

Мавзунинг мазмуни

Ушбу мавзу обзор тариқасида, ўқувчилар эътиборини қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларини озиқлантириш масалаларига қаратилган. Бунда асосий мақсад озиқлантириш усуллари билан барча ўқувчиларни таништиришдан иборат.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлиги даставвал уларнинг генотиплари, озиқлантириш даражаси ва усуллари, ҳамда тўғри сақлаш тадбирларига боғлиқ.


Мавзуни ўзлаштириш борасида ўқувчилар ҳайвонларни тўла қимматли озиқлантиришни уларни ўсиш ва ривожланишига, маҳсулдорлигига, уччишига, серпуштлигига ва ниҳоят саломатлигига бўлган таъсири тўғрисида тушунчага эга бўладилар (*19-расм*).

ДАРСНИ МАЪРУЗА УСУЛИДА ЎТИШ

**Озиқ маҳсулотларини кўпайтиришда ҳайвонларни
тўғри озиқлантиришнинг аҳамияти**

Асосий мақсад. Ҳайвонларни генетик (ирсий) потенциали даражасида маҳсулдорлигини оширишда озиқлантиришни роли ва тутган ўрнини кўрсатиб бериш.

Ўқитиш усули. Маъруза.



19-р а с м. Молларни боқиши ва сақлаш технологияси:

- 1 — меңгер ривожланган бөйли танача.
- 2 — бузоқларни 3 ойлигидан бөйлигиге қадар боқиши.
- 3 — бузоқларни боғламасдан гүрухлаб парваришилаш.
- 4 — бузоқларни тор җажмали катақларда сақлаш.
- 5 — бузоқларни 2—3 ойлик бүлгүнчә катақларда сақлаш.
- 6 — бузоқларни индивидуал катақларда боқиши ва сақлаш.
- 7 — бузоқларни эркін ҳолда боқиши ва сақлаш усули.
- 8 — сигирларни бокс усулида боқиши ва сақлаш.

Күргазма воситалари. Жадваллар: «Бузоқларни жадал усулда озиқлантиришида уларни ўсиш ва ривожланиш тезлиги», «Новвосларни турли хил озиқ рационлари билан боқиши натижалари», «Бройлер жўжаларини жадал усулда боқиши», «Ҳайвонларнинг биологик потенциали», «Одамларнинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи», «Ҳайвонларнинг озиқлантириши фани» ривожига улкан хисса кўшган олимларнинг расмлари (И. П. Павлов, Е. А. Богданов, М. И. Дъков ва ҳ.к.лар).

Дарснинг мазмуни ва уни олиб бориш. I. Ташкилий томонлар (йўқлама қилиш ва ўқувчиларни дарсга тайёрлиги).

II. Ўқувчиларни маъруза режаси билан таништириш ва уни доскага ёзиб қўйиш: а) Чорвачиликни ривожлантиришда ем-хашак базасини барқарорлигининг роли ва аҳамияти. б) Сут, гўшт, тухум маҳсулотларини кўпайтиришда ҳайвон ва паррандаларнинг тўғри озиқлантиришни тутган ўрни ва аҳамияти. в) Ҳайвонларни тўғри озиқлантиришда фаннинг тутган ўрни. г) Ҳайвонларни озиқлантириш фанини бошқа биологик (микробиология, ўсимликшунослик, физиология ва ҳ.к.) фанлар билан алоқадорлиги.

III. Маълумотларни етказиб бериш. Ўқитувчи чорвачиликдан енгил саноат учун қандай хомашё этиштириб бериш тўғрисида қисқача аҳборот беради. Аҳолини турли хилдаги озиқ-овқат билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги тутган ўрни ва хусусий чорвачиликни роли тўғрисида тўхталади. Одамларнинг чорва маҳсулотларига, жумладан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум ва тухум маҳсулотлари, шунингдек, асал, балиқ маҳсулотларга бўлган ва кун сайин ортиб бораётган эҳтиёжлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади.

Ўқитувчи «Ҳайвонларни озиқлантириш» фанини тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида ҳам тушунча беради.

Ҳайвонларнинг тўйимли озиқ моддаларига бўлган эҳтиёжи тўғрисида тўхталиб, бу борада бирқанча фанлар (иқтисодиёт, механизация, ва автоматлаштириши)ни кўмак беришини тушунтириб беради.

Маъруза сўнгидаги ўқитувчи ушбу бўлимни ўзлаштириш усуллари тўғрисида фикрлар билдиради ва дарсни якунлайди.

Уйга топшириқ. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния» (дарслик). Москва. «Колос». 1976. (218—223-бетлар).

«ЕМ-ХАШАК ТҮЙИМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ ВА ПАРРАНДАЛАРИНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ» МАВЗУИНИ ЎТИШ УСУЛИ

Ем-хашак турларини кимёвий таркиби ва тўйимли моддаларни ҳайвон организмига таъсири

Ҳайвонларни озиқлантириш фанини такомиллаштириб боришида ем-хашак турларини тўйимлилигини аниқлаш натижалари салмоқли ўрин тутган. Чунки ҳайвонлар учун маълум турдаги тўйимли моддалар ва элемментлар талаб этилади. Бундай ҳолат мутахассислар учун ем-хашак турларидан (уни таркибини билган ҳолда) унумли фойдаланиш имконини беради.

Тарихий жиҳатдан ем-хашак турларини баҳолашда уларнинг кимёвий таркибига кўра белгилаш усулидан фойдаланилган. Кейин озиқ турларидағи тўйимли моддалар миқдорига ва ҳазм бўлишига кўра баҳолай бошладилар. Сўнгра озиқ тўйимлилигидан олинадиган энергия миқдорига кўра баҳолайдилар. Лекин, ем-хашакнинг барча хусусиятини ифодалаб беришда уларнинг умумий тўйимлилиги билан чекланиш нотўғри ҳисобланади. Бошқача айтганда, унинг таркибидаги протеин, минерал моддалар ва витаминлар миқдори ва турларини аниқлаш талаб этилади.

Ўқувчилар экин майдонларидан қанча тўйимли моддалар этиштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини билишлари лозим.

«ЕМ-ХАШАКЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА АНОРГАНИК МОДДАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ» мавзууда дарс ўтиш услуби

Асосий мақсад. Ем-хашак ва ҳайвон танасининг кимёвий таркибини аниқлаш ва бу борада малака ҳосил қилиш. Озиқ моддалар тўйимлилигини кимёвий таркибига кўра баҳолаш. Майдон бирлиги ҳисобига этиштирилган тўйимли моддалар миқдорини аниқлаш.

Дарс ўтиш услуби. Сухбат, маъруза, тушунча бериш.

Кўргазма воситалари. Ўсимлик ва ҳайвон танаси-

нинг кимёвий таркиби схемаси: «Ем-хашак ва ҳайвон танасини умумий таркиби», «Ем-хашак ва ҳайвон танасини минерал таркиби».

Дарс мазмуни ва уни олиб бориш. I. Ташкилий қисми (йўқлама қилиш, ўқувчиларни дарсга тайёр бўлиши).

II. Олдин ўтилган дарсни қандай ўзлаштирилганликларини аниқлаш.

III. Янги дарс материаллари билан таништириш.

IV. Дарсни яхши ўзлаштирилганлигини аниқлаш.

Олдинги ўтилган дарсни қандай ўзлаштирилганликларини аниқлаш учун қўйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш фани нималарни ўргатади?

2. Ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини оширишда ушбу фаннинг роли ва тутган ўрни.

3. Ҳайвонларнинг гўшт, сут маҳсулдорлигини оширишда ва урчиш даражасини яхшилашда «Озиқлантириш фани»нинг роли ва аҳамияти.

4. Бу фаннинг ривожланишига салмоқли хисса қўшган олимлар кимлар?

5. Бу фан олдидаги турган асосий муаммолар нималардан иборат?

Шундан сўнг ўқитувчи янги дарс режасини ва уни ўтиш усули тўғрисида қисқача тушунча беради. Режа қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Ем-хашак тўйимлилиги тушунчаси.

2. Ем-хашак ва ҳайвон танасининг кимёвий таркиби.

3. Тирик организмлар ҳаётида сувнинг аҳамияти.

4. Макро- ва микроэлементлар тўғрисида тушунча.

Дарсни озиқ моддаларнинг тўйимлилигидан бошлаш мумкин. Сўнгра ўқувчиларга савол бериш мумкин, яъни «энг сўнгти маълумотларга кўра Д. И. Менделеев жадвалида қанча модда рўйхати мавжуд?» Буни ўқувчилар химия фанидан билишлари лозим.

Ҳаёт учун қандай моддалар ниҳоятда зарурлигини ўқитувчи тушунтириб беради. Бунда у қўйидаги жадвал матълумотларидан фойдаланиши мумкин (*2-жадвал*).

Ўқитувчи ўқувчилар эътиборини ўсимлик ва ҳайвон организмидаги минерал моддалар миқдорига қаратган ҳолда савол беради. «Айтингларчи, минерал мод-

2-жадвал

**Ўсимлик ва ҳайвон танасини кимёвий таркиби
(И. С. Попов мәлдүмологиянын)**

Организм	Организм таркибидагы учрайди (%):				
	Углерод	Кислород	Водород	Азот	Минерал моддалар
Ўсимлик	45	42,0	6,5	1,5	5,0
Новвос	63	13,8	9,4	5,0	8,8

далар миқдори ўсимлик танасидами ёки ҳайвон танасидами күпроқ ва нима сабабдан?» У жавоб олғағач, жадвал мәлдүмологиялық асосида түшүнчө беради ва ўсимлик билан ҳайвон танаси таркибидагы бирмунча ўхшашкылдар мавжудларын күрсатади.

Ўсимлик ва ҳайвон танасида сув миқдорини қанча ураши түғрисида түшүнчө берилади. Бундай мәлдүмологиялық ўкувчилар «Қишлоқ хұжалик ҳайвонларыннан анатомиясы ва физиологиясы» фанидан үтгандардың бүлишлары керак (3-жадвал).

3-жадвал

Ўсимлик ва ҳайвон танасида органик ва минерал моддаларынын миқдори (%)

Моддалар:	Ўсимликтар танаси				Ҳайвон танаси			
	Беда пичани	Лавлаги	Арпа	Күнжара	Новвос	Күй	Чүчқа	Бузоқ
Сув	16,0	88	14	9	56	54	44	73
Протеин	17,5	1	9	36	18	19	13	18
ЕF	1,7	0	2	21	20	22	39	4
Азотсиз экстр. модда	32,9	9	68	23	1	1	1	1
Клетчатка	22,7	1	4	14	—	—	—	—
Кул	9,2	1	3	7	5	4	3	4

Табиатдаги барча минерал моддалар икки гуруга яъни макро- ва микрозлементларга бўлиниши ўқитувчи томонидан тушунтирилиб берилади (4-жадвал).

4-жадвал

Ўсимлик ва новвос танасида мавжуд бўлган айрим минерал моддаларнинг миқдори

Организм (тана):	Мине- рал модда- лар. Жами:	Минерал моддалар (%):					
		Шу жумладан:					
		Каль- ций	Фос- фор	Калий	Нат- рий	Олтин- гугурт	Маг- ний
Ўсимлик	3,1	0,35	0,06	0,55	0,33	0,20	0,19
Новвос	4,6	1,55	0,83	0,17	0,11	0,03	0,17

Дарс сўнгига савол-жавоб ишлари олиб борилади ва ўқитувчи дарсга якун ясади.

Ўйга тошириқ. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния». Москва. Колос. 1976 (223—225-бетлар).

**«ЕМ-ХАШАК»
мавзунин ўтиш усули**

Мавзу мазмунни. Ушбу мавзу ниҳоятда муҳим ҳисобланиб, ўқувчиларни турли хилдаги ем-хашаклар мавжудлиги ва улардан чорвачилик тармоқларида кенг фойдаланиш усуслари борасида малака ҳосил қиласди. Маълумки, ем-хашак турлари ниҳоятда кўп ва турли-туман бўлиб, фойдаланиш борасида ҳар хил технологик тадбирлар ёрдамида дастлабки ишлов берилади.

Ем-хашак турлари ўзларини келиб чиқиши ва биологик хусусиятларига кўра гуруҳларга бўлиб ўрганиш бирмунча самарали ҳисобланади. Жумладан, кўкат озиқлар, серсув ва дағал озиқлар, ем-озиқлар, озиқ-овқат саноати чиқитлари, хайвонлардан олинадиган озиқ турлари, кимёвий ва биокимёвий моддалар ҳамда омухта ем-озиқларни кўрсатиш мумкин.

Озиқ турлари номларини билиш билан бирга уларнинг тўйимлилиги, сифатини баҳолаш, тайёрлаш ва

сақлаш усуллари, ҳайвонларга егизишдан олдин уларга дастлабки ишлов бериш ва ҳайвонларнинг ёши, вазни, маҳсулдорлиги, физиологик ҳолати ва бошқа хусусиятларига кўра озиқ турларини меъёрлаб бериш тадбирларини билиш талаб этилади.

Ўқувчилар сўзсиз ҳар бир ем-хашак тури таркиби, тўйимлилиги организмга таъсири, иқтисодий самара-дорлиги, уларни тайёрлаш усулларини билишлари шарт. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни тарбиявий ишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«ЕМ-ХАШАК ВОСИТАЛАРИ» мавзуини ўтиш усули

Асосий мақсад. Ўқувчиларни ем-хашак воситалари ва кўк озиқлар хусусияти билан таништириш.

Ўқитиш усули. Маъруза, сухбат, тушунтириш.

Кўргазма воситалари. Жадваллар: «Ем-хашак турлари», «Кўк озиқларнинг кимёвий таркиби ва тўйимлилиги», «Яйлов ўсимликлари», «Маданийлаштирилган (сугориладиган) яйловлардан фойдаланиш самарадорлиги» кабилар бўлиши шарт.

Дарснинг мазмуни ва ўтилиши. I. Ташкилий томонлари (ўқувчиларни дарсга тайёрликлари).

II. Янги ўқув материаллари билан ўқувчиларни таништириш.

Дарс режаси. 1. Ем-хашак турлари билан танишиш. 2. Кўк озиқ. 3. Яйловнинг табиий ўсимликлари. 5. Яшил конвейер. 6. Гидропон ўсимлиги.

Ем-хашак турлари ва шахсан кўк ўт тўғрисида сўз юритилар экан, уларнинг келиб чиқиши, серсувилиги, тўйимлилиги тўғрисида гурухларга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шуни унумаслик лозимки, кўк ўт қуритилгач уни таркибидаги қуруқ модда ўз таркибига кўра ем озиқларга деярли тенглашиб қолади. Жумладан, кўк ўт қуруқ моддасида 20—25% протеин, 10—16% клетчатка, 4—5% ёғ, 35—50% азотсиз қуруқ ўтдаги протеин тўлақимматли ҳисобланади. Унда провитамин А (каротин) ҳам кўп учрайди. Яъни 1 кг ўт пичанида 70 мг каротин бўлиши аниқланган.

«ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ТҮЙИМЛИК МОДДАЛАРГА БҮЛГАН ЭХТИЁЖИ» мавзусини ўтиш усули

Дарснинг мазмунни. Ўқувчилар ем-хашак турлари тўғрисида маълум тасаввурга ва малакага эга бўлганла-ри ҳолда, энди қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг тўйим-ли моддалар миқдорига бўлган эҳтиёжлари устида тўхта-лиш мумкин. Бу борада бир неча саволларни вужудга келиши табиийдир. Масалан, 1) Қандай усуllар ёрда-мида ҳайвонларни тўйимли моддаларга бўлган эҳтиё-жини аниқлаш мумкин? 2) Бундай эҳтиёжга таъсир этувчи омиллар нималардан иборат? 3) Асосий омил-лар нималарга боғлиқ?

Ҳайвонлар ҳар куни бир неча маротабадан озиқ-лантирилади, бинобарин, уларни озиқ моддалар тўйим-лигини миқдорига бўлган эҳтиёжини аниқлаш мум-кин. Маҳсулот бермайдиган, ўсиш ва ривожланишдан тўхтаган ҳайвонларнинг минимал даражада озиқ ис-теъмол қилиши уларни саломатлигини сақлашга қара-тилган бўлади. Агар маҳсулот (сут, тухум, жун ва гўшт) берувчи ҳайвонларни вазни, маҳсулот миқдори, фи-зиологик ҳолати кабилар ҳисобга олинган ҳолда меъёр даражада ем-хашак билан таъминланади. Бундай ҳол-ларда ҳайвон ва паррандаларнинг протеин ва амино-кислоталарга, макро- ва микроэлементларга, витамин ва бошқа тур элементларга бўлган эҳтиёжини ҳам ҳисоб-га олиш талаб этилади.

«САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАЙДИГАН, МАҲСУЛДОРЛИГИНИ КЎПАЙТИРАДИГАН ВА ЭМБРИОННИНИ МЕЪЁР ДАРАЖАДА ЎСИБ-РИВОЖЛANIШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ЕМ-ХАШАК МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ» мавзуини ўтиш усули

Асосий мақсад. Ҳайвонлар саломатлигини сақлай-диган, маҳсулдорлигини оширадиган ва эмбрионини ривожлантиришга қаратилган ем-хашакка бўлган эҳ-тиёжларини аниқлаш усуllари билан ўқувчиларни та-ништириш.

Ўқитиш усули. Суҳбат тариқасида маъруза.

Кўргазма воситалари: Жадваллар «Она бачадонида ривожланишнинг асосий даврлари , «Она бачадонида

эмбрион вазнининг ўзгариб бориши», «Ҳайвонларни туғилганида тана таркиби», «Бўғоз ҳайвонларнинг тўйимли моддаларга бўлган талаби», «Сигирлар сути ва қон плазмаси (зардоби) таркиби» кабилар.

Дарснинг мазмуни. 1. Ташкилий қисми.

II. Янги материалларни эълон қилиниши. Режадаги асосий масалалар: 1) Ҳайвонларни тўйимли моддаларга бўлган талабининг аниқлашнинг аҳамияти; 2) Саломатлигини сақлаш учун минимал даражада тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжи; 3) Маҳсулот етиштириб берадётган ҳайвонларнинг тўйимли моддаларга бўлган талаби; 4) Бўғоз ҳайвонларнинг тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжи шулар жумласидандир.

Маъруза бошлишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларга савол беради: «Айтинглар-чи, ҳайвонларнинг тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжини билиш шартми? Агар шарт бўлса, нима учун? Яхиси, ҳайвонлар ўzlари билганича ва тўйгунча, ўзи хоҳлаган ем-хашакни искеъмол қиласерса бўлмайдими? Биз эсак, уларни турли озиқлар билан ўйиб ташласак...

Афсуски йўқ, бундай қилиш мутлақо ярамайди. Ҳайвонларнинг муайян физиологик ҳолати, маҳсулдорлиги ва генетик потенциали маълум миқдорда ва турдаги озиқлар беришни тақозо этади.

Ҳайвонларга бериладиган ем-хашак таркибида тўйимли моддалар етарли бўлмас экан уларнинг маҳсулот бериси сусайиб кетади».

Рациондаги моддаларни барча кўрсаткичлар бўйича **балансланмаганилиги**, ем-хашик тўйимлиларини тубан даражада бўлиши бир вақтнинг ўзида ҳайвон саломатлигини ёмонлаштириб юборади ва иқтисодий талофатларга сабабчи бўлади.

Ҳайвонларнинг тўйимли моддаларга бўлган эҳтиёжи уларнинг бир қанча кўрсаткичларига боғлиқ эканлиги кўплаб тажрибаларда кузатилган. Масалан, ҳайвонларнинг насли, жинси, ёши, физиологик ҳолати маҳсулдорлик даражаси, тирик вазни, сақлаш усули ва улардан фойдаланиш тадбирлари билан белгиланини аниқланган.

Ўқитувчи ўз маърузасини тўла қимматли ем-хашакни бўғоз ҳайвонлар ва юқори маҳсулдорликка эга бўлган моллар учун ниҳоят муҳимлигини мисоллар билан тушунириб бериси лозим.

Ўйга топшириқ. В. М. Куликов, Ю. Д. Рубан. «Общая зоотехния». (дарслик). Москва. Колос. 1976 (376—383 ва 391—399-бетлар).

ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

«Умумий зоотехния» хонаси (кабинети)да қуидаги тадбирлар амалға оширишга қаратылған:

1. Үқувчиларни зоотехния фанини ўргатышга ва шу соҳадан малака ошириш. 2. Дарс жараёнларини керак-ли асбоб-ускуна ва күргазма воститалари билан таъминлаш. 3. Зоотехния бүйіча үқувчилар билимини ҳам назария ва ҳам амалиёт билан бойитиш. 4. Үқувчиларни хұжалик зоотехникларини амалий ишлари билан яқындан таништириш ва бу мутахассисликка үқувчиларда меҳр ва ҳұрматтудың үйретіш. 5. Чорвачиликдегі илғорлар тажрибасини ҳар томонлама көнг ташвиқтот ва тарғибот қилиш.

6. Үқувчиларни тажриба ишларига күпроқ жалб қилиш ва уларда меҳнат маданияттегі кучайтириш.

Юқорида номлари қайд қилинған масалалар бүйінча «Умумий зоотехния» хонасини үқув йили бүйічі ва бир ойлик иш режаси түзилади. Йиллик иш режасига асосланиб түзилған ойлик иш режаси ва ўқытуvчиларни шахсий режалари бу хонадан унумли фойдаланиш имконини беради. Бундай масалалар (режалар) ахбороттар доскасига осиб қойилади (5-жадвал).

5-жадвал

«Умумий зоотехния» хонасinessин тәхминий иш режаси

№	Ассоций тадбирлэр номи	Бажа-рим шақты	Бажарыпта маңызулық кипи	Натижә
1.	«Умумий зоотехния» тұғаралының ташкил этиш. Тұғаралық раиси ва редколлегиясини сайлаш	15.X.	Кабинет (хона) мудири	
2.	«Зоотехния» деворий газетасини	Ойига	Тұғаралық	

5-жадвалнинг давоми:

1	2	3	4	5
	ва «Ҳайвонот дунёси» ахборотномасини чиқариш.	бир марта	редколлегияси	
3.	Тўғарак мажлисини ўтказиш	Ойига 1—2-марта	Кабинет мудири ва ўқитувчилар	
4.	«Ем-ҳашак ишлаб чиқариш ва чорвачилик янгиликлари» деб номланган стенд тайёрлаш ва уни вақти-вақти билан янгилик турини.	Доимий ҳолда	Ўқитувчилар ва тўғарак аъзолари	
5.	Кабинетда доимий ҳолда «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчиши», «Умумий зоотехния», ва «Чорвачилик» фан-ларидан консультация ишларини олиб бориши.	Иш графиги асосида	Тармоқлар бўйича ўқитувчилар	
6.	Кабинетни янги плакатлар ва стендлар билан бойитиши. Эскіларини таъмирлаши. Мулжаллар билан таъминлаш (ҳар бир ўқитувчи йил давомида бешта плакатни тайёрлаш мажбурияти берилади).	Йил давомида.	Ўқитувчилар ва тўғарак аъзолари	
7.	Дарс хонасини керакли техника воситалари билан таъминлаш (автоматлаштириш, киноаппарат ўрнатиш, «Лэти» ёки «Протон» диапректорини топиш ва жойлаштириш)	Март	Кабинет мудири ва тўғарак аъзолари	
8.	Электрлаштирилган стенд тайёрлаш. Жумладан «Вилоят туманларида қишлоқ хўжалик ҳайвонларини районлаштириш» деб аталиши мумкин.	Ноябрь	Тўғарак аъзолари, ўқитувчилар	
9.	«Вилоятни илгор чорвадорлари» деб номланган стенд тайёрлаш.	Февраль	Тўғарак аъзолари, ўқитувчилар	
10.	Ўқитувчиларни ҳукуқий тарбия-	Октябрь	Кабинет	

I	2	3	4	5
11.	<p>си борасида ва қышлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир маълумотларни намойиш этиш.</p> <p>Коллежни ўқув-тажриба хўжалиги билан алоқани мустаҳкамлаш ва уларга зоотехния масалаларида ёрдам (кўмак) бериш.</p> <p>а) Назорат соғимини ўтказишида ва таркибидаги ёф миқдорини аниқлашда қатнаниш.</p> <p>б) Ҳайвонларни ўсиши ва ривожланишини аниқлаш мақсадида тортиш ишларида қатнашиш.</p> <p>в) Соғувчиларни иш жойларида унга тегишли сигирлар бўйича, соғишдан чиқариш, туғиш ва уруғлантириш графикларини осиб кўйиш.</p> <p>г) Хўжаликда барча ёшдаги ва турли жинсдаги ҳайвонларга рацион тузиш ишларида қатнашиш.</p> <p>д) Ферма ходимлари билан доимий ҳолда зоотехнияга доир масалалар бўйича сұхбат ўтказиш.</p> <p>е) Зоотехникавий ва наслчиллик ҳисобларини, молларни тамғалаш, исирғалаш, номерлаш, лақаб бериш, сигирларни индивидуал карточкаларини тўлдириш ишларида ёрдамилашиш.</p> <p>ж) Ем-хашак тайёрлаш, тарқатиш ва тежамли сарфлаш ишлари бўйича кузатиш ишларини олиб бориш.</p> <p>з) Ем-хашак жамғариш ва уларни тўғри, талаб асосида саклаш ишларини кузатиш.</p>	Доимий ҳолда	мудири, тўғарак аъзолари	Ўқитувчилар, тўғарак аъзолари

5-жадвалнинг давоми:

1	2	3	4	5
12.	Тўғарак аъзоларини илфор қишлоқ хўжалик ходимлари билан учрашув ўтказиш (йил давомида камида икки марта).	Октябрь	Кабинет мудири ва ўқувчилар	
13.	Зоотехния масалалари бўйича айрим яқин хўжаликларига ёрдам кўрсатиш.	Йил давомида	Ўқитувчилар ва тўғарак аъзолари	
14.	Ўқув йили давомида камида иккита маъруза ўқиб бериш, беш марта дарсларга кириш, бир марта тўғарак машгулотини ўтказиб бериш.	Ойлик режа асосида	Ўқитувчилар	
15.	Ем-хашак турлари бўйича маълумотлар тайёрлаш ва уларни жиҳозлаш.	Октябрь	Ўқитувчилар ва тўғарак аъзолари	
16.	«Ҳайвонларни урчитиш ва кўпайтириш», фанидан лаборатория ва амалий машгулот ўтказиш учун индивидуал топшириқ тайёрлаш ва бажариш.	Октябрь	Ўқитувчилар ва тўғарак аъзолари	
17.	«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини пайдо бўлиши» ва «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ўсиши ва ривожланиши» мавзууда диапозитив тайёрлаб бериш.	Январь	Ўқитувчилар.	
18.	«Академик М. Ф. Иванов — зоотехния фанининг буюк наимояндаси» номда зоотехния кечасини ўтказиш.	Апрель	Кабинет мудири, ўқитувчилар ва тўғарак аъзолари	
19.	«Ўзбекистоннинг етук чорвадор олимлари», мавзууда кеча ўтказиш.	Май	—	
20.	Кабинетдаги чорвачилик бўйича адабиётлар бурчагини ташкил этиш ва уни турли янтиликлар, брошюралар, ахборотномалар ва янги китоблар билан бойитиш.	Доимий ҳолда	Кабинет мудири	

Кабинетнинг йиллик иш режаси — фан комиссияси томонидан тасдиқланади. Иш режаси қуийдаги тадбирларни ўз ичига қамраб олади 1. Ташкилий масалалар. 2. Кабинетни талаб даражасида жиҳозлаш. 3. Илгор тажриба ва фан янгиликлари ташвиқот ва тадқибот қилиш. 4. Ўқувчиларнинг техникавий ижоди. 5. Ўқувчиларнинг тажриба ишлари. 6. Кабинетни ишлаб чиқариш билан алоқадорлиги. 7. Услубий ишлар шулар жумласидандир.

«ЗООТЕХНИЯ» ТҮГАРАГИ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маълумки, ҳозирги замонда тайёрланаётган ёш кадрларни билим даражасига ва қобилиятига бўлган талаб кун сайн ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам коллежни муваффақиятли тутатган ўрта звено мутахассислар фақатгина назарий ва амалий билимлар билан чекланиб қолмасдан, ўз касблари бўйича чорвачилик тармоқларини тобора жадал ривожлантириш, уни та-комиллаш ва жадаллаштириш тадбирларини олиб бориша жонбозлик қилишлари лозим.

Ишлаб чиқаришга билимдон, серҳаракат ва ҳар бир ишга ижодий ёндашувчи мутахассислар талаб этилади. Айрим ҳолларда ўз касбини яхши билувчи, лекин уни севмайдиган ва ҳар бир ишга хўжакўрсинга ёндашувчи кадрлар ҳам учраб туради. Бу борада ҳеч қачон касбга ижодий ёндашиш тўгрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки чорвадор меҳнати уларга ҳеч қачон мағурланиш, касбни ардоқлаш, унга вижданан ҳурмат билан қараш ва севинч туйғуларини бермайди.

Оксак даражадаги меҳнатсеварлик ва ўз касбини жонкуяри бўлиш **тарбиясиз** ўз-ўзидан келмайди. Бино-барин, келажак мутахассисларда меҳнатсеварлик, Қўйилган мақсадга эришиш учун интилиш ва ташкилотчилик хислатларини кучайтириш ва тарбиялаш лозим. Бу борада маҳсус фанлардан ташкил этилган ўқувчиларнинг тўгараклари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Тўгарак ишларидан асосий мақсад — ўқувчиларда ўз касбини тўгри тушиниш, уни севиш ва ардоқлаш, ҳамда ўз билими, малакасини чуқурлаштириш, мустақилликка ўрганиш, кузатиш ва текшириш ишларига мосланиш

каби хислат ва бу ҳолатларини намоён этишдан иборатdir.

«Зоотехния» тўгарагига аъзолик асосан ўқувчиларни иккинчи курсидан бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тўгарак ўз ишини, ўз фаолиятини ўқув йилига мўлжалланган ва тасдиқланган режа асосида олиб боради (б-жадвал).

б-жадвал.

Тўгаракнинг тахминий режаси

№	Тадбирларнинг номи:	Ўтказиш вақти	Масъулиятли киши	Натижা
1.	Ташкилий масалалар бўйича мажлис ўтказиш. Тўгарак режасини тасдиқлаш, раисини сайлаш, редколлегия аъзоларини тасдиқлаш.	15.X.	Кабинет мудири, ўқитувчилар ва тўгарак аъзолари	
2.	Тўгарак йигилиши.	оийга 1—2 марта	—	
3.	«Хайвонот дунёсида» деб номланган маълумотнома ёки деворий газета чиқариш.	Ойига бир марта	Тўгарак ред. коллегияси	
4.	Зоотехнияга тааллуқли ва қизиқарли янги маълумотларни тўплаш.	Доимий ҳолда	Тўгарак фаоллари	
5.	Тўгарак аъзоларига қўйилаги мавзуларда доклад қилиш топширилади: — фермер хўжаликлари шароитида чорвачиликни ривожлантириш. — Ўзбекистондаги етук чорвадор олимлар — Узоқ умр кўриш муаммолари: уйқу ва туш кўриш — Ўзбекистонда қоракўлчилик ривожланиши Докладлар серияси: «Чорвачиликда кимё» (антибиотиклар, витаминлар уларнинг аҳамияти) ва тутган ўрни.	Октябрь Ноябрь Декабрь Январь	Ўқувчилар Ўқувчилар Ўқувчилар Ўқувчилар	
		Апрель Май	Ўқувчилар	

1	2	3	4	5
6.	Суҳбатлар ўтказиш: — Ўзбекистоннинг буюк био- лог олимлари — Туман ва вилоятдаги энг улут инсонлар билан учрашув ўтказиш — «Ёшлилар ва келажак» мавзу- ида дўстлик тортишуви	Декабрь Январь Ноябрь	Ўқувчилар Ўқувчилар Ўқувчилар	
7.	Коллежни битириб кетган ўқув- чилар билан учрашув ўтка- зиш	Март	Кабинет мудири	
8.	Бирор илфор хўжаликка экс- курсия ташкил этиш	Апрель	Кабинет мудири, ўқитувчилар	
9.	Ўқув-тажриба хўжалиги билан мустаҳкам алоқа ва боғланиш- да бўлиш, уларнинг барча иш- лаб чиқариш тадбирларида фаол қатнашиш	Доимий холда	Ўқитувчилар ва тўгарак аъзолари	
10.	Чорвачиликни ривожлантириши омиллари тўғрисида йирик ва таникли мутахассислар билан учрашув ўтказиш.	Декабрь Январь Март	Тўгарак аъзолари	
11.	«Умумий зоотехния» ўқув ка- бинетидаги жадвал, стенд ва плакатларни тамирлаш ишла- рида иштирок этиш.	Доимий холда	Тўгарак аъзолари	
12.	Тўгарак ишларини якуни бўйи- ча ҳисобот бериш, ташкилий масалалар, талаб этилса янги таркиб сайлаш.	Октябрь	Тўгарак раиси, аъзолари ва ўқитувчилар	

Тўгарак режасида асосий тадбирлар ва бажарилиши лозим бўлган масалалар баён этилади. Жумладан, ўқув хоналарини жиҳозлаш, кўрсатма воситаларини тайёрлаш, докладлар мавзуси ва уларни муҳокама қилиш, тажриба ишларига қатнашиш кабилар бунга мисол бўлиши мумкин.

Тұғарак йигилишларида йирик мутахассисларни, улуғ инсонлар сұхбатини әшитадилар. Шунингдек, коллежнің тутатиб кетген мутахассислар билан учрашувлар үтказилади.

Тұғарак аъзолари ўқув хоналаридаги эскирган айрим жадвал, стенд ва плакатларни таъмирлаш ишларида қатнашадилар. Улар «Хайвонот дүнёси», «Чорвачиликдеги янгиликлар», мавзууда деворий газеталар чиқарадилар.

Тұғарак аъзолари бирор илғор хўжаликка эксперсияга олиб борилади ва уларни тұплаган барча таассуратлары бўйича савол-жавоб ва тортишув ишлари олиб борилади.

Умуман, тұғарак ишларини шундай олиб бориш лозимки улар ҳеч қачон ўқувчиларни кундалик ўзлаштириш ва ўқув ишларига салбий таъсир кўрсатмасин. Бошқача қилиб айтганда ўқувчиларни вақтини етарли бўлиши ҳисобга олинади.

Тұғарак йиғлиши асосан ойига бир марта ва камдан-кам ҳолда икки марта үтказилиши мумкин. Хулоса қилиб айтилса, тұғарак ишлари ўқувчиларни билими-ни бойитишга, дарсни яхши ўзлаштиришга, чорвачилик борасида дунё янгиликларидан хабардор бўлишда ва қолаверса таълим-тарбия ишларини юқори даражада бўлишини ва уларни мустаҳкамлаш имконини бериши лозим.

Чорвачиликдан тажриба ишларини ташкил этиш тадбирлари

Коллежлар шароитида ўқувчилар томонидан тажриба ишлари ўқув-тарбия жараёнларининг ажralmas қисми ҳисобланади. Бунда бир вақтни ўзида бир неча масалаларни ҳал қилиш мумкин. Жумладан, назарияни амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб бориш, амалий ишларни онгли ҳолда бажариш, меҳнатга ижодий ёндошиш, фан янгиликлари ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш шулар жумласидандир.

Ўқувчилар тажриба ишлари билан шуғулланар эканлар, улар ўzlари танлаб олган мавзуни ҳар томонлама чуқур ўрганишга ҳаракат қиладилар, пировардида ишлаб чиқаришга ўзларини маълум ҳиссаларини қўша оладилар. Бу эса уларда ўз мутахассисликларига бўлган

ишенч ва ҳурматни янада бирмунча кучайтиради. Нижоят, ўқувчилар илмий-тидқиқот ишлари методлари (усуллари)ни ўрганиб олиш имконига эга бўладилар. Бу эса ўқувчиларни кўп жиҳатдан билимдон ва мустакил мутахассис бўлишида ва улар меҳнат қилган ферма ва хўжаликлар кўп жиҳатдан чиниқсан, фан янгиликларини ишлаб чиқаришга бемалол тадбиқ қилаоладиган ва қолаверса, келгусида **бакалавр** ва **магистр** бўладиган инсон сифатида шаклланиб боради. Бинобарин, бу усул ёшларни келгусида фақатгина фермаларда меҳнат қилиш учунгина эмас, балки илмий-тадқиқот институтларида ва юқори даражадаги корхона ва даргоҳларда хизмат қилишларида кенг йўл очиб беради.

Тажриба ишларини олиб бориш кўплаб ўқувчиларга топширилса-да, айрим мураккаб ва масъулиятли мавзулар кўпинча фаоллик кўрсатаётган сергайрат тўғарак аъзоларига топшириш мумкин ва маъқул ҳисобланади. Тажриба ишларини олиб боришга иштиёқ билдирган ўқувчилар ўзлари хоҳлаган мавзуни танлаб олишига имконият яратиб берилади.

Ўқувчи томонидан ўз хоҳишига кўра танлаб олинган мавзу индивидуал топшириқ сифатида уни **бажариш услуги** (методикаси) тайёрланади. Тажриба услубини таркиби қуидагича бўлиши мумкин: 1. Тажриба мавзуи. 2. Раҳбар ва бажарувчини исми-шарифи. 3. Тажриба ўтказиш жойи. 4. Тажриба ўтказиш вақти. 5. Тажрибани ўтказишдан асосий мақсад ва уни ечими учун асосий масалалар. 6. Тажриба схемаси (яъни қандай усуллар ёрдамида олиб борилиши). 7. Тажриба техникаси (яъни нималар ёрдамида бажарилиши). 8. Тажриба натижаларини ҳисобга олиш. 9. Кутиладиган натижалар. 10. Тажриба ўтказиш учун сарфланадиган маблағ, материаллар рўйхати, шулар жумласини ташкил этиши мумкин.

Мавзу бўйича қўйилган масалаларни тўғри ва ечимини топаоладиган ҳолда бўлиши учун уни ҳал этилишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, тажриба учун ҳайвонларни танлашда уларни ёшига, зотига, жинсига, вазнига, ориқ-семизлигига ва физиологик ҳолатларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бу борада чалкашликларга йўл қўйиб бўлмайди.

Тажриба бошлашдан олдин ишчи ластур ёзилади.

Үнда методика асосида олиб бориладиган ишларни календар даврлари кўрсатилади (яъни қачон ва қаерда қандай иш бажарилади, ва ҳ.к.). Умуман, тажриба учун мўлжалланган мавзулар биринчى галда ишлаб-чиқариш эҳтиёжи талабларидан келиб чиқиши лозим. Кўйида умумий зоотехния фанига доир айрим тахминий мавзулар хавола қилинади:

1. Наслларда гўшт маҳсулдорлигини оширишда саноат асосида чатиштиришнинг таъсири (сигирлар қораола зоти, буқа санта-гертруда зотли бўлиши мумкин).
2. Фунажинлар елинини уқалаш (массаж қилиш)ни келгуси сут маҳсулдорлигига бўлган таъсири (тугишига 2 ой қолгандан бошланганда).
3. Биринчى марта түққан сигирларни ийдириш (раздой) ва унинг сут маҳсулотига бўлган таъсири.
4. Тенгқур бузоқларни жинсига кўра ўсиш ва ривожланиш тезлигини аниқлаш ва ҳ.к. (*19-расм*).

Тажрибаларни олиб бориш

Ўқувчилар томонидан олиб бориладиган тажрибалар ўзларининг хусусиятларига кўра турли йўналишида бўлиши мумкин. Мисол тариқасида бир мавзу учун тузилган «тажриба ўтказиш методикаси»ни кўриб ўтайлик.

Мавзу: «Кайдо» препаратини серсугт сигирлар маҳсулдорлигига таъсири.

Мавзу раҳбари: Ўқитувчи П. Х. Эшматов

Бажарувчилар: Ўқувчилар С. У. Ботиров ва Х. С. Алиев.

Бажариш жойи: Коллежни ўқув-тажриба хўжалиги (ёки бирор ферма).

Бажариш вақти: I—XI дан I.IV. гача (келгуси йилнинг апрелигача)

Тажрибанинг асосланиши: Чорвачилик маҳсулотларини кўп ва сифатли етиштириб беришда ем-хашак базасини барқарорлиги энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада рационда барча турдаги макро- ва микроэлементларни етарли бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу моддаларнинг ҳайвон рационида етиш- маслиги ва айрим ҳолларда меъёридан ортиб кетиши салбий ҳолларга олиб келади. Яъни маҳсулдорлигини пасайиб кетиши ва касалланиш ҳолларини юз бериши кузатилган.

Йод — ҳайвон организмида барча ҳаётий жараёнларни меъёр даражада боришида энг муҳим микроэлементлардан бири ҳисобланади. У ҳайвонларнинг қалқонсимон безида ишлаб чиқиладиган гормон таркиби га киради. Шунинг учун ҳам унинг тутган ўрни салмоқлидир.

Маълумки, бўғоз ва соғин сигирларни йод моддасига бўлган эҳтиёжи кўпинча қучайиб боради. Бунга асосий сабаб бўғоз сигирларнинг эмбрионини кун сайн ўсиб бориши ва серсут сигирларда эса сут билан маълум миқдорда йодни ажралиб чиқиши ҳисобланади.

Ҳайвон организмига йод асосан ем-хашак ва сув билан тушади. Йод моддасининг ётиимаслиги Фаргона водийсининг айрим минтақаларида учрайди. Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, агар рацион таркибида йод моддаси кўпайиб кетса, у ҳайвонни жароҳатлади ва заҳарлайди. Кўпинча ҳайвонлар нимжон бўлиб, ориқлаб кетади. Шунинг учун «Кайд» препаратини беришдан олдин ҳайвонлар рационидаги ва ичадиган сувидаги йод моддаси миқдорини аниқлаб кўриш талаб этилади.

Тажрибадан асосий мақсад. Коллежни ўқув-тажриба хўжалиги мисолида «Кайд» препаратини сигирларнинг ҳаётий фаолиятига, сут миқдорига ва сутининг ёғдорлик даражасига бўлган таъсирини аниқлаш асосий мақсад ҳисобланади.

Тажриба схемаси (таркиби). Тажриба гуруҳлар методи асосида олиб борилади. Бунинг учун барча жиҳатдан бир хил (ёш, маҳсулдорлиги, ориқ-семизлиги, физиологик ҳолати ва ҳ.к.) сигирлар танланиб олинади. Бир гуруҳ назорат қилиш (контрол) сифатида ва иккита гуруҳ тажриба (кузатиш) учун олинади. Барча сигирлар учун индивидуал кўрсатгичлари (ёш, сути, ёғдорлиги, физиологик ҳолати ва ҳ.к.лар ёзилади).

Тажриба техникаси. 1. Тажриба бошлашдан олдин барча маълумотлар синчковлик билан текшириб чиқилади. Ҳар бир гуруҳда 7 бошдан сигирлар тақсимланиб чиқилади.

«Кайд» препарати 150 кун давомида иккинчи гуруҳ (тажрибадаги) сигирларга бир таблеткадан, учинчи гуруҳ сигирларга иккитадан (шахсан ўзига) емга қўшиб берилади. Тажриба давомида 3150 таблетка сарфланади.

2. Календар режаси тузилади. Унда тажрибани бош-

ланиш ва якунлаш куни белгиланади. Шунингдек, навбатчилик қилиш вақти (куни) ҳам ёзилади.

Натижаларни ҳисоблаш (якунлаш). Бунинг учун маҳсус дафтар (журнал) тутилади ва барча маълумотлар унга ёзиб борилади. Жумладан, суткалик сути, сутнинг ёғдорлик даражаси ва ҳ.к.

Кутиладиган натижа. Агар ҳақиқатдан ҳам рационда йод моддаси етишмаса тажрибадаги сигирларни сути кўпаяди, сутини ёғдорлик (қаймоқлик) даражаси ортади. Чунки «Кайдо» препарати бундай ҳолларда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Касб-хунар коллежи, ўқув-тажриба хўжалигида чорвачиликдан тажриба ва кузатиш ишларини олиб бориш усуслари

Ўрта маҳсус касб-хунар коллеж ўқувчилари билан чорвачиликдан дарс, ўқув амалиёти, тажриба ва кузатиш ишларини олиб борилар экан бу борада ўқитувчи ҳозирги замон фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлишлари хукуматимиз томонидан чорвалорлар олдига қўйилган асосий вазифаларни билишлари ва ўз билим доираларини узлуксиз кенгайтириб ва бойитиб боришлари лозим.

Коллеж ўқувчиларининг чорвачиликдан тажриба ва кузатиш ишларига жалб этилиши уларнинг меҳнатга, фан янгиликларига, изланишга, одоб ва интизомга, масъулият сезишга, касб таъминлашга бўлган интилиш ва қизиқишиларини шакллантиришда муҳим тадбир ҳисобланади.

Ўқувчиларни қўён ва паррандаларини боқишлири ва улар устида айрим тажриба ва кузатиш ишларини олиб бориш бирмунча қулай, осон ва қизиқарлидир. Бунда ўқувчилар жониворлар охурини тозалаш, озиқ бериш, сув билан таъминлаш, ифлосланган идишларни ювиш билан банд бўладилар. Бу борада талаб этилса ўқувчилар навбатчилик ишларини ҳам олиб боришлари мумкин (20, 21, 22, 23-расмлар).

Ўқувчилар ўз навбатчилигига об-ҳаво ва ҳароратнинг (хонада ва ташқарида) ўзгаришини кузатишлари мумкин. Шунга кўра бу борада барча тармоқлар бўйича қуйидаги мавзулар устида кузатиш ва тажриба ишларини олиб боришлари мумкин.



20-р а с м. Оқ рангли йирик наслдор қүён.



21-р а с м. Гүштта семиртиицелган қүён болалари.



22-р а с м. Капалак зотли урғочи наслдор қүён.




23-р а с м. Шиншилла зотли наслдор эркак құсн.

Озиқлантириш бүйича. 1. Ем-хашак турлари ва улардан фойдаланиш. 2. Соғин сигирларни озиқлантириша күкат ва дағал озиқ (пичан, сомон, маккажүхори поясси ва ҳ.к.) лардан фойдаланиш.

3. Дағал ва ем озиқларга дастлабки ишлов бериш.
4. Ем ва омихта емдан чорвачиликда фойдаланиш.
5. Сенаж, силос ва озиқ-овқат саноати чиқиндила-ридан фойдаланиш.
6. Серсув озиқлар (полиз экинлари)дан фойдала-ниш.
7. Ҳайвонлардан олинадиган озиқ турлари ва улардан чорвачиликда фойдаланиш.
8. Сунъий усулда тайёрланган күшимча (карбомид, витаминылы препараттар, антибиотиклар, минерал мод-далар ва ҳ.к.)лардан фойдаланиш.
9. Донадор (гранул) ва брикет озиқлардан фойдала-ниш.

10. Силос ва унинг сифатини аниқлаш.
11. Бүгоз сигирларни сутдан чиқариш технологияси.
12. Сутдан чиққан бүгоз сигирларни озиқлантириш.
13. Соғин сигирларни ёз ва қишлоғында озиқлан-тириш.

- Чүчқачилик бүйича.** 1. Чүчқа болаларини боқиши ва парваришиш.
2. Чүчқаларни гүшттегі боқиши ва семиртириш (24, 25-расмлар).
 3. Чүчқачиликда ассоций йүналишлар (зотлари мисо-лида).



24-р а с м. Гүшт йўналишидаги оқ йирик зот урғочи чўчқа.



25-р а с м. Мой йўналишидаги миргород зотли ургочи чўчқа.

4. Чўчқаларни биологик хусусиятлари.

Қўйчилик бўйича. 1. Қўйчиликни аҳамияти ва чорвачиликда тутган ўрни.

2. Қўйчиликдан олинадиган асосий маҳсулот турлари.

3. Қўйчиликда асосий маҳсулот йўналишлари (гўшт, мой, жун, пўстин ва қоракўл тери).

4. Қўйларни гўштга (бўрдоқига) семиртириш технологияси.

5. Қўйларни кўлда ва яйловда боқиши усуллари.

6. Қоракўлчиликни халқ хўжалик аҳамияти ва етиштириладиган асосий маҳсулотлар.

7. Қоракўл териларни ранги, гуллари ва сифат белгиларига кўра баҳолаш (*26 ва 27-расмлар*)

8. Қимматбаҳо, асл, сур териларини етиштиришда Ўзбекистон олимларининг тутган ўрни ва ҳиссалари.

9. Қоракўлчиликда ем-хашак базаси барқарорлигини ошириш ва уни мустаҳкамлаш.

Эчкичилик. 1. Эчкичиликни чорвачиликда тутган ўрни ва аҳамияти.



26-р а с м. Сур қоракүл тери,
шамчироқ тул ранг.



27-р а с м. Пушти ранг
қоракүл тери.



28-р а с м. Магрель зотли
серсүт эчкі.



29-р а с м. Тивит
йұналишидаги ангор зотли
сертивит зотдор тақа.



30-р а с м. Горноалтай зотли
жундор эчкі (совлик).



31-р а с м. Приодон зотли
кулранг наследор эчкі.

2. Эчкиларни маҳсулот йўналиши ва асосий зотлари (28, 29, 30, 31-расмлар).
3. Эчкиларни тивит маҳсулдорлиги.
4. Ўзбекистонда ангор эчкиларини тоғли зоналарда кўпайтириш ва унинг самарадорлиги (32-расм).



32-расм. Ангор зотли эчкиларни яйловда яйратиб боқиш.



33-расм. Турли еш ва жинсли бир гурӯҳ сўйи қўёнларнинг умумий кўриниши.

5. Эчки улоқларининг жадал ривожланиши.
6. Эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги, унинг таркиби, миқдори ва шифобахшлиги.

7. Эчкиларни қўлда ва яйловда боқиш технологияси.

Куёнчилик бўйича. 1. Уй қуёнларини келиб чиқиши ва хонакилаштириш натижасида юз берган биологик ва хўжалик ўзгаришлар.

2. Ёввойи қуёнларни биологик хусусиятлари, озиқланиши, кўпайиши ва экологияси (33-расм).

3. Қуёнларни катакларда (ёки маҳсус хоналарда) сақлашда ташқи ҳароратнинг улар мўйна зичлигига таъсири.

4. Эркак ва урғочи қуён болаларини ўсиш ва ривожланиш тезлиги.

5. Қуёнларни жинсига кўра тивит маҳсулоти (миқдори ва сифати).

6. Соф зотли ва дурагай қуён болаларини ўсиш тезлиги.

7. Микроэлементларни қуён организмига таъсири.

8. Қуён рационидаги комплекс микроэлементлардан фойдаланиш.

9. Қуён зотлари ва уларнинг асосий маҳсулот йўналиши.

10. Қуёнларни урчитиш ва кўпайтириш.


11. Қуёнларни озиқлантириш.

12. Қуёнларни асраш ва сақлаш усувлари.

13. Қуёнлар учун асосий рационлар.

14. Қуёнларни гўштга семиртириш.

15. Ўзбекистонда қуёнчилик ривожланиши.



34-расм. Инкубатордан чиққан биркунлик товуқ жўжалари.

Паррандачилик бўйича. 1. Товуқ жўжаларини жадал ўсиб ривожланишига таъсир этувчи омиллар.


2. Парранда жўжаларини ўсиб ривожланишига ҳаво ҳароратининг таъсири (*34-расм*).

3. Ўрдак болаларини гўштга семиртиришла озиқ турларининг самарадорлиги.

4. Ундирилган дон массасини жўжа организмига таъсири.



35-расм. Бир ярим ойлик бройлер жўжаларининг умумий кўриниши.



36-расм. Тухумдор товуқларнинг йирик ва кент хоналарда боқилиши.

5. Кўкат майсаларини товуқ серпуштлигига таъсири.
6. Қишлоқ кўжалик паррандаларининг тухум ва гўшт маҳсулдорлигига таъсир этувчи асосий омиллар (*35 ва 36-расмлар*).
7. Фозларнинг асосий зотлари ва уларни турли зоналар бўйича тарқалиши.
8. Куркаларнинг гушт маҳсулдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар.
9. Ўзбекистонда беданачилик ва уни ривожлантириш (*37-расм*).
10. Ўрдак зотлари ва уларнинг маҳсулдорлиги.



37-расм. Ўзбекистон
беданаси.



38-расм. Тоғ каклигининг
умумий кўриниши.



39-расм. Ўзбекистон қирfovули (эркаги ва урточиси)

11. Сўнгти йилларда хонакилаштирилиши бошланган айрим ёввойи қушлар (какликлар, қирғовуллар, тўти қушлар, канарейка, сава, тус товуқ ва тия товуқлар) (38, 39, 40-расмлар).



40-расм. Эстетик завқ олиш учун шахсий хонадонларда кўпайтирилаётган тўти қушлар.

12. Эстетик завқ олишда аквариум балиқларини боқиш ва кўпайтириш (41-расм).

Қорамолчиллик бўйича. 1. Бузоқларни сунъий сут билан боқиш.

2. Бузоқларни сут ўриндоши билан боқиш.


3. Бузоқларни семиртиришда беда унининг таъсири.

4. Бузоқларни тез ўсиб ривожланишида антибиотик препаратларини роли ва тутган ўрни.


5. Эмизикли бузоқлар учун витаминли беда пичанини тайёрлаш ва ундан фойдаланиш.

6. Бузоқларни жадал ўсишида маккажўхори силосининг роли.

7. Карбомидни сигирларнинг серсултлигига таъсири.
8. Эркак ва урғочи бузоқларни ўсиш ва ривожланниш тезлиги.
9. Ташқи муҳит хароратининг бузоқ организмига таъсири.
10. Сигирларни туғишига тайёрлаш.
11. Сигирларни туғишида дастлабки ёрдам кўрсатиш.
12. Туғилган ва туғилаётган бузоқларни қабул қилиш.
13. Бузоқларни 15 кунлигигача боқиш.
14. Бузоқларни эмизикли даврида боқиш.
15. Сутни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тадбирлари.
16. Йил фаслини сут миқдорига ва сифатига таъсири.
17. Зот ва наслий белгиларнинг сут миқдори ва сифатига таъсири.



41-р а с м. Сигир елинни ва сўргичининг анатомик тузилиши:
1 — без тўқимаси, 2 — тери, 3 — сут цистернаси, 4 — сўргич бўшлиги.




42-р а с м. Сигирларни кўл ёрдамида соғиш усули.

1 — бармоқлар бўшашибган ҳолати, бунда сўргич цистернаси сутга тўлади; 2 — бош ва кўрсатма бармоқ сўргични юқори қисмидан сиқади; 3 — қолган бармоқлар сўргични сиқиб, ундан сутни соғишта киришади.

18. Сигир ёшини серсүтлигига ва сут сифатига таъсири.

19. Сигир елинининг морфологик тузилиши ва сутнинг ҳосил бўлиши (41-расм)

20. Сигирларни кўл билан ва машина (аппарат) ёрдамида соғиш технологияси (42 ва 43-расмлар).



43-расм. Икки тактили сут соғиш аппаратининг ишлаш схемаси:
I — доимий вакуум камераси, II—IV—ўзгарувчан босим камералари,
III — атмосфера босим камераси. I — соғиш стакани камераси,
2 — стакан гильзаси, 3 — деворлараро камера, 4 — ўзгарувчан
bosim трубаси, 5 — ўзгарувчан босим шланги, 6 — мембрана,
7 — клапан, 8 — сут шланги, 9 — сут найчаси, А — доимий вакуум
камераси, Б — ўзгарувчан босим камераси.

21. Фермер хўжаликлари учун сигир танлаш.

22. Сигирлар елинини уқалаш (массаж) тадбирлари.

23. Сигирлардан фойдаланиш муддатини узайтириш тадбирлари.

24. Фермер хўжаликларида сифатли сут етиштириш тадбирлари.

25. Сут идишларини ювип ва дезинфекция қилиш тадбирлари.

Умуман, ўқувчиларни тажриба ва кузатув ишлари, шунингдек адабиётлар асосида тайёрланиладиган ишлари турли хил мавзуларда бўлиб уларни танлаш ва белгилашда асосан хўжалик шароитидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Мундарижа

Сүзбоши 3

БИРИНЧИ БҮЛІМ

«Умумий зоотехния» фанини ўқытишнинг айрим услубий хусусиятлари	5
Фан маълумотларининг мазмуни ва уларни режалаштириш	7
Ўқув маълумотларини режалаштириш	9
Мавзулар ва фанлар ўртасидаги боғланиш	11
 Ўқитиши усуллари	12
Ўқитишининг айрим хусусиятлари	12
Муаммоли ўқитиши	15
Дастурланган ўқитиши	17
Дарснинг моддий ва асбоб-анжом билан мукаммал таъминланганлити	18
Техника яоситаларидан фойдаланиш	19
Ўқувчиларининг «Умумий зоотехния» фанидан билим даражасини аниқлаштируши	20
Оғзаки назорат	20
Ёзма назорат ишлари	21
 Ўқув ишларини таşıкил этиши	22
Маърузалар, семинар дарслари ва юшимиш дарслар	22
Ўқувчиларининг мустақил ишлашларини таşıкил этиши	24
«Кирипп» мавзуини ўтиш услуби	25
Дарснинг мазмуни ва олиб борилиши	26

ИККИНЧИ БҮЛІМ

«Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонлариниң үрчітіши ва күпайтириш»	30
Уй ҳайвонларининг келиб чиққили ва эволюцияси	30
«Уй ҳайвонларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ёввойи авлодлари» мавзууда дарс ўтиш услуби	30
«Уй ҳайвонларининг эволюцияси» мавзуини ўтиш услуби	32
 «Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонларининг ўсиши ва ривожланиши» мавзузини ўтиш услуби	34
«Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонларининг ўсиши ва ривожланиш қонуниятлари»	36
Турли маҳсулот йұналишидаги қишлоқ ҳұжалик ҳайвонларининг экстеръери ва тана қысмлари	38
Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонлари экстеръерини баҳолаштируши	39
 «Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлығы» мавзуини ўтиш услуби	41
Маҳсулот турлари, уларни күпайтириш, сифатини яхшилаштираш ва иқтисодий самарадорлыгын ошириш тадбирлари	42
Сигирларининг сут маҳсулдорлыгын ҳисоблаштируши	46
Чорва молларининг гүшіт маҳсулдорлығы ва уни аниқлаштируши	49
«Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлығы» мавзууда семинар дарснини ўтиш услуби	50
Қишлоқ ҳұжалик ҳайвонлариниң тәндәші ва сарапаш мавзузини ўтиш услуби	51

«Қишлоқ хұжалик ҳайвонларыннң зоти тұғрисидеги тәттілімөт» мавзуини үтиш услуги	52
«Қишлоқ хұжалик ҳайвонларының үрчітішіндең усуллары» мавзуини үтиш услуги	60
«Хайвонларни чатишириш», «Саноат асосида» ва чатиширишпен» мавзуини үтиш услуги	62
«Галма-гал ва қон қуишиндең усуллары чатишириш» мавзуини үтиш услуги	64
«Чорвачиликда тажриба ишларини ташкил қылыш» мавзуини үтиш услуги	66
Үқув амалиетини үтказиш услуги	71

УЧИНЧИ БҮЛІМ

Қишлоқ хұжалик ҳайвонларының озиқлантириш

«Чорва маҳсулотлари етиширишни жадаллаштиришида қишлоқ хұжалик ҳайвонлари ва паррандаларини тұрып озиқлантириш» мавзуини үтиш услуги	78
Дарсни маъруза усулида үтиш	78
«Ем-хашак түйимлилігінің бағдарлама қишлоқ хұжалик ҳайвонлары ва паррандаларини озиқлантириш илмий асослары» мавзуини үтиш услуги	81
«Ем-хашакларнинг кимәвій таркиби ва анорганик моддаларнинг ажамияты» мавзууда дарс үтиш услуги	81
«Ем-хашак мавзуини үтиш услуги	84
«Ем-хашак воситалары» мавзуини үтиш услуги	85
«Қинлоқ хұжалик ҳайвонларыннң түйимли моддаларга бұлған әрхиеҗі» мавзусини үтиш услуги	86
Саломатлігінің сақладығынан, маҳсулорлығынан күпайтирадығынан ва эмбрионнинг меңгерілгендең үсіб-ривожланишини таъминлайдығынан ем-хашак миқдорини аниқлаш» мавзуини үтиш услуги	86

ТҮРТИНЧИ БҮЛІМ

Дардан ташқары ишлар	88
Зоотехния тұтарғы ишларини ташкил этиш	92
Чорвачиликда тажриба ишларини тапкыр этиш тәдбирлари	95
Тажрибаларни олиб бориш	97
Касб-хунар колледждегі жұмыстардың тажрибасынан көзтүсіндең усуллары	99